

АЗИЗ САИД



ВАҚТ
МАНЗИЛИ

АЗИЗ САИД

ВАҚТ МАНЗИЛИ

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Тошкент
«Akademnashr»
2021

УЎК: 821.512.133.09

КБК: 83.3(5Ўз6)

С 21

С 21

Азиз Саид

Вақт манзили [Матн] / Азиз Саид. — Тошкент: Akademnashr, 2021. — 224 б.

ISBN 978-9943-6966-5-5

УЎК: 821.512.133.09

КБК: 83.3(5Ўз6)

Вақт манзили... Қаерда у? Инсониятнинг ибтидосидан ҳозиргача бўлган вақт манзараларида эврилиб бораётган руҳи нимадан умидвор?

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи... Вақт очкузмиди? Одамми? Миллат вақтнинг суратларига қараб қачон ўзини танийди?

Турғунлик болалари... Бола вақтнинг тирик бир парчасими?

Паганинининг сўнгги концерти... Вақт қалб ичидаги муסיқадами ёки қалб вақт муסיқаси ичидами? Вақт муҳаббат овозида гапирадими?

Ғойибдан дўст билан суҳбатлар... Вақтнинг қоғоздаги изларими?

Ўтган асрнинг 80-йилларида шеъриятимизга кириб келган бетакрор авлоднинг ёрқин вакилларида бири Азиз Саиднинг ушуб китобига вақтнинг ботиний ва зоҳирий манзараларида рамзу суратлар ила акс этган юқоридаги саволларга юрагингиздан жавоб излайсиз.

ISBN 978-9943-6966-5-5

© Азиз Саид

«Вақт манзили»

© «Akademnashr», 2021

...ва мен вақт олдингами, орқагами оқаётганини
аниқ билгувчини излаб зир югурардим...

ВАҚТ МАНЗИЛИ



Ва бундан икки минг йил муқаддам эди
ва шу куни эди
ва ярим тунда юлдузларга тикилиб ўтирар
ва уларнинг нима эканлигини
ва ўзимнинг нега пайдо этилганимни
ва бизни Ким қўшиқ куйлашга
ва Ким йиғлашга мажбур қилаётганини
ва муҳаббат
ва нафрат қаердан пайдо бўлишини
англамоқчи бўлар
ва осмонга
ва ўз ичимга қулоқ тутар
ва шамолми, вақтми шовуллар
ва шамолни Ким юбораётганини ўйлар
ва кўзларимни катта-катта очиб вақтнинг
рангини
ва шаклини кўрмоқчи бўлар

ва лабларим беихтиёр пичирлар
 ва уни Ким ясаганини сўрар
 ва қулоқ солар
 ва вақтнинг овозини эшитмоқчи бўлар
 ва вақт келаётибдими, кетаётибдими аниқлай
 олмас
 ва у тўхташи мумкинми
 ва қаерда
 ва қачон деб ўз-ўзимдан сўрар
 ва атрофимдаги баҳайбат
 ва совуқ Тошлар жим турганидан шубҳам
 ортар
 ва барча тилсимотлар
 ва сир-асрорларнинг
 ва барча саволларга жавобларнинг соҳиби
 шулар деб ишонар
 ва қавмимни ўт
 ва сув балосидан асрашини
 ва уларни илону чаёнларга чақтирмаслигини
 ва деҳқонга ёмғир
 ва барака
 ва чорвага тўқлик
 ва кўпайиш ато этишини илтижо қилар
 ва ўзим учун вақт ҳали бормаган вақтларга
 сафар тиланар
 ва Тошлар ўз сукутини бузмас
 ва вақт орқагами, олдингами эканлигини

англаб бўлмас даражада шиддат билан оқар
ва ер силкинар
ва қавмим мен сиғинган Тошлар остида нобуд
бўлар
ва дарёлар тошар
ва балиқларни еб юрганлар энди
балиқларга ем бўлар
ва аввал бирга яшаган қавм
бўлак-бўлакларга бўлинар
ва ўзлари қурган работ
ва кентларни бузар
ва вайрон қилар
ва мен вақт олдингами, орқагами оқаётганини
аниқ билгувчини излаб зир югурар
ва кўзларим ҳайратдан
ва юрагим даҳшатдан музга
айланаётганини туяр
ва ҳар тун сарбонини йўқотган карвондай
олазарак қавмим билан чорасизлик базмини
қураар
ва шундай машваратларнинг бирида
кўзимдаги муз аллақандай тафтдан
эриётганидан
ва қавмим ҳам музлаган юракларига
қандайдир илиқлик югураётганидан янада
даҳшатга тушар
ва онасининг исини олган

ва уни тополмаётган гўдакдай
чор атрофга аланглар
ва ҳарорат ўртадаги гулхандан эканлигини
аста-секин англар
ва мен Оловнинг тилларига қараб
вақтнинг ранги
ва шаклини тасаввур қилар
ва вақт гулханнинг ичидан чиққанига имоним
тобора комил бўлар
ва тонгда барча гулханлар
ва машъалларнинг
ва юлдузлар
ва нурларнинг
ва гиёҳлар
ва дарахтларнинг
ва қушлар
ва ҳайвонларнинг
ва бизнинг
ва вақтнинг онаси эканлигига тўла ишонч
билан Қуёшга сажда қилар
ва ундан буғдойни бошоқдан
ва боғларни мевадан
ва эркакни аёлдан
ва болани онадан
ва кўзни нурдан жудо қилмаслигини сўрар
ва қувватсизларга қувват
ва беморларга шифо


ва одам одамни ўлдирмаслигини
илтижо қилар
ва дуоларимнинг ижобат бўлиши учун
ва оловнинг тафтини
ва меҳрибонлигини ҳар лаҳза ҳис қилиб
туриш учун
ва Оловнинг қувонч
ва қайғумизга гувоҳ бўлиши учун
ва бизни гуноҳлардан сақлаши учун
қавмимнинг кулбаларида туну кун
олов ёниқ турар
ва маййитлар ёнига шамдонда олов қўяр
ва дўстникига қўлда олов билан борар
ва уйлансак, келинникига олов кўтариб борар
ва гўдагимизни бешикка олов билан боғлар
ва Олов билан
ва Қуёш билан қасам ичар
ва вақт олдингами, орқагами
шитоб билан елар
ва мен вақтнинг манзилини сўрар
ва олов ҳам мужда беролмас
ва мен хотир ғорларида адашар
ва бу ғор деворидаги суратлардан
ва тошларга
ва дарахт пўстлоғига
ва ҳўкиз ва кийик териларига
ва китобларга битилган руний

ва сўғдий ва оромий
 ва юноний ёзувларда чекилган мактублардан
 ва солномалардан
 ва ёдномалардан
 ва Тўнюқуқ битигидан
 ва Кул Тигин битигидан
 ва Билга Хоқон битигидан
 ва Унгин битигидан
 ва Моюн Чур битигидан
 ва Энасой битикларидан
 ва Ирқ битигидан
 ва Авестодан
 ва Ведалардан
 ва Тавротдан
 ва Забурдан
 ва Инжилдан вақтнинг қаерга
 кетаётганини излар
 ва тополмас
 ва Олов ҳам гапирмас
 ва қавм адашар
 ва сўздан-да
 ва тушларидан-да
 ва соғинчдан-да
 ва севгидан-да
 ва болаларидан-да
 ва вақтдан-да
 ва ўзидан-да қимматроқ нимарсани излар

ва тимирскиланар
ва ерни кавлар
ва сариқ тош топар
ва уни олтин деб номлар
ва олтини борлар
ва йўқларга бўлинар
ва очлар
ва тўқларга бўлинар
ва бир-бирларини қул қилиб сотар
ва ўзлари сиғинган гулханларда ёқар
ва дорларга тортар
ва олтинларини ва канизакларини
ва зийнатларини ва баданларини
ва мушакларини бир-бирларига кўз-кўз
қилишдан лаззат топар
ва буларнинг асл соҳиби борлигини
ва тўғри йўл борлигини айтиш учун
бирин-кетин хабарчилар келар
ва мен Одамни
ва Идрисни ва Нухни
ва Ҳудни ва Солиҳни
ва Иброҳимни ва Исҳоқни
ва Исмоилни ва Яқубни
ва Юсуфни ва Шуайбни
ва Лутни ва Яҳёни
ва Закариййани ва Мусони
ва Хорунни ва Довудни

ва Сулаймонни ва Илёсни
 ва Аййубни ва Ёфасни
 ва Зулкифлни ва Юнусни
 ва Узайрни ва Луқмонни
 ва Зулқарнайни
 ва Исони уларнинг ҳаммасига ўз саловоти
 ва саломини йўллаган
 ва вақтнинг Эгаси бўлган
 юбораётганини сезар
 ва мен вақт орқага қайтяптим
 ва ё олдинга кетяптим
 ва юз йил ва беш юз йил
 ва минг йил
 ва ўн минг йилдан сўнг қаерда бўлади
 ва мен
 ва қавмим ким бўлади
 ва қай ҳолатда бўлади, билгим келар
 ва ҳаёлнинг зим-зиё салтанатига тасаввур
 отларини вақтдан-да ўздириб елдирмоқчи
 бўлар
 ва сигир ўрнига қайғуни соғаётган
 кампирларнинг
 ва адолат кўлида зулм бақаларини
 боқаётган қозиларнинг
 ва чор атрофга руҳ қопқонларини
 қураётган овчиларнинг
 ва шаҳват арқоғидан кийим тўқиётган
 тўқувчиларнинг

ва ёвузлик унидан хамир қораётган
новвойларнинг
ва хиёнат тиғини чархлаётган сарбозларнинг
ва ватани сарҳадларига ришва симларини
тортаётган посбонларнинг
ва зурриётларига алдов илмидан сабоқ
бераётган устозларнинг
ва очлик дастурхонини муҳтожлик омочи ила
шудгорлаётган деҳқонларнинг
ва эзгулик дарахтларини арралаб тахт
қураётган дурадгорларнинг суратларига
кўзим тушар
ва бу кетмишми
ва ё келмишми англай олмас
ва сўнгги хабарчи Муҳаммад алайҳиссалом
ташрифидан
ва унга Қуръони карим туширилганидан
ва Қазодан
ва Қадардан
ва Лавҳул-Маҳфуздан
ва шайтони лаиндан
ва аслим руҳлигидан
ва вужудим руҳга идишлигидан
ва либослигидан
ва жаннат йўлидан
ва дўзах йўлидан
ва бу дунё



ва қуёш ва ой
 ва юлдузлар
 ва тун ва кун
 ва денгизлар ва тоғлар
 ва сузгувчи ва учгувчи
 ва юргувчи ҳайвонлар
 ва даррандалар
 ва паррандалар
 ва дарахтлар ва майсалар
 ва тиканлар ва гуллар мен учун
 ва менга хизмат қилиш учун яратилганидан
 ва менинг энг шарафли зот қилиб бунёд
 этилганимдан хабар топдим
 ва менга тақдир қилиб берилган ватан бор эди
 ва қавмнинг тилида, у Бақтрия
 ва Сўғдиёна
 ва Хоразм
 ва Турон
 ва Мовароуннаҳр эди
 ва менга тақдир қилиб берилган ном бор эди
 ва қавмнинг тилида у скиф
 ва сак
 ва массагет
 ва хоразмий
 ва сўғд
 ва туркий эди
 ва қавм ғофил эди

ва эгаси бор бу ватанга эгалик илинжида
бўлдилар
ва Кайхусрав келди
ва мен Тўмарис эдим
ва ўғлим Спарганисни жангга жўнатдим
ва Кир ҳийла қилди
ва узум суви билан ўғлимни маст қилди
ва асир олди
ва ўғлим номус қилди
ва ўзини ўлдирди
ва мен ҳалол жанг қилдим
ва Кайхусравнинг бошини тўйсин дедим
ва ичсин дедим
ва қонли мешга солдим
ва мен вақтнинг манзилини билмас эдим
ва Доро келди
ва мен Широқ эдим
ва қулоқ-бурнимни кесдим
ва Дорони саҳрода адаштирдим
ва сувсиз
ва озиқсиз қилдим
ва қавмимни қутқардим
ва мени чопиб ташладилар
ва мен вақтнинг манзилини билмас эдим
ва Искандар келди
ва мен лак-лак эдим
ва туман-туман эдим

ва мени қирди
 ва қонларим дарёдай оқди
 ва мени
 ва хотинларимни
 ва болаларимни асир олди
 ва дунёнинг қул бозорларида савдо қизиди
 ва мен Спитамен бўлдим
 ва бутун қавмимни оёққа қўйдим
 ва Искандарни ҳолдан тойдирдим
 ва яқинларим хиёнат қиличини кўтарди
 ва бошимни олди
 ва мен вақтнинг манзилини билмас эдим
 ва Қутайба келди
 ва мен фаровон эдим
 ва маъмур эдим
 ва мени хор тутди
 ва забун тутди
 ва хотинларимни
 ва қизларимни сарбозларга бўлиб берди
 ва хирож солди
 ва мен Муқанна бўлдим
 ва юзимни кўрсатмадим
 ва қасос олдим
 ва душманни заиф қилдим
 ва яқинларим хиёнат китобини хатм қилдилар
 ва ўларкан вақтнинг манзилини билмас эдим
 ва Чингиз келди

ва мен Жалолиддин эдим
ва оловда қолган
ва сувда қолган шаҳарларим ҳаққи
ва қон сачраган гиёҳларим ҳаққи
ва ҳайдаб кетилган болаларим ҳаққи
ва аёлларим ҳаққи
ва қизларим ҳаққи
ва ёндирилган тоғ-тоғ китобларим ҳаққи
ва кесилган бошлар ҳаққи
ва дарё-дарё ёшлар ҳаққи жангга кирдим
ва ёғийга омонлик бермадим
ва тутқич бермадим
ва ўғлимнинг юрагини тириклай суғуриб
олдилар
ва хотинимни
ва онамни ва боламни
ва ўзимни ёвга бермадим
ва дарёга бердим
ва омон ўтдим
ва душманни қўрқувда тутдим
ва яқинларим хиёнат тўнини кийдилар
ва бу дунёдан кетаркан вақтнинг манзилени
билмадим
ва мен ҳаётни севардим
ва ўлимни севмасдим
ва озодликни севардим
ва қулликни севмасдим

ва тинчликни севардим
 ва урушни севмасдим
 ва ҳурликни севардим
 ва зўрликни севмасдим
 ва мағрурликни севардим
 ва мутеликни севмасдим
 ва мен парча-парча эдим
 ва бўлакларимни бирлаштиргим келарди
 ва Амир Темур бўлдим
 ва қаричма-қарич
 ва қадам-бақадам юртни ёвдан тозаладим
 ва бузган эдилар, қурдим
 ва ёққан эдилар, яшнатдим
 ва қавмимни буккан эдилар, тикладим
 ва ожиз тутган эдилар, қудратли қилдим
 ва йиғлатган эдилар, кулдирдим
 ва ғам ўрнига шодлик
 ва ҳақорат ўрнига эҳтиром
 ва зулм ўрнига адолат бердим
 ва вақтнинг чархпалаги ортгами, олдингами
 бетиним айланар
 ва мен уни ой
 ва қуёшнинг айланиши ила ўлчар
 ва ой
 ва қуёш олдинга айланяптими
 ва ё орқага айланяптими билолмас
 ва вақтдан ўзмоқчи бўлар

ва қанот бойлаб учар
ва устурлоб ясар
ва сайёралар рақсига термулар
ва кемалар созлар
ва денгизларда сузар
ва миноралар
ва мадрасалар қурар
ва маъданларни маъданларга қўшар
ва ажратар
ва абадий тириклик сувини ясамоқчи бўлар
ва китоблар битар
ва ғазаллар тўқир
ва қавм қора қутқуда эди
ва вужуди тупроқ
ва олов
ва шамол
ва сувга жанггоҳ эди
ва улар навбат-банавбат ғолиб
ва мағлуб келар
ва қавм тахт талашар
ва ер талашар
ва шон талашар
ва қон талашар
ва ўғил отага
ва оға инига
ва хотин эрига тиф санчар
ва адоват

ва хиёнат косаларида ажал турар
 ва бутунни яна бўлдилар
 ва пароканда қавмим бошига энди Николай
 келди
 ва миноралар тўпга тутилар
 ва китоблар ёқилар
 ва дорлардан ўрмонлар тикланар
 ва кентлар ёқилар ва олтинлар ташилар
 ва мен тўқсон ҳомила эдим
 ва тўққиз ўрис аскари эвазига Самарқандда
 оналаримнинг қорнига найза санчиб
 ўлдирилдим
 ва мен ҳали вақт нималигини билмас эдим
 ва мен кампир эдим
 ва гўё далли эдим
 ва неварамни тоғоранинг остига гизлар
 ва йиғиси эшитилмасин ва ёғий билмасин деб
 тоғора чалар
 ва Тошкентни босқин қилаётган ўрис аскари
 тоғорани ағдариб, неварамни милтиқ
 найзасига илиб кетди
 ва мен вақтнинг манзилини билмас эдим
 ва қавмим сибир бўлди
 ва мардикор бўлди
 ва оқлар қизил бўлди
 ва сўзлаганни олдилар
 ва ўйлаганни олдилар

ва ўқиганни олдилар
ва эшитганни олдилар
ва ватанни олдилар
ва тарихни олдилар
ва хатни олдилар
ва динни олдилар
ва тилни олдилар
ва ғурурни олдилар
ва орни олдилар
ва бердилар
ва қулларга нишон
ва сотқинларга амал
ва қўрқоқларга ёрлик
ва жосусларга унвон
ва маддоҳларга мартаба
ва раиятга ёлғон
ва ўз-ўзига ниш урган чаён янглиғ бу қора
салтанат жон берди
ва менга тақдир қилинган Ватанни қавм
Ўзбекистон деди
ва менга тақдир қилинган номни Ўзбек деди
ва мен озодман
ва мен ҳурман
ва мен ташнаман
ва меҳрга
ва шафқатга
ва ҳақиқатга


ва адолатга
ва қавмимдан олганларини
ва тарихни
ва хатни
ва динни
ва тилни
ва ғурурни
ва орни зурриётларга қайтармоқ учун
Тинчликка Ташнаман
ва олдингами, орқагами шитоб билан
сузаётган вақтнинг манзилини ҳамон
билмайман...

2000 йил

«МИНГ ТҮҢҚИЗ ЮЗ ҮТТИЗ ЕТТИНЧИ»







*Бобом Муҳаммад Мақсуд ўғли
хотирасига*

Ит акиллаши каби бир овоз:
– «Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи!»
Нафасини ютар уруш
Ва фашистлар изғиган ўлимхона.
Ёғоч калиш ғўлдирайди –
У бир қадам чиқар олдинга.
– Доно бўлиб кетяпсан, чўчқа,
Қаердан кеп қолди фронт газети?
Автомат ўқдонидаги ўқлардай
Тишлари қисилган, у жим.
Жағига қарсиллаб тушади қўндоқ,
У йиқилар, юраги ғижим.
Янчилган лабидан томади ерга

Қонолуд нафрат.
 – «Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи!»
 Кўзига санчилар тиканак рақам,
 Хаёли йиртилар – шариллаб оқади
 Машъум суратлар.
 Ялайди минг тўққиз юз
 Ўттиз еттинчи йил.
 Саводсизликни тугатар пайти,
 Яъни оқшом кўлмакдан чиққанда сакраб
 Кириб келишди,
 Қўлида қурбонлар рўйхати.
 – Доно бўлиб кетяпсан...
 Ҳайрон қолди бошлиғи
 Ҳақорат халтасига қўлини тикиб.
 Ўзининг номидан бўлак
 Ҳеч вақо йўқ эди бу халққа аталган.
 Ғижинди: халқ душмани...
 Отасининг, сўнг икки акасининг
 Қўллари боғланди пўлат чивиклар билан.
 (У билмасди, билолмай ўтди
 Пўлат чивикнинг таржимаси
 Стал-ин эканлигини.)
 Сўнг унга тикилди «ҳокимият».
 – Унинг саводи йўқ, – деди отаси.
 – Саводсизларни ҳам тугатамиз,
 (Саводсизликни деб эшитди у.)
 Саводлилар тугайверсин-чи.

Кейин...

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи!

Йил

Яна бир суратни ялайди:

– Ўқишни биласанми?

Жағига қарсиллаб тушади милтиқ қўндоғи.

У йиқилмайди,

Қонга қўшиб туфлар саволни.

Ёддан билишини айтмайди

Қуръонни,

«Коммунистик партия манифести»ни...

Ютди тонгдай ёруғ хаёллару

Дилни чайнаб семирган қамоқ

Отаси ва акаларини.

Унга тамға босишди – қулоқ.

Урушгача тошлар ташиди

Ҳуқуқсизлик шахталарида.

Қишлоқ эса, қишлоқ ўша йил

Ўғлонларин кутди изиллаб...

Шивирлади кимдир кимгадир:

Ҳаммасига гуноҳкор

Китоб...

Ўша кун анграйиб қолди токчалар,

Китобу қоғоздан яшашди гулхан.

Варракларни ёқишди ҳатто,

Болаларнинг олиб қўлидан.

Халқ дея ловуллаб ёнди Навоий,
 Қалқ дея ловуллаб ёнди Бобур ҳам.
 Машрабни ёқишди дор билан қўшиб,
 Хайёмни ёқишди кўзага солиб.
 «Илми нужум» ёнди –
 Бу халқнинг бошида юлдуз қолмади.
 «Таворих» гурлади –
 Авлоду аждод қолмади.
 Кул бўлди Сино ҳам, халқнинг дардига
 Шифобахш мўмиёю малҳам қолмади.
 Кейинги китоблар Чўлпон ва Қодирий...
 Келажак қолмади, манзил қолмади.
 Сўнг кулни эзғилаб ваҳший бир шамол
 Қозонда қайнатди, уни ичдилар.
 Томирга югурди заҳарга ўхшаб
 Машъум бир касаллик, ҳеч ким сезмади.
 Қўр-рр-қуввв!
 Виждонни, мияни ҳамда забонни
 Ютди у.
 Кўз кўзга тушганда
 Юқди у.
 Кўчада юқди у, тўшакда юқди,
 Кўкракдан гўдакка сут билан юқди,
 Очликдан юқди у, тўқликдан юқди,
 Тобутдан юқди у, бешикдан юқди.
 Фақат омон қолди меҳнаткаш қўллар.
 (Қуллар деб ўқийсиз эски ёзувда.)

«Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи»
 Ертўлага гурсиллаб тушди.
 Қарсиллаб ёпилди темир панжара.
 Ҳамон суратларни ялар эди йил.
 Келди яна отасини ва акаларини
 Олиб кетганлар.
 Бошлиғи тиғ билан темир кукунни
 Хириллаб қўлида кўтарди баланд:
 – Қани, ким биринчи?
 «Изм»га бошлаймиз музаффар юриш.
 Бутун қишлоқ бўлди биринчи.
 Бош чаноғин тиғ билан очиб,
 Мияларин сихга тортдилар.
 Темир кукун сепиб пиширгач,
 – Биз олмаймиз ҳеч нарсангизни, –
 дея бошни қайта тикдилар.
 – Шиор энди пўлат интизом
 Қориндаги ҳомилага ҳам.
 (У билмасди, билолмай ўтди
 Стал-ин эканлигини
 Пўлат интизомнинг таржимаси ҳам.)

Сўнгра секин пичирлади бир жуҳуд маҳбус:
 Буғдойнинг пишишини кутадилар
 Азал-азал ал замон.
 Бўлмаса оч қолади
 Тандир билан тегирмон.

Подшоҳ кўзин ўяди
Деҳқон билан чўпонни.
Кўриб қолса тахт йўлин,
Кўтаради исёни.

– «Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи»
Уни яна олиб чиқдилар.
Йилнинг ошқозони тўлди суратдан,
Лекин тўймади кўзи.

Чўлпонни ютди у, Фитратни ютди
Ва ғажий бошлади ўзини ўзи.

Юз йилни ғажиди –
Минг саккиз юз ўттиз еттинчи –
Пушкинни отдилар.

Уч юз йилни ғажиди яна –
Минг беш юз ўттиз еттинчи
Шайбоний топтади гуллаган юртни.

Майданди яна уч аср –
Минг икки юз ўттиз еттинчи –
Китобларни ёқди мўғуллар

Беш юз йилни ғажиди яна –
Етти юз ўттиз еттинчи –
Шоирларни қирди араблар...

Яна...

Йилнинг қорни тўйди.

Етмиш йил ухлади, халқни ухлатди...

Сўнг чақмоқ чақди-ю ногаҳон,
Ғофил ётибсанлар деди аллаким.

Уйқудан уйғонди фақат тўйганлар
 (Тўймаган уйқуда ётибди ҳамон).
 Гулхан ясадилар
 Пўлат чивиқлару пўлат миядан.
 Яна бир инқилоб туғди оналар,
 Қўрқувга тупуриб ўсган фарзандлар
 Сўйдилар етмиш йил ухлаган йилни...

Қон ҳамон оқмоқда, қон ҳамон
 Касал. Пичирлар:
 Саводхон, саводхон, саводхон.

Томирни титкилаб эриган кулни
 Ҳижжалаб ўқийлик, юртнинг бошига
 Интиҳо келмасдан топайлик давом.
 У хабарсиз кетди ушбу гаплардан.

Ит акиллаши каби бир овоз:
 – «Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи!»
 Нафасини ютмади уруш
 Ва фашистлар изғиган ўлимхона.
 Ёғоч кавуш ғўлдирамади.
 Бир қадам олдинга чиқмади ҳеч ким,
 – Қочибди! Оҳ, мен айтган эдим:
 «Маҳбус доно бўлиб кетса гар,
 Албатта қонида исён туғилар!».

ТУРҒУНЛИК БОЛАЛАРИ

(достон)



Дарс

Бир пайтлар

Хаёлнинг илоҳий шамолларидан

Ранг олиб умрнинг қоғозларига

Қушлар сайроғини чизмоқчи бўлган,

Сўнг эса

Ҳаётнинг бешафқат дастгоҳларида

Кунларни рандалаб, тунларни қирқиб,

Кафтлари қаварган, тирноғи синган

Баҳайбат қўлларин солиб чўнтакка

(Ғилофга солинган болтами дейсиз)

Тарих муаллими кирар синфга.

– Такрорлаймиз ўтган сабоқни,

Қани, сен, эй, ўрнингдан тургин.

Сўроқ бераётган маҳбусдай бошлар

«Р»ни айтолмайдиган Турғун:

– Каптазм деган ейда
Қойа тан туғилган ҳай бола
Ҳай куни оч қолай,
Ишлай
Саҳайдан то шомга қадай,
Яъни экспакта бўлай.
Бизда эса
Ҳамма пионей,
Пайтия йаҳнамо
Қўзимизга йавшан бейай.
Ўқиш учун пул тўлай
Улай.
Биз эса фақат
Қизил яйим ой жамиятига,
Сувдан қутқайувчилай жамиятига,
Табиатни асйаш,
Ёдгойликлайни асйаш,
Китобсевайлай жамиятлайига,
Яна
Календайдаги қизил баййамлайга,
Синфни йемент қилишга...

Юракдай ёрилар тоқат бўғзида,
Муаллим қаламни олар пичоқдай
Ва кесар рўйхатни ярим белидан:
– Ўтир! Баҳонг уч, айтганинг тўғри.
Муаллим тўрт қўя олмайди,
Чунки Турғун ўзининг ўғли.

Жангдан сўнг берилган талафотларни
Кўриш-чун келган саркарда мисол
Муаллим бизларга ташлайди нигоҳ –
Қайғую хавотир, озгина савол.

– Қандай тушунтирсам, фурсат – бу уммон,
Синфимиз кемадир, бизлар эшкакчи.
Коммунизм деган сирли шаҳарга
Боряпмиз, олдинда доно етакчи.
Гарчи зафар бизда, ялов қўлдадир,
Осмонда қуюн бор, олдинда гирдоб.
Мустақил сузишнинг ҳадисин олинг,
Ҳар ҳолда, бу гапни айтмайди китоб.
Сўнгра пичирлади кўз юмиб секин:
– Ҳавасим келмайди сизларга лекин...

Дарсдан сўнг

Йўқлик тикиб берган китоб халталардан
Остона ва айвонларга
Замонлар тўкилар шалдираб.
Сўнг ўқий бошлайди ўзбек тилини
Рим гладиаторлари
Кўзларда қиличу қалқонлар ялтираб.
Пётр I эса Саҳройи Кабирда сарсон
Ўрганар
Сут эмизувчилар оиласини.

Нур йиғиб қавариқ ойнага
Рейхстагга ўт қўяр Чингизхон.
Барча қонунларин фаромуш қилиб
Кўкан батрак билан ҳасратлашади
Колхозга аъзо бўлган Исаак Ньютон.

Биз эса ҳаётнинг темир деворли
Қуршовин ёриб чиққан партизанлардай
Пайдо бўламиз
Давомли, давомсиз темир йўлларда.
Бир қўлда
Бўм-бўш китоб халталарга сиғмаган орзу.
Бир қўлда
Муҳтожликнинг учи қайрилган симлари.
Юракда дукуллар сулҳ ҳамда ҳужум
Қабокда титрайди милтиқ ниллари.
Гар рози бўлишса,
Тарвуз юклаймиз вагонларга,
Картошка туширамиз вагонлардан
Чиллакдай билаклар толиққунича,
Чиллакдай оёқлар толиққунича.

Мабодо вагонга йўлатмасалар,
Ғазабга айланиб тарқаймиз
Халоскор шаҳримиз кўчаларига
Ва ҳужум бошлаймиз қароқчилардай
Лиқ тўла картошка карвонларига.

Чанг-тупроқ ҳарсиллар биз билан,
Йўллар буралади ҳарна мадад деб.
Қайрилган симларни санчамиз аччиқ,
Бўлмаса, қоламиз ҳаммамиз панд еб.

Ҳар бир машинадан битта картошка,
Тўлиб бораверар китоб халталар.
Йўқ, бу шўхлик эмас, ўйин эмас, бу
Муҳтожликнинг сўнгсиз жанги аталар.

Бир куни ҳадик оёғидан чалди Додонни,
Сакролмай шимидан илиб қолди.
Шаҳар четигача мошин судраган
Дўстимиз қонидан кўчалар ёнди.

У биз берган биринчи қурбон
Эмасди тенгсизлик кўчаларида.
Ўзимиз сайд эдик, ўзимиз сайёд
Болаликнинг эртаксиз кечаларида.

Қабокдай юмилгач Додоннинг қабри,
Қасос симларини йўлларга тортдик.
Мошинлар карвонин тошбўрон қилиб
Йиғладик, бир бурда тасалли топдик.
Улар ёвузлашди, биз ҳам басма-бас
Гулханлар ёндирдик тор кўчаларда.
Биз мудҳиш рақсни ўрганар эдик,
Ҳақсизлик қарс уриб, куйлар чаларди...

Дастгоҳини ёйиб ҳабаш мусаввир
Юлдузлар суратин солган чоқ
Уйларга қайтамиз ғолиб ё мағлуб,
Соядай эргашар мудраган чарчоқ.

Ота-онамиз-ла кутиб ўлтирар
Таҳдиду пўписа эшик ёнида.
Тавба-тазарруга ўраниб қат-қат
Ухлаймиз тонггача илинж қорнида.

Биламиз, келтирдик уйда йўқ нарсани,
Биламиз, хурсанддир ота-онамиз,
Биламиз, эртага яна борамиз.

Додонни сўраяпсизми?
Бу унинг лақаби эди.
Йўқ эди лақабсиз боланинг ўзи ҳам,
Бирови «Маймун», бирови «Шалғам»,
Бирови «Антенна», бири эса «Туз»,
Энг даҳшатлиси меники эди –
«Коммунист»...

Уй

Тонг отади,
Нон-чой,
Жан-жал,
Туш бўлади,
Нон-чой,
Жан-жал.
Кун ботади,
Ёв-ғон,
Жан-жал.

Агар ҳар бир оиланинг
Давлатники каби
Гимни бўлганда,
Бу сўзлар
Гимни бўларди
Бизнинг оиланинг.
Тўққиз жоннинг
Қорни тўймасдан
Бўшаб қоладиган
Дастурхонимиз
Байроғимиз бўларди, балким.

Янги йилга тўрт дақиқа қолганда
Тўхтаганидай соат миллари,
Келгуси маошга тўрт кун қолганда
Тугарди дадамнинг пуллари.

Онамнинг бағрига ўт тушиб, фиғон
 Ҳасрат зинасидан ўрлар фалакка:
 – Эр бўлиб, ота бўлиб сизда ҳам ахир
 Жой борми юракда бирор истакка?
 Бошқалар қўлига тушган нарсани
 Ташийди, дунёни ётибди ямлаб.
 Қўлингиздан юз минглаб пул ўтса ҳамки,
 Олиб қўёлмайсиз бир сўмни ғамлаб.
 Емайсиз, бермайсиз бошқаларга ҳам,
 Дўсту оғайнилар қочар шу учун.
 Мол-дунё демайман, муҳтожлик ўлсин,
 Олдинда қиш ахир, болалар юпун.

Сўнг ўртага тушар
 Ямоқ кийимлару ўн олти йиллик
 Пошнаси ейилган оёқ кийимлар
 Ва икки синглим ҳам кийиб тўздирган
 Кўйлақдан қирқилган пионер галстугим.

Кулади дадам:
 – Қамалсам,
 Сўнгра сен
 Кўргани
 Тугунни кўтариб борсанга-а...

Мен эса ўйлайман:
 Онам
 Тугунга нимани солса экана-а?..

Бечора онамнинг сўнгги чораси –

Йиғи бошланар:

– Сизга ҳамма нарса ҳазил,

Ҳамма нарса кулги.

Тўйдим,

Ажрашмасак бўлмайди энди.

Яна кулади дадам:

– Ажрашсак,

меҳмон бўлиб келарсана-а

Бизларни сўраб?..

Онам эса

Ухлаб қолади йиғлаб.

Мен эса

Ҳар ойнинг сўнгида

Тўрт кеча

Олишиб чиқаман

Ўзим билан ўзим:

«Дадам билан қоламанми, онам билан,

онам билан қоламанми, дадам билан?»

Эрталаб

Мен ёлғон «эълон»ни эълон қиламан:

«Мактабга боринглар, мажлис бор бугун».

Ва яхши биламан у ерда

Ечилиб кетади ҳар қандай тугун.

Боришар,
 Мажлис йўқ, ўзлари ҳайрон,
 Муаллим ҳайрондир,
 Директор ҳайрон.
 Сўнг раҳмат айтилар ота-онага
 Ғамхўрлик учуну
 Тарбия учун
 Ва мени мақташар узундан-уzun...

Ҳаммамиз йиғганда яна кечқурун
 Пулсизлик хаёлга келмайди сира.
 Қўлда бурда нон,
 Косада ёвғон,
 Ширин орзуларга
 Тўла дастурхон.
 Дадам жилмаяди:
 – Ҳали, э-э онаси, улғайса булар...
 Онам жилмаяди:
 – Ўғлимиз ё олим, ё раис бўлар...

Йўқ, улар билишмас, танаффусларда
 Ечгандай ялмоғиз тилсимларини
 Тенглама ечишлар жанг эканлигин.

Йўқ, улар билишмас, футбол ўйнашлар
 Истагин ўлдириб, бўғиб юракда
 Достон ёдлашларим жанг эканлигин.

Йўқ, улар билишмас, совуқ сув билан
Тонггача юз ювиб такрор ва такрор
Китоб ўқишларим жанг эканлигин.

Йўқ, улар билишмас, буларнинг бари
Ҳар ойнинг пулсиз тўрт кунидан
Биттасин сал хуррам ўтказмоқ учун
Дунёда энг оғир жанг эканлигин.

Тонг отади,
Нон-чой,
Жан-жал.
Туш бўлади,
Нон-чой,
Жан-жал,
Кун ботади
Ёв-ғон,
Жан-жал.

Уйдан ташқари

Марҳумсиз чайқалган тобутми?
Йўқ, бу кўча.
Қатли ом қилинган юртми бу?
Йўқ, бу шаҳар.
Хазонлар байроғи, чанг-тўзон лавҳи?
Бу шамол.

Қоғозлар, лахтаклар ҳилпирар зорли?

Бу шиор.

Ўқи!

«Бугун ҳамма пахтакор!»

Дўконлар ёпилган, нон йўқми?

Бор, фармон бор.

Дарахтлар қуриган, сув йўқми?

Бор, фармон бор.

Китоблар чанг босган, илм йўқми?

Бор, фармон бор.

Мактаблар қулфланган, эл йўқми?

Бор, фармон бор.

Ўқи!

«Бугун ҳамма пахтакор!»

Булар ким, кўзи бор, нигоҳ йўқ,

Қорни бор, оғзи бор, туёқ йўқ.

Ё Сўқир зулматнинг чархида

Чархлаган камонми, садоқ йўқ.

Бу миршаб,

Бу шўро ходими.

Қишлоқнинг барча хонадонига

Бирма-бир етади одими.

Тафтишми?

Йўқ, асло йўқ, ушбу сўз
Ташвишли,
Оғиздан чиқмасин яна.

Чолу кампирлар,
Болалик она
Виждон амри билан –
Тўғриси, ҳайдаб
Деса ҳам бўлади шивирлаб –
Чиқилар, кўчада машина,
Алвонранг шиори белида:
«Ҳимматли пенсионерлар далага,
Ғайрату шижоат кўнглида!»
Сўнг рўйхатга олинар
Тўшакда ётган
Касалхонада жой етмаган
Пахтага душманла-а-ар.

Оқшом сандиғига йиғганда нурни
Келган у овозлар нимадир?
Ғижирлар тишми у, жаранглар
Дилми ё кўнгилми синадир?

Булар ўшалар.

Тафтишчиларми?

Йў-ў-ўқ, асло йўқ, шивирлаб айтинг,
Қўймасдан бошқа ном
Айтишдан қайтинг.
Булар ўшалар,
Овозлар сўроқдир, энди бошланар.

– Пахта борми уйингизда
Давлатнинг еридан терилган?
– Йўқ, – дейди қари кампир, –
Кечаям текшириб кўрилган.
– Давлатнинг плани тўлмаяпти,
Давлат одамани алдайсиз сизлар...
Кампир билмайди ўзининг
Бирор-бир давлатга
Тегишлими, йўқми эканлигини.
Қўрқади, қалтирар давлат сўзидан,
Шу учун айтиб чақирмас сира
Ўғли Давлатнинг исмини.

Киради давлатнинг одами
Ҳали чилласи чиқмаган,
Ҳали даладан қайтмаган
Келиннинг гул афшон уйига.
Умрлик дея бош қўйилган,
Энг ширин орзулар кўмилган
Ёстиқлар йиртилар:

Пахта-а-а.

– Ҳа муғомбир кампи-и-ир.

Қўшиқ айтиб, дуолар айтиб
Қавилган кўрпалар сўкилар
Пахта-а-а.

– Ҳа ўғри кампи-и-ир...

Темирчи тун босқонидан учмоқда учқун,
Бу фуқаро тушларида кулмайди нечун?

Фуқаро эмас,
Ухламоқда
Ҳолдан тойган
Жами қўл кучи.

Ўн иккита даричада кўраяпман нур,
Хавотирранг парвоналар кезмоқда учқур?

Бағирларин
Тешиб дарахтдай,
Кемирмоқда қирқ бошли
Кутиш.

Хабари йўқ уларнинг ҳали
Ўн иккита ҳур-пари қизни
(Мактабдошим уларнинг бари)
Қайтар чоғи пахта теришдан
Мошин янчиб кетганлигидан.

Хабари йўқ уларнинг ҳали
Ўн икки қиз парчаларини
Машъал ёқиб синфдошлари
Тош йўллардан
Излашларидан.

Хабари йўқ уларнинг ҳали
Пахта терган этакларига
Йиғлай олмай ўғил болалар
Чаноқ тилган мўрт панжалар ва
Кўзи очиқ қонли бошларни
Йиғиб-териб
Солишларидан.

Тонгда эса...

Тонггача
Тандўзлик қилишди моҳир жарроҳлар
Ва ҳайрон бўлишди, кўргуликми бу –
Ўн икки марҳумнинг бириси ярим,
Тиқишга етмади оёқлар.
Тонгда эса...

Бу нима, тўлғаниб, буралиб ғўлдирад тинсиз?
Бу сувлар фожега гувоҳлар.
Бу нима, балиқлар ювмоқда, йиғлар майсалар?
Бу ўша етмаган оёқлар.

Бу кимдир, ариқнинг ичида телбадай сарсон?

Бу ота – бир тунда
Сочи оқарган,
Ёлғиз фарзандининг
Оёқларин ҳам
Қабрга қўйиш-чун ахтараётган.
У гунгдир, гапирмас,
Ўшандан буён
«Па...» дейди, фақат «па...»
«Па...»си ҳеч бўлмайди аён.
Партия демоқчи дейди бировлар,
Ё пахта демоқчи дейди бировлар.

Фасллар каптардай учирган ранглар

Кўзига қўнолмас, кетаётган ким?

Парвозга чорласа гулқанот хаёл,

Бошини жимгина эгаётган ким?

Бу дўстим,
Синфда
Янги боладир.
Бир куни дил очиб
Менга
Йиғлади:

Тўрт ойлик бўлганди ўшанда синглим,

Эгатда қолдирган онам эмизиб.

Трактор келгану шпинделлари

Ямлаган йўргакдан қонлар томизиб.

Қип-қизил пахтаю йўргакларини
Кўмгандик ўша кун кичик қабрга.
Эртаси бир парча хат ёзиб онам
Ўзини ташлаган ўтли тандирга.
Сўрама, сўрама, сўрама, дўстим,
Бу ғаддор дунёда энг оғир мотам.
Ҳайдовчи кўрмаган, кўрмасдан қолган,
Ахир у бебахт зот ўзимнинг отам.

Пахталар
Тугагач,
Феодал
Эр деб
Қамашди
Уни
Ҳам.

«Коммунист»

Маъюс бахтиёрлик чалди қарсақлар,
Пахта мавсумига бир даста олқиш.
Чўтир юзларида исмлар куйлаб
Парта кутар бўлди, кутади ўқиш.

— Она Ватан кутмоқда, — деди муаллим, —
Сизлардан беминнат мадад қўлларин.
Хотирга олинглар тенгдошларингиз
Зар билан битилган мардлик йўлларин.

Эсладик
Ватан учун деб
Жонини жабборга
Отган Олегни.
Эсладик
Ватан учун деб
Отасин душманга
Сотган Павликни.

(Негадир эсладим дадамнинг бугун
Қирқ уч тийин пули қолганлигини
Ва маошига икки кун борлигини ҳам.)

Дарвоқе, Ватан
Дейилса етарди ҳар кимнинг ақли –
Абдулла Орифнинг «арслон ёлли харита»сида –
Тўнғиз ёриб кетган кийикнинг шакли,
Бир бурчи зулмату бир бурчи кундуз
Ва яна
Бироз қон,
Беш тиғли юлдуз.

Биласиз,
Пулсирот доридан ўтиш осонроқ,
Намчил эгатларда этак судрашдан.
Ҳар қандай Ватаннинг ботинкалари
Йиртилар кечгача «ўрдак» юришдан.

Оёқяланг бўлиб ҳаммамиз
 Кафандай этакка чулғанган маҳал,
 Шудринг ялаб бармоқларимиз
 Пахтага жунжикиб узалган маҳал
 Уфқдан гувиллаб чиқди темирқуш
 Кумушранг қорнида ёзувлар зарҳал –
 СССР, рақамлар
 Ва яна
 Беш тиғли юлдуз –

Ватанимиз
 Бошимизни силагудай
 Бўлиб пастлади
 Ва бутун дунёни дафъатан
 Ёўдакнинг кўзига оналар соққан
 Кўкракнинг сутидай
 Туман қоплади.
 Туман
 Пардасини йиртиб муаллим
 Бақирди:
 – Осмонга қарашни қилманглар ҳавас,
 Эгилинг,
 Бир лаҳза
 Олманглар нафас.
 Эгилдик бошимиз ерга етгунча,
 Теравердик.

Эгилдик бошимиз ерга теккунча,
Теравердик.
Тупроққа юз ювиб, лой билан артиб,
Оч қолсак тердик биз, сувсасак тердик.
Билардик,
Жанггоҳда одатдир эгилиб юриш.

Лекин билмас эдик
Йилларнинг бақрайган қўли остида
Эгилиб, букилиб
Умуртқамиз ҳам
Эгилиб, букилиб ўсётганлигин.

(Ва бу ҳам чархфалак айланиб бир кун
Карлми, Марксми деган авлодга
«Одамнинг маймунга айланишида
Меҳнатнинг роли» деган иш учун
Ажойиб бир мавзу бўлиши мумкин.)

Яна билмас эдик
Энг пишиқ ботинкаларни
Бизларнинг Ватан
Фақат маҳбусларга атаб тикишин.

Бизлардан билмасди бирорта одам
Эртага келгуси авлод эмас, йўқ,
Кўзлари ўлигу томоғи зулук,

Мияси йирингу суяги ковак
Меҳнаткаш қўл кучи бўлиб қолишин.

Ва яна билмасдик тенгдошларимиз
Қайдадир оққушдай либослар кийиб
Конькида рақс тушиб куйлаётганин;
Мўйқалам қўлида, оппоқ матога
Хаёллар суратин солаётганин;
Ёруғ хоналарда пианинода
Моцартнинг куйларин чалаётганин;
Шу осмон остида бизнинг ҳам
Вўзалар ичида бор эканимиз
Хаёлларига ҳам келмаётганин
Билмасдик
Ва яна билмасдик...

Сўнг ишбоши келдию муртин тоблади:
– Уч тийиндан тўлайман ҳар килосига,
(Кўкйўтал кўксида юлдуз порлади)
Қайтариб ташлайман ҳўлу хасига...

(Мен яна эсладим дадамнинг бугун
Қирқ уч тийин пули қолганлигини.
Ўттиз кило териб, тўқсон тийин элтсам,
Қўраман онамнинг шодмонлигини.)

Ўйимни

Тишимда маҳкам тишладим,

Умидим тош қилдим,
Бўйнимга боғлаб
Дилимнинг тубига ташладим.

Заҳ ўтиб кўкарган товонми –
Билмайман,
Заҳру чанг қўшилган ҳавоми –
Билмайман, билмайман,
Мен пахта тергайман.
Қуёшми нафаси оловли –
Билмайман,
Осмонми булутлар ялови –
Билмайман, билмайман,
Мен пахта тергайман.
Ловуллаган кўзимми, билмайман,
Лўқиллаган қўлимми, билмайман,
Гувиллаган тилимми,
Билмайман,
Билмайман,
Мен пахта тергайман.

– Юр, чўмилишга борамиз, –
Деди Эркин.
– Йўқ, – дедим.
– Юр, – деди эрким.
Йўқ деган ўқ билан
Уни ўлдирдим.

Болалар кулдилар,
Жўралар кулдилар:
– Коммунист!

Сўнгра тушликка чиқдилар,
Очлик ҳамда болалик
Ичимдан қичқирдилар:
– Рўпарада, мана, боғ,
Симтўр билан ўралган.
Меваси кетар эрта
Сибиргами, Уралга.
Бундай пайтда ҳеч қачон
Орқада қолмагансан.
Ахир сен ҳам уйингдан
Нон олиб келмагансан.
Залдори еб қайтамиз,
Кутиб туради терим.
– Йўқ, – дедим.
– Юр, – деди яна эрким.
– Йўқ, – дедим.
– Юр, – деди яна Эркин.
– Йўқ, – дедим.
Кулди яна болалар,
Кулди яна жўралар:
– Коммунист!..

Ишбоши қарсиллатар тарозининг тошини,
Менга келади навбат, ҳисобини айтади,

Овози қалтирайди, чимиради қошини:
– Ўттиз кило терибсан, беш килоси қайтади.

(Мен эса ҳисоблайман –
Етмиш беш тийин бўларкан,
Қўшсак уйдагини ҳам...)

Ишбоши эълон қилар:
– Терибсизлар жуда кам.

Этак бердик сизларга
Бир сўму ўн тийинлик.
Ҳеч ким тўлай олмади,
Бизлар жуда куюндик.
Бугун, майли, кечирдим,
«Теппа»га гап тўқийман.
Давлатдан қарз бўлганлар
Рўйхатини ўқийман –
Фалончиев шунчадир,
Фалончиев мунчадир...

Қуёш ҳам ботаётир,
Тугаб борар нур ўйин.
Шафақ қўлида коса,
Томчилар қонли қуюн.
Гўё қатл кунидай
Бунчалар кутмоқ қийин.
Менга ҳам келди навбат
– Ўттиз беш тийин.
(Дадам тўласа қолар

Чўнтагида саккиз тийин.)

Қаҳ-қаҳ урди болалар,

Қаҳ-қаҳ урди жўралар:

– Қа-лай-сан?!

Ком-му-нист!..

Яна дарс

Бир пайтлар

Дарахтнинг ўсмаранг япроқларида

Шабнам-ла уйғониб

Тонг даргоҳига

Парвоз этмоқ учун нурга айланиб,

Дафтар-дафтар ғазаллар битган,

Сўнг эса

Ҳаёт бозорининг расталарида

Ҳар тонгда нон сотиб,

Бола етаклаб,

Кўзида мунг қора чайласин тиккан

Она тили муаллимаси

Синф дафтарининг

Қатига яширди

Хамир қотиб қолган тирноқларини:

– Бугун сўз яшашни ўрганамиз

Сўзларни бузиб.

Масалан,

ТЕНГЛИКнинг

«Т» ҳарфини
Халқларнинг ўртасига қўйиб
Унга Исони хочга михлагандай
Имонни михласак,
ЕНГЛИК ҳосил бўлар.
Энди
Бу англикни кийиб олиб
Хоҳлаган тандирга
Қўл суқса бўлар.
Масалан, ушбу сўз –
МЕҲР.
«Р»ни Турғун яхши айтолмас,
Шуни ҳам ҳисобга оламиз
Ва унинг ўрнига
«нат»ни қўямиз.
Шундай қилиб,
МЕҲ-НАТ.
Меҳнат ўлдиради ғамни, қайғуни,
Қандай яхши.
Меҳнат ўлдиради армонни, ҳавасни,
Қандай яхши.
Меҳнат ўлдиради ғурурни, эркин –
Қандай яхши.
Қандай осон яшаш,
Қандай бахтиёр бу ҳаёт.
Сенга шон-шарафлар
Эй тинимсиз меҳнат!

Овози бўғилиб,
 Титраб лаблари
 Йиғлаб юборар муаллима.
 – Мана, сизлар
 Менга ҳайрон қараяпсизлар.
 Энди шу сўзни ҳам олайлик –
 ҚАРАМОҚ.
 Тасаввур қилинглар,
 Ҳарфларни ютмоқда очкўз бир махлуқ.
 «Ҳап» этар,
 «а-а-а»... қисирлаб синади
 Тишлар орасида
 Фиғоннинг ҳарфи,
 Қолади
 ҚАРМОҚ.
 Яна «ҳап»,
 Томоқни йиртиб ўтади «р-р-р-...»
 Қолди
 ҚАМОҚ.
 «Ҳап» этар, ютилади «қам»,
 Энди ҳаммамиз,
 Ҳамма ёқ
 ...ОҚ, ...ОҚ, ...ОҚ.
 Ростми бу, ёлғонми,
 Барибир,
 Ер қаттиқ,
 Осмон йироқ.

Ғўлдираб интиҳо куйини
Чалади дарз кетган қўнғироқ.
Тугади.
Нуқталар.
Бу эса
Варракка аталган энг сўнгги вароқ.


– Йўқ, – дейди муаллима, –
Қўнғироқ тугашмас, бошланиш,
Чорлов бу, уйқудан уйғониш,
Чиқишчун бургутдай темир қафасдан
Энг сўнгги кунгача сарфланиш.
Шу учун воз кечиб танаффуслардан
Сўнгги вараққа ҳам дарсни ёзамиз.
Энди эса
«Тала»га «моқ»ни қўшамиз –
ТАЛАМОҚ, бу сўз
Ҳаракатни билдирар,
Ҳужумни билдирар,
Итлар талайди,
Мушук ҳам талайди баъзида.

– Одам-чи, одам? –
Сўраймиз бизлар.


Гоҳо
Одам ҳам талайди
Бири бирини.

Одатда?
 Очликдан талайдилар,
 Тўқликдан талайдилар,
 Мабодо
 Забт этса
 Бирор шоҳ ўзга бир шоҳни
 Ёки шоҳ бўлса гар эшак қавмидан,
 Аввало,
 Халқни талайдилар,
 Ватан ҳам таланар
 Бирпасда.
 Шу учун уларнинг номи умрбод –
 Талончилар.
 Бу сўзни ўтамиз
 Янаги дарсда...

**ПАГАНИНИНИНГ СҮНГГИ
КОНЦЕРТИ**



THE HISTORY OF THE
CITY OF BOSTON



Ҳали ухлар эди малоиклар жим,
Ғафлат елларида чодирлар тикиб.
Ҳали ухлар эди ёсуман ғаддор,
Нафрат кўйлагининг ярмини бичиб.
Ҳали ухлар эди шайтон ва раҳмон
Ётти қат осмонда – маъсум, бегуноҳ.
Ухларди ҳаттоки ерни яратиб,
Унга ном беришни унутган илоҳ.

Нимадир қайнади,
Нимадир тинди.
Нимадир ялт этди,
Нимадир сўнди.

Сўнги бор кулдию боладай
 созининг торини тоблади.
Кўзини юлдию дунёдан
 тўйдинг деб пойига ташлади.

Ким деди: қаранглар,
кулгуси заҳар.
Ким деди: қаранглар,
нур ёғар – саҳар.

Машшоқ бешикдай қўйдию елкага созни
Энг нозик пардада дунёга келган
Энг нозик оҳангни ўраб сеҳрга
Узатди...
Узатди... қўллари муаллақ қолди...
Куй эмас эди бу – хаёл қушларин
Дилафшон гулларнинг косаларидан
Нам ичган чоғдаги
Сайроғи эди.
Куй эмас эди бу – муждакаш елнинг
Яралмоқ сирини билмоқлик учун
Заминдан осмонга
Сўроғи эди.

Миллион йил излаган – топа олмаган
Юраклар эшитиб ўз овозини
Кўзлардан париллаб учиб чиқдилар.

Томирда ухлаган соҳир ҳисларни
Денгиздай кўпиринг дея уйғотди
Оҳангдан тўкилган қўнғироқчалар.

Нигоҳлар ўрлади дил пештоқиға,
Пайпаслаб топдилар руҳнинг инини –
Чирқиллаб куйларди сўқир қушчалар.

Нимадир тўкилди,
Нимадир ёзилди.
Нимадир чўзилди,
Нимадир узилди.

Омон қолган уч торға
тақдирини боғлади.
Тилини ҳам тилдию
қарғаларга ташлади.

Ким деди: қаранглар,
бармоғи илон.
Ким деди: қаранглар,
оқаётир қон.

Машшоқ чалар эди ўзини ўзи,
Гулхандан сачраган чўғдай ушалиб.
Машшоқ чорлар эди ўзини ўзи,
Умрининг йўлига гулдай тўшалиб.

Бир куни эрк салтанатидан
Илоҳалар келтирди яроқ:
«Юрагингнинг деворига чиз,
Бир қиз сенга ташлайди нигоҳ...»

Ким дунёнинг қотил неъматини –
Ишқ кўзига бардош беролган.
Ҳақни севган бандадай севдим
Бунёдиму ҳам барбод билан.

Бир лаҳза ўт бўлдим, кулимни
Кафтларига олиб сочдилар.
Мен самога дўндим бир лаҳза –
Юлдузларим ташлаб қочдилар.

Севавердим қайта ва қайта,
Алдамадим аммо ҳеч кимни.
Сўрадилар – тутдим неки бор,
Лек бермадим ёлғиз эркимни.

Машшоқ чалар эди – томошагоҳ гунг,
ишонган эдилар Одам Атога
жонни Ҳақ куй билан киритганига.

Машшоқ чалар эди – оломон телба,
ишонган эдилар Паганинининг
иблисга қалбини сотганлигига.

Машшоқ чалар эди бахтни, сурурни,
издиҳом тебраниб бири бирига
жонларин бахшида айлар эдилар.

Машшоқ чалар эди ғамни, қайғуни,
руҳлари жисмини тарк этиб чиқиб,
еттинчи фалакда йиғлар эдилар.

Нимадир торайди,
Нимадир қорайди.
Нимадир юмилди,
Нимадир кўмилди.

Унинг оҳанг ўйган кулгичларига
истеҳзо чандиқдай қолди осилиб,
Созининг бир жуфти таранг торига
бармоғи пичоқдай ботди санчилиб.

Ким деди: қаранглар,
Ортида шайтон.
Ким деди: қаранглар,
Ахир у имон.

Машшоқ қўлларини кўтариб кўкка
Ғазабнок пардага урди зарб билан,
Ногоҳ уммонга дўндию саҳна
Гувиллаб атрофда турди шум тўфон...

Бу вақт судраб келар эди
разолатнинг совуқ шарпасин
уфқлар ортида зериккан оқшом.

Бу вақт чиқиб келар эди мозий қаъридан
на иблис, на худо бўлолган авлод –
алданган, таланган, адашган, бешон.

Бу вақт сознинг қилларидан
юракка номаълум қўрқув ва даҳшат
уфуриб келарди фарёдга менгзар бир садо.

Ва мудҳиш рақсини бошлади оҳанг –
Шайтонлар уйғониб қарс уриб кулди.
Яланғоч ва кўзсиз аёллар рақсга тушаркан,
Алвасти биз дея сочларин юлди.

Авжиган чинқириқ ҳамда уввосдан
На умид, на нажот қолмади, тинди.
Гўёки Исрофил сурун чалдию
Заминнинг бошида қиёмат синди.

Машшоқнинг лаблари титраб асабий,
Бетиним ўқирди тилсимли дуо –
Сулаймон кўзага солиб ташлаган
Жинлару девларни чорлайди гўё.

Кўзада девларнинг гўлдирагани
Таралди созчининг ғолиб торидан.
Ниҳоят, кўзанинг етти қат муҳри
Ушалди жинларнинг оҳу зоридан.

Тўфон қутуртирган денгизнинг ранги
Қонолуд бўлдию сакраб чиқдилар
Қанотли тимсоҳу шохдор илонлар,
Бошини чиғаноқ ўйган маймунлар.

Машшоқни ўртага олиб қайрашди
Тишларин, нишларин ҳамда тилларин.
Сўнгги кучлари-ла зарб урар машшоқ
Узиб ташламоқ-чун сознинг қилларин.

Нимадир суринди,
Нимадир кўринди.
Нимадир тўлди,
Нимадир бўлди.

Хаёл ойнасига нур тушиб ногоҳ,
 жилмайган армони кўринди.
Қақшаган суякка нафратин жойлаб
 ягона ториға сиғинди.

Ким деди: қаранглар,
ўлди у.
Ким деди: қаранглар,
кулди у.

Машшоқ тобутдай қўйдию елкаға созни
Гулханлар гувлаган оловларига,

Дарёлар қуриган ўзанларига,
 Дарахтлар тўкилган хазонларига
 Айта олмаган марсиясини
 Бошлади,
 Бошлади... оҳанглар созининг бўғзида қолди.

Ва дарднинг энг узун риштасин тоблаб
 Эшилган ягона торда югурган
 Бармоқда мусиқа йиғлади.

Ва қалбнинг энг чуқур қаърига йиллар
 Яширган муножот ўрлаб фалакка
 Сўз бўлиб, сўз бўлиб қулади.

Эй менга олқишу санолар айтиб
 Пойимга бош урган ожиз бандалар!
 Эй менга санъатда худосан деган
 Беҳишт қувғиндиси – гуноҳкор пуштлар!

Айтингиз, қаердан қуёш ва зулмат,
 Қаердан муҳаббат, қаердан нафрат?
 Кўзингиз яширманг, айтинг, бошланар
 Қаердан дўзаху қаердан жаннат?

Сизларни севдим мен худди боламдай,
 Руҳингиз бешигин тебратдим бир зум.
 Сизларни севдим мен худди онамдай,
 Садоқат рамзидир шу икки кўзим.

Биламан,
Тун дафтарин очган маҳалда
Ғийбату тухматдан дoston битасиз.
Ўзингиз олқишлаб, ўзингиз мақтаб,
Ўзингиз ҳасаддан қонлар ютасиз.
Ва сезаман ёлғиз ҳамда бегоналигим,
Қора шубҳа ўрмалайди дилни қақшатиб.
Нима қилай, ўлгим келмас, лек қўрқув солар
Машшоқлигим ва сизлар-ла яшаш даҳшати...

Эй ўзини худонинг авлоди билган ровийлар,
Нега йўл бошланса тугар албатта,
Нега гул ёнида тикан албатта,
Нега тоғ бағрида ўпқон албатта,
Нега эрк йўлида қопқон албатта,
Нега... сўзингизни осмонми ютган,
Нега... кўзингизда қонми, ким тўккан,
Нега... бўйнингизда домми, ким таққан,
Нега сўровимга жавоб бермас ҳеч кимса ахир?

Ахир...

Тириклик бу – беш кунлик макр.
Дилга ёлғон қанот бериб кўкка учирган
Шон-шуҳрат – макр.
Дунёни сочиға гул қилиб таққан
Муҳаббат – макр.
Кечанинг қалбида ғулувлар ёққан
Оловлар – макр.

Бағрида илоҳий рўёлар оққан
Ўзанлар – макр.
Ҳилпираб баҳорнинг кўксини соққан
Хазонлар – макр.

Нимадир қайнади,
Нимадир тинди.
Нимадир ялт этди,
Нимадир сўнди.

Ғафлат елларини ҳайдаб малаклар
Чодирлар тикишди хушбўй сабодан.
Нафрат кўйлагини тикиб ёсуман
Пинҳона жўнади арши аълодан.
Уйғониб учдилар одамзод сари
Раҳмонда – маъсумлик, шайтонда – гуноҳ.
Заминда қўпган кўп савдони кўриб
Дўзах деб ном берди уйғонган илоҳ.

1988

Паганини Никколо – машҳур италян скрипкачиси.
У скрипкасининг торлари бирин-кетин узилганда ҳам
сўнгги торида чалиб тингловчиларни ҳайратга сол-
ган.

**ҒОЙИБДАН ДЎСТ
БИЛАН СУҲБАТЛАР**



Адабиёт, санъат ҳақидаги ушбу мулоҳазалар Инсан руҳини англамоқ йўлидаги ожизона талпинишлардир. Қораламаларимнинг аксарияти талабалик йилларимда қоғозга тушган. Балки, бугун ўша асарлар руҳимга ўзгача таъсир этар, ўзгача фикрлар уйғотар... Ўшанда менда шундай фикр бўлган: «Адабий мақола ҳам бадиий асар, уни ҳам турли услубларда, шеъриятдаги каби турли оҳангларда ёзиш мумкин. Иккинчидан, адабиёт инсон руҳининг кўзгуси экан, у жўнлашмаслиги лозим». Шу мақсадда қилган уринишларимдан айримларини жамладим.

Муаллиф

Унда мен ҳали бола эдим. Бир кун и отам билан онам синглим икковимизни қолдириб қўшни қишлоққа меҳмонга кетишди. Синглим ухлаб қолди. Мен юлдузларни санашга тушдим. Неча марта санамай, адашиб кетавердим. Аввал ўнгга қараб, сўнг чапга қараб санар, сўнг биттасини танлаб олардим-да, унинг атрофидагиларни айланасига санай бошлар, яна адашар, сўнг энг четдан ўртага қараб санаб келмоқчи бўлар, осмоннинг четини эса ҳеч тополмасдим. «Барибир юлдузларнинг ҳаммасини санолмайсан», – деди кимдир ёнимда. Қарасам, ўзим тенги бир бола. «Сен санай оласанми?» – сўрадим ундан. «Фақат Худо санай олади», – деди у. «Худо? Сен уни кўрганмисан?» – дедим. У боладан кимлигини сўраш ўша вақтда хаёлимга ҳам келмаганини, уни бирга туғилиб ўсган дўстимдай табиий қабул қилганимни бугун мулоҳаза қилмоқдаман, холос. «Йўқ», – деди у. «Мен ҳам кўрмаганман, катта бўлсам кўраман», – мақтангим келди. «Уни ҳеч ким кўрмаган», – деди у қайсарлик билан. «Бобом намоз ўқигандан сўнг намозда нима деганини сўрасам, «Худо билан гаплашдим», – дейдилар-ку», – мен ҳам бўш келмадим. «Гаплашади, лекин кўрмаган», – деди у ишонч билан...

Ўша-ўша суҳбатимиз давом этади...

«ИСМИМ «ОҲ»ДИР МЕНИНГ»

МЕН: Бугунги ёшлар шеърияти ҳақида нима дея оласиз?

У: Янги ҳайратлар, янги мўъжизалар, янги шеърлар... булар кўнгилга фақат завқ бағишлайди. Лекин ёшлар ва кексалар шеърияти деган тушунчани ҳаёдан қувинг. Ҳазрат Навоий болалигида ёзган ва Лутфий бутун асарларини алмашмоқчи бўлган мисралар ёдингиздадир? Хўш, ўша бир байт ёшлар шеъриятига мансубми, кексалар шеъриятига?..

МЕН: Аммо «Хазойинул маоний»да ҳазрат инсон умрининг йигирмадан ўттиз беш ёшгача бўлган даврини ёшликка нисбат берган эканлар. Назарда тутганим – ижодкорларнинг ёши шу фаслга мансуб. Уларнинг шеърлари бундан 20 – 30 йил муқаддам ёзилган шеърлардан руҳи, ташбеҳлари, ҳаёл қамрови билан фарқ қилади.

У: Бу табиий, таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Фарқ қилмаса, чуқурлашмаса, бойимаса, тараққиёт ҳам, ҳаёт ҳам бўлмайди. Маълумки, шўролар истилосидан сўнг маънавий эрк, адабиёт темир чорчўпга солиб қўйилди. Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Қодирийлар ана шу темир чорчўп ичида ишни деярли йўқ жойдан бошлашди ва том маънода янги ўзбек адабиётини яратишди. Машъум репрессия уларни жисмонан маҳв қилди, асарларини маълум муддат тарих сахнасидан олиб ташлади. Бу муддат қанча давом этишини ҳеч ким билмасди. Устига-устак, халқни руҳан ўлдиришнинг энг ёвуз усули қўлланди – ўз имлосидан маҳрум қилинди. Темир чорчўпнинг ҳажми янада кичрайди. Рухсат берилган адабиётда ривожлантириладиган, бойитиладиган ҳеч нарса қолмади. Айниқса, ўзбек шеърияти ёниб битган қақнус қуш янглиғ ўз кулларининг устида қайта туғилиши лозим эди. Тасаввур қилинг, сиз ўзлигингизни ифода этолмайсиз, юртингизни босиб олиб, сизни қуларча ишлатаётган давлатга мадҳия ўқишдан бошқа ҳуқуқингиз йўқ. Шеърият эса шу мадҳияни бойитиш, чуқурлаштириш, тантанаворлаштириш эвазига «ривожланди». Ҳозир ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ: ўша давлат, ўша темир чорчўп. Фақат чорчўп биров катталашди, ада-

бий фаолият учун майдон сезиларли кенгайди. Хуллас, 60-йилларда қатағондан кейинги ўзбек шеъриятининг илк қалдирғочлари пайдо бўлди. Абдулла Ориф руҳни уйғотиш, сўзни ишлатиш борасида мактаб яратган бўлса, Рауф Парфи юракдаги «мен»ни ифодалаш, маълум маънода ташбеҳли шеърият мактабини яратди ва шеърни санъат сифатида янада юксакка кўтариш мумкинлигини исботлади.

МЕН: Улар бутунлай йўқ жойдан пайдо бўлишмагандир ёки ўша мадҳияларнинг ҳосиласи эмасдирлар?!

У: Нега энди, қўл-оёғи чопиб ташланган бўлса-да, мумтоз шеъриятимизнинг айрим намуналарига йўл очик эди. Қолаверса, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода шеърлари санъат нуқтаи назаридан маълум озиқ берарди. Бундан ташқари, рус ва Ғарб шеъриятидан қилинган таржималар... Бироқ энг асосийси бу эмас...

МЕН: Биламан, қотилликдан уни кўрганлардан кўра эшитганлар камроқ чўчийди, қатағонни кўрмаганликлари учун улар исёнкорроқ бўлишган демоқчисиз. Албатта, 60-йилларга келиб давлатга ҳукмронлик тартибининг ўзгарганлиги ҳам бетаъсир эмас.

У: Йўқ, биласизми, бир халқнинг маънавий тараққиётини маълум муддат тўхтатиб қўйиш

мумкин, аммо маънавиятни, хаёл ва орзуни бутунлай ўлдириб бўлмайди. Янги инсонлар дунёга келавераркан, юраги уриб, томирида қон оқиб тураркан, кашфиётга интилишни, исёнга мойилликни ҳеч ким йўқотолмайди.

МЕН: Мавзумиздан бироз четга чиқдикми дейман.

У: Асло. Бирор-бир шеърни ундан олдин яратилган шеърсиз таҳлил қилиб бўлмайди. Шоирлар ижоди ҳам шундай. Ҳар бир шоир ёхуд авлод ўзидан кейингилар учун поғона бўлади. Ана шу поғоналарнинг ҳосиласи ўлароқ буюк санъаткорлар дунёга келади. Қайсики истеъдод ўзининг кейингилар учун поғона эканлигини тан олмаса, калтабиндир.

МЕН: Тўғри, 70-йилларда адабиётга кириб келган шоирлар учун Абдулла Ориф ва Рауф Парфи замин ҳозирлади дейиш мумкин.

У: 70-йиллар авлоди ҳам кейингилар учун беқиёс хизмат қилишди – Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек... Булар аруз ва бармоқдан бошқа вазн ҳам борлигини, шоирнинг ўз ҳиссиётлари билан ҳам суҳбатлаша олишини намоён қилишди, руҳиятни табиат билан вобаста ифодалашнинг, шеъриятда халқ оҳанглари қўллашнинг гўзал намуналарини кўрсатишди...

МЕН: Сиз улар ҳақида айтилган фикрларни такрорлаяпсиз.

У: Бўлиши мумкин. Аммо биз ҳозир суҳбатлашмоқчи бўлаётган, шеърятга 80-йилларда кириб келган ёшларнинг қайси булоқлардан сув ичганларини ёки уларга кимлар зинапоя бўлганлигини айтяпман. Лекин бу давомийликда хавfli бир ҳол бор.

МЕН: Тақлид демоқчисиз.

У: Шундай. Эътибор қилинг, боғда олма, анор, шафтоли, гилос ва ҳоказо дарахтлар бор, бир заминдан, бир хил сувдан озиқланишади, аммо мевалари ҳар хил. Ҳар бир авлод адабиётда ўзини худди ана шундай кўрсатмоғи лозим.

МЕН: Қўшиламан. Лекин нега сиз бу ёш шоирлар ҳақида гапирганда тақлидга тўхтадингиз, мен уларнинг шеърларида бу ҳолни сезганим йўқ.

У: Очигини айтсам, мен ҳам аниқ бир мисол келтиролмайман. Аммо йўл, айрим мавзулар, оҳанглар, ташбеҳларни ишлатиш усуллари бошқа дарёларнинг таниш тўлқинларини ёдга солади.

МЕН: Тақлид ва сизга туюлаётган оҳангдошлик бошқа-бошқа нарса. Аввало тақлид ҳақида. Инсоннинг турмуш кечириш усуллари ўзидан олдингиларникига, атрофидагиларникига тақ-

лид эмасми, ҳозирги тайёралар қушнинг учи-шига тақлид ҳосиласи эмасми, Навоий «Хамса»си Низомий «Хамса»сига тақлид ҳосиласи эмасми?! Албатта, булар – шакл, моҳият тақлиди. Шу маънода ҳамма тақлидчи. Лекин ҳар бир шоир ўз юрагидагини айтади, моҳиятга ўз ранглари, ўз ташбеҳлари, ўз ҳаёлот парвозлари билан боради. Сиз мисол келтирган ўша меваларда ҳам моҳият ягона – насл давомийлиги учун мағзида уруғ асрайди, бизнинг нуқтаи назаримизда, моҳият – тановул қилиш, ранги, ҳиди, таъми ўзгача, аммо моҳият...

У: Сиз беихтиёр менинг кўнглимда шеър ёзишдан, уни ўқишдан мақсад нима, шеърнинг моҳияти нимада деган саволларни қўзғаяпсиз ва бу борада баҳсга чорлаяпсиз.

МЕН: Йўқ, ҳозир чалғимайлик, мавриди билан фикрлашармиз. 80-йиллар адабиётга кириб келган ёш шоирларнинг ҳаммаси ҳақида бирваракайига суҳбатлашиш имконсиз. Шунинг учун уларнинг биттаси ҳақида, ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўз йўли, ўз оҳанглари, ўз ҳаёлот дунёси, ўзига хос ғайриоддий ташбеҳлар силсиласи билан шеърятга кириб келган Абдували Қутбиддин ҳақида суҳбатлашсак.

Абдувалининг «Найсон» китобига ёзилган сўзбошида Рауф Парфи шундай дейди: «У

манзаралар, ташбеҳлар, рўёлар аралашувида фикр юритади. Оҳангларнинг турланиб туриши билан тасвир этилаётган воқеа руҳий ҳолатни ҳаракатга келтиради». Ҳақиқатан ҳам унинг шеърларини ўқир экансиз, баъзан ташбеҳ ва истиораларни тасаввурингизга сиғдиролмай ҳап-риқиб қоласиз. Мутолаа давомида нурли бир завқ юрагингизни тўлдиради, оёғингиз остида ерни ҳис қилмай қоласиз, бутун дунёни, шахсий ўй-хаёлларингизни унутиб, сирли тасаввурлар ва манзаралар оламига парвоз қиласиз. Асосийси, у гўё сизнинг орзу-армонларингизни, қувонч ва ҳасратингизни, хаёлларингизни куйлаётгандек бўлади. Муҳими шундаки, «нима демоқчи?» деган савол дафъатан шуурингизга келмайди. Гўзал хаёллар, гўзал сўзлар, гўзал оҳангдан сархуш бўлиб қоласиз, шундай ҳолат бўладики, «нима демоқчи?» деган саволга жавоб топишни ҳам истамайсиз. Балки, истаган тақдирида ҳам, кўпчилик ўқувчилар жавоб тополмас.

У: Унинг шеърларини кўпчилик тушунмаслиги масаласига келсак, буни ҳаммадан талаб қилиш гўдаклик бўлур эди. Гўзалликдан завқланиш, уни мушоҳада қилиш учун нозик дид, таъсирчан қалбдан ташқари қобилият ҳам бўлиши лозим.

МЕН: Фикрингизга қўшилишга тўғри келади. Немис файласуфи Кантнинг ўлиmidан сўнг 76 йил ўтгач эълон қилинган ишларида шундай бир гап бор: «Биз ҳайвоний, руҳий ва инсоний ҳаёт кечирамиз. Биринчиси туфайли қувонч ва оғриқни ҳис қиламиз, учинчисининг шарофати билан ҳиссиёт орқали мулоҳаза қилиб роҳатланамиз, иккинчиси туфайли фаҳмлаймиз ва завқланамиз». Дарҳақиқат, инсон табиатида шулардан фақат биттасига устуворлик ато қилинган бўлади-ку.

У: Кантнинг хулосалари ўзимизнинг Шарқ файласуфлари фикри билан деярли ҳамоҳанг экан. Уларнинг таърифича, инсонда уч сифат жамулжам: шайтоний, ҳайвоний, малаконий, яъни руҳоний. Юраги ва онгида учинчи сифат тантана қилганлар жуда озчиликни ташкил этади. Шунинг учун жамики юксак санъат асарларини ҳамма тушунмаслигидан, қадрламаслигидан беҳуда изтироб чекманг. Энди мавзуга қайтайлик.

МЕН: Абдувалининг шеърларини бир бошдан ёхуд ёзилган йиллари тартибида таҳлил этиш, менимча, мақсадга мувофиқ эмас. Унинг шеърларини руҳий, маъновий, мажозий унсурларига, ифодасига кўра мен ўзимча бир неча гуруҳга бўламан: лирик шеърлар, фалсафий-

руҳий шеърлар, мусиқий шеърлар, заминий шеърлар...

У: «Заминий шеърлар» деганингизга тушунмадим.

МЕН: Бу шартли номлаш, ўзим учун. Менда шундай бир таассурот бор, Абдували шеърларини руҳан заминдан ажралиб, жуда юксакка чиқиб ёзгандай туюлаверади, чунки у ўз ҳиссиётларига ҳам, сўзларига ҳам, ташбеҳу истиораларига ҳам, қолаверса, сизга ҳам, хаёли қанчалик парвоз қилиб билса, шунча юксакдан назар ташлаётгандай. Лекин шундай шеърлари борки, уларда заминга тушади, ифодалаётган туйғуларига ана шу заминдан туриб назар ташлайди. Мана улар: «Дарс», «Ҳақберди ва Мадина...», «Сўроқ», «Анонимкачи хусусида Маяковскийга мактуб», «Айнийни эслаб», «Севилмаган аёл», «Шоҳизинда», «Энгрнинг Одалиска асарига», «Тун», «Мен, Баҳодир ва балиқлар», «Гоя», «Тошлоқчалик Мастура биби ҳикояти», «Дарғом», «Армон», «Бобур», «Латифа». Мен Абдувалининг «Найсон» ва «Ҳумо» номли иккала китобига кирган барча заминий шеърларини санадим.

У: (китобни олиб ўқийди...)

*Юрагимнинг ёмғири –
Найсон.*

Нурим, қорачиққинам,
Ерим, онажонгинам!
Умидимни етаклаб келдим,
Остонада турибмиз бирга...

МЕН: Доим сўнгги икки сатрни ўқисам, овунчоғини ипидан тутиб етаклаб олган, остонада маъсумгина жилмайиб турган болакайнинг сурати кўз ўнгимга келади.

У: Бу сурат – шеърдаги самимият ва сизнинг таъсирчанлигингиз ҳосиласи. Шоирнинг қўйнида «битта тонг» – демак, ёруғлик ваъда қияпти, дилидан ашула қуйиляпти, завқ ваъда қияпти. «Юрагимнинг ёмғири – Найсон»; найсон – бу баҳор ойларидан бири, афсонага кўра, шу ойда ёққан ёмғир томчиларидан марваридлар ҳосил бўлармиш. Ана шундай ваъдалар билан Остонада турган шоир билан батафсилроқ танишсак.

МЕН: Ундай бўлса, «Автопортрет» шеърини ўқисак...

У: Авто – мен, портрет – сурат дегани, шундай экан, буни шарқона қилиб «Шарҳи ҳол» деб номласа ҳам бўларди.

Мен: Мен жуда ёлғизман,
Гўё қудуқда
Қавурғамгача сув, баданим оғу,
Билагим увушиб типирчилайди

Мисли сўнгги ноло, охирги ёҳу.
 Мен жуда ёлғизман –
 Қудуқдир жойим,
 Безиллар, яшринар мендан чувалчанг,
 Қурбақа, сен, балки, малаксан, асли,
 Не бўлар, аслингга қайта олсанг?
 Мен жуда ёлғизман –
 Қўлимда нина,
 Тиламан, қазийман чуқурдан-чуқур.
 Тепадан тош тўла пақир ташларлар,
 Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳир.
 Мен жуда ёлғизман,
 Азобим чексиз,
 Қўлимда занглаган қадимий тақа.
 Бўйнимга ёпишиб этар тавалло
 Аслига қайтолмай ётган қурбақа.
 Мен жуда ёлғизман,
 Тепадагилар
 Кенгликда от суриб овлашар гуноҳ.
 Мени тушунмаслар (фаҳм шарт эмас).
 Аждарман
 Ва исмим «Оҳ»дир менинг,
 «Оҳ».

У: Бу шеър – армон ва изтиробнинг, ўзликни
 ифодалашнинг санъат даражасига кўтарилган
 намунаси. У ўз вужудида яшаётган икки одам –

инсон ва шоир ҳақида гапиряпти. Тўғрироғи, вужуд ва руҳ ҳақида.

МЕН: Сиз даставвал кўз ўнгингизга келадиган суратни тасвур қилинг: чуқур қудуқда ёлғиз одам, яна қўлидаги нина билан ковлаб ҳам ётибди, қовурғасигача сув, атрофида чуваланглар, бўйнига қурбақа ёпишган, ҳар замон тепадан тош тўла пақир ташлашади. Қандай фоже манзара. Рассом учун ноёб мавзу.

У: Бу – зоҳирӣ сурат. Сиз ботинӣ суратга назар ташланг. «Мен жуда ёлғизман, Гўё қудуқда»: қудуқ – бу ҳаёт, дунё, қолаверса, шоирнинг ҳаёлидан, руҳидан айро ҳолда одамлар орасида кечираётган умри, «қовурғамгача сув» – тириклик ташвишлари, «баданӣм оғу» – нега «вужудӣм» эмас деб сўранг, «бадан» – бу ерда вужуднинг ўзи, аммо шоир ундан нафратланади ва вужуд дегиси келмай, нисбатан қўпол сўз билан номлайди. Чунки у оғу – руҳга, ҳаёл эркига оғу. «Билагим увушиб типирчилайди» – тирикчилик учун типирчилаб елиб-югуриш шоир учун «сўнгги нола»дай изтиробли, чунки «билак»да турли маънолар билан биргаликда «меҳнат воситаси» деган ишора бор. Дастлабки бандда у «гўё қудуқда» деган бўлса, иккинчи бандда «қудуқдир жойим» деб аламли ишонч билан таъкидлаяпти. Бу таъкидда ана шу қу-

дуқ – ҳаётга маҳкумлик изтироби бор. Шоир тақдирини ушбу қисматдан ажратолмаслигига иқрор. «Безиллар, яшринар мендан чувалчанг» – унинг наздида, вужуди, ҳаёти шу қадар афтодаҳолки, ҳамма ундан қочади.

МЕН: Балки, у одамлар ўртасидаги муносабатлардан ҳасрат қилаётгандир, ўзаро меҳр-шафқат, ҳатто ишонч йўқлиги туфайли энг беозор одамлар ҳам – яъни чувалчангда беозорлик маъноси ниҳон – бир-биридан безиллаши, яширинишини айтаётгандир.

У: Шоир ўз шарҳи ҳолини ўз-ўзига изҳор қилаётганини унутманг, у ҳеч кимга ҳасрат қилаётгани йўқ. У, сиз айтганингиздай, юксакдан туриб ўз ҳолига назар ташлаяпти, холос. «Қурбақа, сен, балки, малаксан, асли» – «қурбақа» – совуқлик, хунуклик, эврилиш рамзи, шоир атрофидаги ўзига боғлиқ нарсаларни ҳаёлидагидай кўришни истайди, ҳарорат ва гўзалликни армон қилади. Ёхуд бир пайтлар руҳини тарк этиб, тирикчилик майлларига айланган латиф туйғуларининг аслига қайтишидан орзуланади. У осон умр кечираётгани йўқ – нина билан қудуқ қазишга ва шу билан ҳаёт қудуғига чуқурроқ ботишга мажбур. «Тепадан тош тўла пақир ташларлар» – «тепа» – ҳаётнинг қудуқ эканлигини ҳис қилмайдиганлар дунёси, аслида, тепа

йўқ, «тош тўла пақир» эса шоир имконсиз бўлган ҳаёт муаммолари, уларни жавоҳир қилишга на инсон, на шоир Абдувалида қодирлик ҳам, майл ҳам йўқ. Атрофдагилар тошни жавоҳир – қимматли фаҳмлайдилар. Ахир, жавоҳир ҳам моҳиятан тош-ку. Энг ёмони, шоир буни биларди ва изтиробни ортади. Ёхуд бу мажозни вужуд истаги билан номатлуб туйғу ва майлларнинг эрка, покликка интилаётган руҳга тажовузи деб тушуниш мумкин.

МЕН: Сиз ўз тасаввурларингиз ва мулоҳазаларингизни ушбу мисраларга мажбур тиқиштира бошламадингизми, ишқилиб?

У: Гап мажбур тиқиштиришда эмас, гап ташбеҳлар, умуман, шеър менда мана шундай шарҳни туғдирганида, сиз бутунлай бошқача фикрлашингиз мумкин.

МЕН: Ҳа, Кант: «Шеърят – фикрлар ўйинидир», – деганида ҳақ экан.

У: У худди шундай деб хато қилган. Аммо «Мулоҳаза қобилияти танқиди» асарида хатосини: «Шеърят тасаввурларнинг эркин ўйини санъатидир», – деб тузатган. Эътиборингиз учун «Шеърятдаги ташбеҳлар шакл ёхуд нимарсаларни аниқлаштиришга эмас, балки тасаввур туғдиришига ва уни ҳаракатга келтиришига хизмат қилиши лозим» деган сўзлар ҳам

Кантники.

МЕН: Майли, таслим. Энди бу файласуфни тинч қўяман. Шеър ҳақидаги фикрларингиз чала қолди.

У: Тўртинчи бандда шоир ўз ҳолатига янада аниқроқ назар ташлайди. «Қўлимда занглаган қадимий тақа» – бу – эрк орзуси, руҳнинг ҳаракат, фаолият орзуси, руҳ ёхуд хаёл отга миниб йўртиши лозим, унинг қўлида эса фақат тақа – хаёл отининг орзуси, «занглаган» – бу вақт рамзи, балки, шоир умр бўйи умидвордир, бу орада орзу ҳам занглайди. «Тепадагилар кенгликда от суриб овлашар гуноҳ» – энди шоир атрофига назар ташлади, тепадагилар – қудуқда эканлигини ҳис қилмайдиганлар шоир наздида эмас, балки ўзларининг фикрича «кенгликда от суряптилар», бу, аслида, дунёнинг ёлғон алдовига учиш, чунки улар «гуноҳ овлашяпти». Гуноҳ – руҳ такомилига зид бўлган барча фаолиятлар. Ёхуд инсон Абдували шоир Абдувалига хиёнат қилишини қўймаётир. Чунки «мени тушунмаслар» – вужуд руҳни тушунмайди. Ёки атрофдаги одамлар шоирнинг ким эканлигини, изтироби, қайғуси, армонлари, умидларини англамайдилар. Ниҳоят, у юрагини ёради, ким эканлигини ҳайқириб айтади – «Исмим «Оҳ»дир менинг, «Оҳ» – қийналаётган руҳнинг, хаёллар парвозининг, орзу

умидларнинг исми. Нега «Аждарман»? Аждар – қудрат рамзи, у ўт-олов пуркай олади. Демак, ўша «Оҳ» беқиёс қудратга эга, кучли, агар бирор қалб унга бағрини очса, тушунса, у куйдира олишига ҳам ишонч ҳосил қилиши мумкин.

МЕН: Агар шеър қурилиши нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, «аждар» ва «қудуқ»да узвий боғлиқлик бор. Халқ эртакларида қудуқда яшайдиган ёхуд баҳодирлар томонидан қудуққа қамаб қўйиб тошни жавоҳирга айлантириб беришга мажбур қилинган аждар тимсоллари бор. Шоир шу манзарадан фойдаланган бўлиши ҳам мумкин. Қурбақага эврилган малика ҳақида ҳам эртақ бор.

У: Бу афсоналарнинг ҳаммаси армон, орзу, хаёл ҳосиласи эмасми, шоир шулар билан яшаса, нафас олса, нима дейсиз? Асосийси, бу манзараларни у сизга янада гўзалроқ, янада сирлироқ, завқбахш қилиб тортиқ қилмаяптими?! Шоир талмеҳ санъатидан ҳам яхшигина хабардор экан.

МЕН: Талмеҳ – эртақ, афсона, тарихий воқеа, қисса, машҳур қаҳрамонларга бевосита, мажозий, рамзий ишораларни ўз ичига олган шеърий санъат...

У: Биласизми, асосийси булар эмас, шеърда бошқа бир нарса бор. Эътибор қилинг: шоир

ўз-ўзини, вужудий ва руҳий борлиғини тафтиш қияпти, баданининг, ташқи оламининг афтодаҳоллигини айтяпти, кўнгил озодлигини орзу қияпти, ўзлигини излаяпти, ҳали топмади ва фақат «Оҳ» деб номлади. Булар – тасаввуф таълимотида комилликка етишишнинг бош йўли.

МЕН: Энди бутунлай ошириб юбордингиз. Абдували тасаввуф таълимоти билан тўла таниш эмас, бу йўналишдаги адабиётнинг рамз ва ташбеҳлари ҳақида ҳам мукаммал маълумот олмаган. Шўро мактаблари буларни ҳали-бери ўргатмайди. Тасаввуф ҳақида вақтли ва даврий матбуотда узук-юлуқ тушунчалар чоп этилган, холос.

У: Шундай бўлса ҳам, шеърларини ўқиб кўрайлик:

*Соҳибдилим – дилоро,
Аййит, тўхтасин карвон.
Най пуфлаган қуюннинг
Энасиби биебон?*

*Соҳибдилим – дилоро,
Қайда у чашма гирён?
Жилға бўлган кўнглимни
Қуритиб бўлди мижгон.*

Соҳибдилим – дилоро,
Кўзим менинг қулфмидур?

Очиб нигоҳим чиқса,
Чопган қилич зулфмидур?

Соҳибдилим – дилоро,
Қақнус гулхани қани?
Бор бўлса, юзга суртай
Ўтини ё кулини.

Соҳибдилим – дилоро,
Кўп риёзат чекдим-ку.
Ўзим кетдим. Йўлингга
Тоқатимни экдим-ку!

Соҳибдилим – дилоро,
Васлинг саробми, рўё?
Ҳофиз эмасман ишқда,
Абдувалиман гўё...

Соҳибдилим – дилоро!

МЕН: Гўзал шеър, шундай эмасми? Яъни «Ҳеч қандай изоҳсиз ҳаммага ёқадиган нарсa гўзалликдир».

У: Яна Кантми?

МЕН: Узр. Юқоридаги таърифлаганим – фалсафий-руҳий шеърларидан бири шу. Шеърдаги оҳанг руҳни аллалайди, фироқ ва дард эса қалбга

лаззатли оғриқ бахш этади. Шоир ўз ёрига тўғридан-тўғри Саъдийнинг «Эй сарбон, оҳиста рон, ороми жонам меравад» деб бошланувчи ғазали таъсирида мурожаат қилган.

У: Тўғри, Саъдий ғазалининг бевосита турткиси бор, аммо шоир сиз ўйлаётган дунёвий «ўз ёри»га эмас, ҳақиқий ёрига – Худога муножот қиляпти. Аслида, шеърни мажозий маъносида ҳам, ҳақиқий маъносида ҳам тушунавериш мумкин. Аввалига мен «Соҳибдилим»ни ўқиб, Саъдийга мурожаат қиляптими деб ўйладим. Чунки филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов таърифига кўра: «Соҳибдил – тариқатда юқори даражани эгаллаган, огоҳ, дард-ҳолли, қалби, дийдаси ҳамиша уйғоқ одам». Абдували тасаввуф ҳақида тўла маълумотга эга эмас дедингиз-а, бўлиши мумкин, демак, у табиатан шу руҳга мойил экан.

МЕН: Ҳар ҳолда, сиз яна бир марта ўйлаб кўринг, ХХI аср бўсағасида яшаётган, яна дунёдаги энг атеистик жамият фарзандининг шеърларини тасаввуфга боғлаяпсиз. Бундай ҳолларга бизда сиёсат кўзи билан қаралади.

У: Балли, мана, сиз ҳам темир чорчўп ичида тарбия топганлигингизни исботладингиз. Айтинг-чи, муҳаббатнинг вақтга, жуғрофий ўринга, сиёсатга алоқаси борми? Шеърятни сиёсат

заррабини орқали таҳлил қилиш, юмшоқ айтганда, жоҳиллик-ку. Фаранг ёзувчиси Стендал «Қизил ва қора» романида «Сиёсат – бу адабиёт бўйнига боғланган тошдир, орадан ярим йил ўтмасданоқ у бадий асарни ғарқ этади» деган сўзларини сизга ўхшаган «эҳтиёткор»лар учун айтган.

МЕН: Энди бу сиёсатни тўғридан-тўғри мавзу қилиб олган асарларга нисбатан айтилган.

У: Йўқ, адабиётга муносабат масаласига ҳам тааллуқли. Шундай муносабатлар оқиба-тида «сиёсий бадий асарлар» пайдо бўлади ва бу бадийатнинг ҳам, инсон маънавиятининг ҳам таназзулидир. «Интернационализм, партия раҳбарлиги, ишлаб чиқариш, ишчи образи, деҳқон образи, кураш» – шуларми сизнинг адабиётни ўлчайдиган мезонларингиз?

МЕН: Шундай эди, энди ўзгаряпти.

У: Кўриниб турибди қандай ўзгараётгани, худо, тасаввуф, деган сўзларни овозингизни чиқариб айтишга қўрқяпсиз десам, ҳақорат бўлар, истиҳола қияпсиз. Ахир булар виждонни соф сақлашга, дилни поклашга, илмга, комилликка, меҳру шафқатга, эзгуликка даъват-ку.

МЕН: Нима, шуларга менинг фаҳму фаросатим етмайди деб ўйлаяпсизми? Фақат сиз ўз

нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб Абдували кўзда тутмаган маъноларни талқин этаётган бўлманг яна деб андишамни билдирдим.

У: Сиз шу гапни иккинчи бор такрорляяпсиз, бу шеърнинг орифона руҳда эканлигини англамаслик учун бола бўлиш керак. Мана, қаранг: шеърдаги «соҳибдилим» юқорида таърифи келтирилган «соҳибдил» эмас, дилимнинг эгаси, яъни юрагимни забт этган дегани. Ушбу сифат билан чекланмай яна қайта мурожаат қиляпти – «дилоро» – дилимни номақбул ҳислардан тозаловчи, тўғри йўлга солувчи, яъни Худо. «Аййит, тўхтасин карвон» – бунда Саъдий ғазалидаги дунё карвонига ишора бор – карвон бевафо дунё сингари ўтадию кетади, у доим ҳаракатда, шоир «айт тўхтасин» деяпти – Худодан бошқа ким дунёни, ҳаётни бир лаҳза бўлсин тўхтата олади? Энди шоирнинг дунёнинг тўхташидан нима ғарази бор, нимани англамоқчи, нимани излаяпти деган саволлар очик қолади. «Най пуфлаган қуюннинг энашими биёбон?» – бу ерда мажозий маъно: найдан таралган англаб бўлмас қуюн биёбоннинг фарзандими, яъни най – дардни изҳор қилиш воситаси, қуюн – қора ва англаб бўлмас кучли дард, биёбон – кимсасизлик, ҳамма нарсасидан ажраган сарҳадсиз, соҳибсиз юрак. Хуллас, бу дунёда эшитилаётган нола (яъни шоир-

нинг ўз овози, Худога мурожаати) юракнинг ўз соҳибини топмаганидан эмасми деб тушуниш мумкин. Энди ҳақиқий маъноси: най билан киритилган бу қийналган, саргардон қуюн янглиф жонни ато қилган Худоми (биёбонда чексизлик маъноси бор, Худода ҳам), яъни Сенмисан? Ҳаёт карвонини тўхтатишдан, мана, шоирнинг биринчи мақсади нима экан – ўз-ўзини англаш, юрагига назар ташлаб, у Тангрига тегишлими, йўқми эканлигини англаш.

МЕН: Ҳар ҳолда, бу руҳий ҳаракатларнинг Абдувалига нисбат берилаётгани менга ғалати туюляпти. Балки, у ўз лирик қаҳрамонининг кайфиятига тушиб олиб шундай ёзаётгандир.

У: Лирик қаҳрамон деган нарсa йўқлигини, сохта, бачкана атама эканлигини яхши билсангиз керак. Шоир шеърида ўзини ва фақат ўзини изҳор қилади. «Лирик қаҳрамон» тушунчасини алломаларимиз шоирнинг шахсига тегмаслик учун, айрим ҳолларда уни турли-туман сиёсий гумонлардан ҳимоя қилиш учун ўзга адабиётлардан ўзлаштириб олишган. Илтимос, мени чалғитманг.

МЕН: Қулоғим сизда.

У: Шоир яна савол беряпти: «Қайда у чашма гирён?» – сиз «чашма гирён»ни интизорликдан кўзлари ёшга тўлган ёр деб тушунишингиз ҳам мумкин, чунки «чашм» – кўз, «гиря» – йиғлаш.

МЕН: Менимча, бу ерда «чашма» ўз маъносида, яъни сув чиқадиган чашма, «гирён» – чашмадан чиққан сув тинимсиз айланади, шу ҳаракатга ишора бор бу сўзда, аммо мисранинг маъноси учун бирламчи аҳамиятга эга эмас.

У: Тўғри топдингиз, лекин «гирён» чашмадан чиққан сувнинг гир айланишига эмас, чашманинг ўзига тегишли, чашма – гирён, демак, у саросар айланиб юрибди, нега? Балки, ер юзига чиқиш учундир, чиқса, тинчгина оқаверади-ку. Шундай қилиб, у ҳали ер остида. Хуллас, «гирён» ҳам муҳим аҳамиятга эга экан. Энди шундай савол қўямиз: нега шоир ер остидаги чашманинг қаердалигини сўраяпти, у чашмада қандай ҳикмат бор?..

МЕН: Бунга Нажмиддин Комиловнинг «Тимсоллар тимсоли» мақоласидан жавоб топиш мумкин. «Ҳайвон суви деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ерости мамлакатининг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади».

У: Ана, энди ойдинлашди: демак, шоир «ҳайвон суви»нинг қаердалигини сўраяпти, мақсади – Худога бўлган ишқ булоғидан симириш, вужудининг эмас, руҳининг ташналигини қондириш, ҳақиқат нурининг манбаига етишиш. Шоирнинг

шу мақсад соғинчидан сув бўлган, «Жилға бўлган кўнгли»ни «Қуритиб бўлди мижгон» – сенинг йўлингда йиғлайвериб кўз ёшларим қуриди ёки киприкларим ичиб қуритди деяпти. Мижгон нима? Бу дунё Худонинг жамолидан иборат, барча жонли, жонсиз, суратли, суратсиз нарсалар Тангрининг зарраларидир. Изтироб, ранж, соғинч, ҳижрон, алам, қайғу ҳам шулар жумласидан – демак, Худони ёр десак, бу кечинмалар ўз-ўзидан ёр жамолининг безакларига айланади: қош, мижгон, хат, соч, зулф ва ҳоказо. Чунки уларнинг ҳам, буларнинг ҳам қиладиган иши битта – азоб бериш, яралаш, поралаш, кесиш, адо қилиш, шайдо қилиш. Энди аёнки, «мижгон»дан – Ҳаққа етиш йўлидаги ҳижрон, ранждан шоир кўнгли адо бўлган. «Кўзим менинг қулфмидур?» – бу мисра ҳам савол, ҳам жавоб – мен сенинг жамолингни кўрмаяпман, ҳали кўрман, сенга етишганим йўқ. Ёки даргоҳинг эшигидаги қулф кўзимми, яъни дилимдаги кўзимми, шу орқали етаманми сенга? Яна бошқача англаш мумкин: менинг кўзим, дил кўзим, руҳ кўзим қулфланганми? Нима қулф вазифасини бажараётганлигини биз ўзимизча мулоҳаза қилишимиз ҳам мумкин: ҳали англамаган ўзлик, дунёнинг ялтироқ, ёқимли неъматлари ва ҳоказо.

МЕН: Ташбеҳ ҳам гўзал. Юмуқ кўз, қабоқ – қопқаси ёпилган, бирлашган жуфт киприклар – қатор қулфлар, найзадор қулфлар. Англиялик файласуф Томас Карлейлнинг бир фикри бор: «Янги ташбеҳлар яратиб, уларга фалакдан Прометей янглиғ олов узиб жо эта оладиган илҳомли шоирларни биз дунёнинг маърифат тарқатувчилари деб атаймиз».

У: Ҳақиқатан ҳам шоир тасаввурингизга берган ана шу гўзал манзара, қалбингизга бағишлаган завқ маърифат деб аталади. Навбатдаги мисраларни ўқиймиз: «Очиб нигоҳим чиқса, Чопган қилич зулфмидур?»; «нигоҳ» – Ҳаққа, комилликка етишиш йўлидаги ҳаракат, «зулф»ни юқорида таърифладим, Сени англай деб интилсам, шундай зухуротларинг борки, уларга шайдо бўламан (чунки зулф чиройли) ва охир-оқибатда бу изтироб бўлиб ҳаракатимни қирқади. Ўзликка етишиш нақадар қийин. Бу ўхшатишга санъат сифатида назар ташласак: зулф ва қилични чоғиштириш – анъанавий рамз. Аммо шоир бу ерда сурат эмас, гўзал ҳаракатни ифодаляпти. Кўздан нигоҳ чиққани заҳоти зулф чопиб ташлайди. Устига-устак, нигоҳ кўринмайди – бевужуд, сезилмайди – безпкин, чиққан заҳот чопиб ташланиши...

МЕН: Кейинги банднинг «Қақнус гулхани қани?» мисрасидаги «қақнус», энди, кўпчиликка таниш рамз. У — тумшуғида уч юз олтимиш тешиги бор ва ҳар биридан ўзгача куй тарата оладиган афсонавий қуш. Минг йил умр кўргач, инида ўтириб сайрайди, ўз овозидан ўзи маст бўлади ва ёниб кетади. Сўнгра унинг куллари устига илоҳий бир қудрат билан ёмғир ёғади, кулдан тухум пайдо бўлади ва у шу тухумдан қайта дунёга келади. Менимча, шоир ёр ишқида, сизнингча, илоҳ ишқида куйишга ҳам тайёр, куёлмаса ҳам, шу йўлга кириб, қақнуснинг «ўтини ё кулини» юзига суртмоқчи.

У: Шоир ўзлигини англашга, комилликка етишишга ёки Ҳақ висолига етишга олиб борадиган йўлни сўраяпти. Бу ерда яна бир нозик маъно бор: қақнус ёнгач, яъни ўлгач, қайта ҳаётга, янги ҳаётга восил бўлади. Тасаввуфда ҳам киши ўлгач, яъни ўз табиатидаги ғайрируҳий нопок майлларни ўлдиргач, қайта дунёга келади — покланади, комил инсон бўлади, дунёдаги барча ашёларга янги кўз билан, гўё янгидан туғилган одамнинг кўзи билан қарайди. Ўлиш ва қайта туғилишнинг маъноси шу. Шоирнинг «қақнус» сўзини ишлатишдан шу ҳолатга ишора қилиш мақсади ҳам бор. Навбатдаги бандда тортаётган азобларини, шунингдек, бу йўлда

сабрли эканлигини тўғридан-тўғри муножот қияпти. Сўнгги бандда ахийри «Васлинг саробми, рўё?» деб шу йўлдаги барча риёзату ҳаракатлари самарасиз бўлганлигини нола қияпти. Бошида «Соҳибдилим»ни ёрми, пирми, Худоми деб бироз тараддудланувдик. Мана, «Соҳибдил»га, ниҳоят, «Васлинг» дейилиши билан барча мурожаатларнинг Ҳаққа, олий руҳга нисбатанлиги ҳам ойдинлашди. «Саробми, рўё?» сўзлари шоирнинг шу хулосага келгани эмас, балки сўровдир. Чунки Сенинг ишқингда Ҳофиздай, пирлардай даражага етолмасман, аммо бу йўлда мен бошқачаман дегач, яна мурожаат қияпти: «Соҳибдилим – дилоро!»

МЕН: Биласизми, «Ҳофиз эмасман ишқда» мисрасини ўқиб менда шундай бир фикр туғилди: балки, Абдували ёзишни орзу қилган гўзал шеърларига, умуман, шеъриятга мурожаат қилаётгандир, балки, у ифодалаган азобларини шеърият йўлида чекаётгандир, балки, юрагининг эгаси – «соҳибдили» шеъриятдир, шеъриятга шайдодир, балки, унинг ошиқлиги шеърият ишқи туфайлидир, балки, шеърият йўлида қақнусдай куймоқчидир, балки, сўнгги мисралари билан «шеъриятда Ҳофиз даражасига етолмасман, аммо мен Абдувалиман, бошқаман, менинг ўз йўлим, ўз овозим бор» демоқчидир.

У: Бундай: асосийси, шеърда ишқ бор. Шарқ шеъриятида ишқ сўзи икки маънога эга бўлиб келган. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг шарҳ беришича: «Бири – мажозий, иккинчиси – ҳақиқий ишқ. Мажозий ишқдан мақсад одамга, мавжуд борлиқ ва табиат гўзалликларига йўналтирилган, шуларга доир дунёвий севгини акс эттириш бўлса, ҳақиқий ишқдан мурод Худога бўлган илоҳий муҳаббатни баён қилишдир».

Сиз шеъриятга ишқ дедингиз – тўғри, монелигим йўқ, мен Худога ишқ дейман – бу ҳам тўғри бўлиб чиқади, сиз Ҳофизга, унинг шеъриятига ишқ денг – қабул қиламан, мен шоир ҳаёлидаги, етолмаган ёрига ишқ дейман – буни ҳам рад этолмайсиз, сиз фуқароси бахтиёр олий бир жамиятга ишқ денг – ишонаман, мен ҳақиқатга, адолатга ишқ дейман – имоним комилки, сиз ҳам қўшиласиз. Шеърга ҳаёт бахш этиб турган иккинчи унсур – дард. Дард эса, Навоий таъбири билан айтганда, қалб чироғини ёқади ва ғафлат уйқусини қувади. Маърифат ана шу.

МЕН: Энди мана бу «Хаёл» шеърини ўқисак.

У: Йўқ демасангиз, суҳбатимизни эртага давом эттирсак...

«ҚАЙДАДИР МЕНИ ҲАМ ТУШУНГАН ДИЛ БОР»

У: Одамлар умидсизлик билан ёлғиз қолишдан қўрқиб бир-бири билан суҳбатдан нажот излаб юрибди. Сиз эса бемалол китоб мутолаа қилиб ўтирибсиз. Қайси китоб экан, ўқийликчи: Муҳаммад Юсуф. «Уйқудаги қиз».

МЕН: Анчадан буён хаёлимдан бир фикр кетмаяпти. Агар ҳар бир йилнинг машҳур спортчиси, актёри, сиёсатчисини аниқлаш учун йўқлов ўтказилганидай, 1989 йилнинг машҳур шоири ҳам аниқланса, Ўзбекистонда ким кўрсатиларди?

У: Муҳаммад Юсуф демоқчисиз. Тўғри, икки достони, чиқиши билан пештахталарда қолмаган мана бу китоби эълон қилинди, «Мен дардимни кимга айтаман», «Файзулло бобо» қўшиқларини биринчи синф болалари ҳам айтиб юрибди, радиода эса «М.Юсуф шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар» туркуми пайдо бўлди...

МЕН: Булар – ташқи жиҳатлар. Асосийси, бу шоирни халқ севиб қолди. Китобини ҳам ўқийди, қўшиқларини ҳам жон қулоғи билан тинглайди. Чунки ўз юрагига ҳамоҳанг туйғуларни топади.

У: Биласизми, ўша ташқи жиҳатлар ҳам, халқ муҳаббати ҳам нисбий мезон. Шеърнинг даражаси, шоирнинг қудрати фақат булар билан ўлчанмайди. Санъатнинг, юксак адабиётнинг шеърни баҳолайдиган ўз мезонлари бор.

МЕН: Кечирасиз-у, нега энди шеърятга унинг ўқувчиси, умуман, халқ юрагидаги акс садосига қараб эмас, сизнинг нуқтаи назарингизга қараб ҳукм ўқилиши керак? Маълумки, шеър – туйғу ва дард ҳосиласи. Ўқиганда сиз унда ўз армонларингиз аксини кўринг, хотирангизнинг изтиробли ва қувончли тўлқинлари кўз ўнгингизга қалқиб келсин. М.Юсуф бугун ўзбек халқининг юрагида жўш ураётган кечинмаларни қаламга олади. Шунинг учун ҳам...

У: Йўқ, ҳеч қайси шоир ҳеч қачон халқнинг дилидагини қаламга олмайди, шоир ЎЗИНИ қозғозга туширади. Шеър эса, яна такрорлайман, халқнинг қабул қилишига қараб баҳоланмайди. Аммо шеър ҳақидаги ҳаммага маълум таърифингизга қўшилиш мумкин, лекин шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, руҳ билан англана-

диган ва ақл билан англанадиган шеърлар бор. Тайёргарлик талаб этадиган шеър бор, талаб этмайдиган шеърлар бор. Халқ эса буларни бир хил қабул қилолмайди.

МЕН: Сизнинг сўзларингиз ҳам янгилик эмас.

У: Тўғри. Лекин гап М.Юсуфнинг шеърлари буларнинг қайси бирига тегишли эканлигида. Унинг ўзи шеъриятни қандай тасаввур қилишида.

МЕН: М.Юсуф шеъриятни «кийиксўқмоқ» деб билади, яъни тоққа ўрлаган бу машаққатли тик сўқмоқдан фақат кийикларгина – дили поклар, шу йўлдан юриш қудрати ато қилинганларгина – чиқа олишини ҳис қилган. «Бир қўлида гул, бир қўлида чақмоқ» билан шу сўқмоққа тушган шоир энди «қайтиб кетолмайди», демак, ҳаётининг мазмунига айланган.

*Чағиртошлар товонимдан
Тишлаб олган,
Қўлларимдан кийикчалар
Ушлаб олган.*

У: Чиройли ташбеҳ, самимий мисралар.

МЕН: Эътибор беринг, чағиртошлар товонига ботмаяпти – «тишлаб олган», демак, шу йўлдаги ранжу дардлар – унинг доимий ҳамроҳи. У

шу йўлдан ўтганларнинг руҳини, ўтаётганларнинг ҳамқадамлигини ўзига мадад деб билади – «Қўлларимдан кийикчалар ушлаб олган». Бу билан ўзининг шеъриятга адашиб кирмаганлигини, бегона эмаслигини, шу сўқмоқдан чиқиш салоҳияти ато қилинганлардан эканлигини ҳам таъкидлаяпти.

У: Тўғри. Лекин ҳеч қайси шоир ҳеч бир замонда ўзини шеъриятга адашиб кирган деб ҳисобламайди. Биз шеърнинг қимматини белгилайдиган мезонлар ҳақида гаплашаётган эдик. Ҳозир сиз мисол келтирган самимий мисралар ва битта ташбеҳ М.Юсуф шеърлари ҳақида тўла тасаввур беролмайди. Мана, «Инқилоб», «Бободехқоним» шеърларида бошқалар томонидан неча бор такрорланган фикрларнинг қайтарилишига қаранг...

МЕН: Такрор – нисбий тушунча. Ким такрорламайди? Ҳозир ёзилаётган мавзулар, «топилаётган» ташбеҳлар, истиоралар, фикрлар билибми, билмайми қилинаётган такрорлар эмасми?! Ахир инсоннинг ҳаёти, туйғулари, фикри бошқа бир авлодда албатта такрорланади-ку, табиат ҳам ҳар йили ўз-ўзини такрорлайди.

У: Гап қандай такрорлашда. «Муҳаббат – эски дард, аммо ҳар юрак уни янгилар» деган нақл бор. Масалан, деҳқоннинг қўли тегмай

битта ҳам гиёҳ унмаслигини, ҳозир деҳқон меҳнати қадрсизланиб, уни «Қора денгизда жон яйратиб юрган ўзбекнинг пешволари» алдаётганини, аслида, деҳқон «тинчлик посбони» эканлигини қофияга солиш шартми? Шоир ҳар қандай дард билан шоирона, ўзига хос оғриши ва уни ўзгача – сирли, бошқалар учун имконсиз бўлган ташбеҳлар, ишоралар, сўз ва туйғулардан иборат ўз дунёси орқали изҳор қила олиши лозим.

МЕН: Муҳаммад Юсуф қандай, қайси усулда, қайси либосда эмас, биринчи ўринга нимани ифодалашни қўяди. Айни замонда, халқ юрагини ўртаётган азоблар унга ҳам тинчлик бермайди ва буларни халққа таниш оҳангларда қоғозга туширади...

У: Афсуски, ҳозирга қадар ўзбек шеърхонлари туйғу эмас, фикр қабул қилишга ўргатилди, диди эса гўзалликка эмас, тароватсизликка мослаштирилди. У яланғоч гаплардан завқланадиган бўлиб қолди. Шу мақомда шеър ёзаётганларнинг тез кўзга ташланаётгани ҳам бежиз эмас.

МЕН: Авваламбор, халқнинг дидини бир хил қарич билан ўлчаш нотўғри. Иккинчидан, ушбу вазият билан боғлаб М.Юсуфнинг машҳурлигига ишора қилаётган бўлсангиз, адашасиз.

Қаранг, қандай бахтли боламан!
Ўйларимда гуллар ухлайди.
Кўзларимда жаранглар кулгу,
Юрагимда... йўлбарс... йиғлайди.

Бу мисралар шоирнинг «хаёллар ухлайдиган» ўз дунёси борлигидан, «йўлбарс йиғлаётган» юрагидан изтиробни ўзига хос тарзда тўка олишидан дарак бермайдими?!

Фарзандидан айро ота учун кечасининг ғамини ифодаладиган яна қандай сўз бор: «Тунлар бирам чўзилиб кетди!» Унинг юрагидаги йўлбарс яна не деб йиғлаши ёхуд умрини яна қандай савол муттасил эговлаши мумкин: «Ўғлим мени кечирармикин?». Бундай мисралар учун қарсак чалмайдилар ёки сиз айтган ўша дидсиз шеърхоннинг эътиборига ҳам тушиб бўлмайди. Ўзининг қон бўлган юраги билан баҳслашиб, «юзта қўшиқ ёзиб», онасига битта мактуб битолмаганидан изтироб чекиб, «қўли тегмай тўкилган қизғалдоғи» – севгиси армонда йиғлаб шеър айтаётган шоирнинг нафақат «яланғоч гаплардан завқланувчилар», балки юксак шеърый тарбия соҳибларининг ҳам эътиборини қозонаётгани бежиз эмас.

У: Мен мавзу ва туйғуларни эмас, шеърга санъат нуқтаи назаридан қарашни эътиборда

тутган эдим. М.Юсуфнинг шеърларида оҳанг халқона, туроқ, қофияларда қусур йўқ. Аммо кўпинча фикр тўғридан-тўғри, сўзлашув тилига яқин ҳолда, шеърий безаксиз айтилади. Ўқувчини мушоҳадага мажбур қиладиган, тасаввурини қўзғайдиган нарса йўқ. Мана:

*Юрак йиғлар, айтишга ийманамиз,
Биз энди бир умр қийналамиз,
Кечалари ухламай ўйланамиз,
Кечикиб келган севгим,
Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..*

Ахир шеърда нимадир ўқувчини ушлаб туриши, қолаверса, қайта ўқишга мажбур қилиши керак-ку. Ҳофиз шеър тилини «лисонул ғайб» (яширин, сирли тил) деган экан. Шеърнинг, сўзнинг қудрати, мафтункорлиги ҳам ана шунга боғлиқ.

МЕН: Демак, сизнингча, шеър ёки сўз қанча сирли, тушунарсиз бўлса, шунча қудратли, шунча завқ беради? Агар мазмуни ойдин, тушунарли бўлса-чи, кучсиз, безавқ, ҳароратсиз ҳисобланадими? Мазмундаги ҳақиқат, туйғунинг ростлиги қудратни белгиламайдими?

У: Булар – бошқа-бошқа нарсалар. Шеърдаги ҳақиқат ўз ҳолича қудрат ва жозибадорлик

даъво қилолмайди, токим у санъат мақомига етказиб ифодаланмагунча. Қолаверса, шеър аксарият ҳолларда гўзал ёлғон бўлади, шу маънодаки, у хаёл ва тасаввурлар ўйинидир.

МЕН: Биласизми, биз бу шеърият дарахтининг илдизи томон қанча чуқурлашиб бораверсак, шеър кўз ўнгимизда ўз жозибасини, таъсирини йўқотиб бораверади. Ва охир-оқибатда олдимизда энг ибтидоий ва даҳшатли савол кўндаланг бўлади: Шеър нима, ўзи? Шу пайтгача бу саволга жавоб берганларнинг ҳеч қайси бири ўз таърифидан ўзи қониқмаган. Шунинг учун шеърга нисбатан ҳар қандай таъриф, талқин, хулоса нисбийдир.

У: Шеърни бутун бошли бир китоб билан ёхуд бир жумлада таърифлаш мумкиндир. Аммо булар шеър эга бўлган қудратнинг, имкониятнинг, таъсирнинг мингдан бирини ҳам ўзида акс эттиролмайди. «Шеър қандай бўлади?» дейиш «бу дунёнинг охири қаерда?» деган саволга ўхшайди. Шаклда ҳам, мазмунда ҳам шеърият чексиз имкониятга эга. Инсон руҳи, хаёли, тафаккури, тасаввури қанча шакл ярата олса, шеърнинг шакли шунча, қанча ташбеҳ, манзара, рамзлар ярата олса, шеърнинг гўзаллиги ҳам шу қадар бўлади...

МЕН: Демак, ҳеч ким ўзининг қабул қилишига, ўзининг шеърият ҳақида шаклланган шахсий

тушунчаларига қараб шеърни баҳоламаслиги лозим.

У: Шундай экан деб ҳар қандай шеърни ўқувчига тақдим қилавериш ҳам адолатдан эмас. Ҳеч бўлмаса, шеърий санъатнинг ўз мезонлари, талабларидан келиб чиқиш керак.

МЕН: Хўп, шеърий санъатнинг бош мезонларидан бири – самимийлик, шундай эмасми? М.Юсуф шеърларидаги бош хусусият ҳам мана шу. У хоҳ севги, хоҳ ватан, хоҳ нозиккина қизчаси ҳақида ёзмасин, самимийликни йўқотмайди, гўё шоирнинг ғуборсиз кўнглини кўриб тургандай бўласиз. У ўз ожизлигини ҳам, ҳасратини ҳам, шоирлигидан болаларча мақтанишини ҳам, баъзан эса ўзини шоир ҳисобламаслигини ҳам яширмайди:

*Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ,
Мен ёруғ дунёда кўнглим қулиман...
Осмонга қарасам, кўринар тупроқ,
Майсага термулиб ойни кўраман.
Бу қандай кўргулик, билмайман, ўртоқ,
Мен қачон далада буғдой ўраман?
Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдим эркак бошимга?
Ҳамма шоир зотин йиғса, арзимас
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.*

Яна менга М.Юсуфнинг шеърлари бир «на-
фас»да, бир ўтиришда ёзилгандай туюлади.
Чунки фикр ва туйғуда парокандалик йўқ, улар
бор қусуру фазилатлари билан қоғозга тушган-
дай. Шунинг учун у шеърни қайта ишламаса ҳам
керак деб ўйлайман.

У: Ҳар ҳолда, қайта ишламаслик фазилат
эмас.

МЕН: Лекин меҳнат шоирлари бор, табиатан
шоирлар бор. М.Юсуфда меҳнатнинг изи кўрин-
майди, зўриқиш, нафаси етмай қолиш, мантиқан
чалғиб кетишлар кўринмайди.

У: Ушбу сифатлар маҳоратни эмас, шеъ-
рийатнинг жузъий талабларига риоя қилган-
ликни билдиради. Акс ҳолда, бу шеърлар чоп
этилмасди. Қолаверса, меҳнат шоирларининг
ҳаммаси ҳам зўриқавермайди, чалғиб ҳам кет-
майди. Улар ҳам гўзал, санъаткорона шеърлар
ёзишлари мумкин.

МЕН: Лекин, сиз айтгандай, тасаввурни қўз-
ғаш, қалбларни энтиктириши, узоқ вақтлар
юракда қолиши қийин-да.

У: Сиз М.Юсуфнинг самимий ёзилган ҳамма
шеърлари шу хусусиятларга эга демоқчимисиз?
«Ўтинч», «Бригадир», «Ўзбекфильм», «Тўн ҳа-
қида шеър», «Белбоғ», «Йўқлов» ва шунга ўх-
шаш муаммоларга бағишланган шеърларнинг

эртага унутилиб юборилмаслигига ким кафолат беради? «Уйқудаги қиз» китобидан бугунги кунда публицистика кўтариб чиқаётган масалаларнинг ҳаммасига (Оролнинг қуриши, оилани планлаштириш, ўзбек деҳқонининг ноҳақ бадном қилинаётгани, миллийликка эътибор камайгани, ноҳақ репрессия қилинганларни оқлаш ва б.) бағишланган шеърларни топиш мумкин. Ҳатто Ёқуб чолга «Запорожец» беришмагани ҳам шеър, бригадирни ишдан олишгани ҳам шеър, ўқитувчининг институт талабасига «тўн кийма» дегани ҳам шеър. Нафақат М.Юсуф, ҳозир халқ шоирларидан тортиб ҳаваскорларгача деярли ҳаммаси муаммо шеърларга ружу қўйган. Ахир бу шеъриятнинг қадр-қимматига, унинг моҳиятига тажовуз-ку. Тўғри, қайта қуриш озгина бўлса-да сўз эркинлиги берди, лекин бу адабиётни муаммолар билан кураш майдонига айлантириш ҳуқуқини бермайди.

МЕН: Маяковский ўз истеъдодини янги жамият йўлига қурбон қилиб революцион шеърлар ёзган эди. У ўшанда халқни тарбиялаш учун жанговар, кўтаринки руҳдаги шеърлар кераклигини тушунган эди. Ҳозир эса маънавий инқилоб содир бўлмоқда. Халққа ўз-ўзини англатиш, ҳар бир инсонни шахс сифатида тарбиялаш биринчи масала бўлиб турибди. Публи-

цистик шеърларнинг ҳам шу маънода қиммати катта.

У: Ахир бу шеърлар эртага ўлади. Маяковскийни ким ўқияпти ҳозир? Энг фожиалиси, бу ҳол саёз шеърий тарбияга замин бўлади. Мана:

*Бу қандайин кўргулик, савдо?
Дўппи киймай қўйди халойиқ.
Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё
Бош қолмади дўппига лойиқ!*

Бу мисраларни эшитиб «ҳа, боплабди» деб қарсак чаласиз. Кейин-чи, кейин? Рухингизга нима берди, юракда бирор нарсa қолдими?.. Биласизми... шоир ерда эмас, кўкда яшаши керак.

МЕН: Аммо халқ ва миллат дардлари бор, ватан дарди бор. Бу дардлар билан оғрийдиган биринчи одам шоир-ку.

У: Тўғри, ҳақиқат ва адолат, бу йўлда ғолиб ё мағлуб бўлиш ҳам шоирни қон ютиб яшашга мажбур қиладиган абадий мавзу. Лекин...

МЕН: Қолаверса, шоир руҳи юксак, ҳар томонлама эркин инсон бўлишни истайди. Бунга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши нафратини билдиролмай туролмайди. Чўлпоннинг «Қўзғолиш», «Кулган бошқалардир, йиғлаган менман», «Халқ» шеърларини ёхуд:

*Етар, бас, чекдан ошгандир
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлуғдир, балки тошгандир
Тубанлиғ ҳам сафолатлар! –*

мисраларини ёдга олинг. У ҳам шеърятнинг сиз айтган олий вазифасини билгандир, шунга қарамай, миллат, ватан дарди учун ёнганку. Биз ушбу тушунчаларни фалон муаммолар ёхуд мавзулар деб нописандлик билан номлаб шоирни булар ҳақда ёзмасликка ундай олмаймиз ва ёзганларини ҳам шеър қадрини туширяпти деб айблашга ҳаққимиз йўқ.

У: Сиз мени нотўғри тушундингиз. Мен умуминсоний улуғ туйғуларни эмас, ҳар қандай масалани бош мавзу қилиб шеърятга олиб кирмасликни назарда тутган эдим. Чўлпон ҳақида гапирдингиз, Чўлпон ердан эмас, «кўкларга беркинган ер қизи»дан ҳаёлини олмаган, демак, кўкда «яшаган». Қолаверса, унинг шеърияти билан, шеърларининг бадий даражаси (ижроси) билан бугунги шоирларнинг «қофияланган публицистика»сини чоғиштириш нўрин.

МЕН: Ҳеч кимнинг ёки ҳеч қайси давр шеърятининг даражаси аниқ, ягона мезон билан ўлчанмайди. Тўғри, турли даврларда турли

йўналишдаги, турли шаклдаги шеърлар пайдо бўлади, лекин бу шеъриятнинг охириги яқиний даражасини белгиламайди. Шеъриятнинг даражаси ҳаваскор шоир қаламидан ҳозиргина тўкилган шеърдан тортиб асрлар давомида маълум бир миллатнинг адабиётида воқеа ҳисобланиб келган шеърларгача ҳаммасини қамраб олади. Шунинг учун шеърни мавзуга кўра чоғиштирганда дарров буни даражалар билан ўлчаш нотўғри...

У: Биз «ижтимоий муаммолар шеърияти» ҳақида гаплашаётган эдик.

МЕН: Мавзудан четга чиққаним йўқ. Сиз бу ҳақда замонадан кўз юмиб гапиряпсиз. Сиз кўкрагига пичоқ санчилиб додлаётган, нола чекаётган одамдан қоннинг ранги ёхуд пичоқнинг чиройлилиги ҳақида куйлашни талаб қиляпсиз.

У: Мен эмас, санъат бешафқат, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига хиёнат қилинмаслигини талаб этади.

МЕН: Йўқ, ҳар қандай ҳолатда эмас. Юксак савиядаги асарлар яралиши учун юрак бир томонлама сокин бўлиши, фақат яратиш дарди билан ёниши лозим, жамият ва ҳокимият ўртасида мутаносиблик, уйғунлик вужудга келиши, юрт ҳам, кўнгил ҳам тинч бўлиши, асосийси, келажакка ишонч керак. Тўғриси айтсам, ҳозир

шеърият, ҳақиқий шоирлар замони эмас. Фожиамиз шундаки, биз ғайриинсоний қонунлар асосига тузилган давлатнинг таназзул бўронига дуч келдик. Шу бўрон шовқин-суронидан фақат бақириқ ва ҳайқириқларгина эшитилади, холос. Шоирларнинг юракларида ташбеҳлар, ранглар, юксак туйғулар эмас, ўша тузумга нисбатан қаҳр, ғазаб, киноя, алам яшамоқда. Уларнинг ўзи ҳам шу табиий таназзул бўронининг бир қисмига айланиб қолган. Лекин юксак шеъриятнинг даври ҳам келади.

У: Адашяпсиз, ҳақиқий санъаткорнинг санъатга эътиқоди диндорнинг Худога эътиқодидан кам бўлмайди. Мўғуллар босқини, уруш даврида ҳам Исонинг суратини чизишдан бош кўтармаган рассом Андрей Рублёвни эсланг. Худди шунингдек, замон талотумига қараб диндорнинг Худога эътиқоди ҳам бир кучайиб, бир пасаймайди. Диндор: «Замон алғов-далғов бўлиб кетди, дарду ҳасрат кўп, Художон, шу учун сенга озгина хиёнат қиламан», – дея оладими? Нега сиз шеъриятга нисбатан шу гапни айтмоқчи бўласиз ёки шу гапни айтаётган шоирларни ҳимоя қилмоқчисиз? Ҳар қандай бўрону шамолларга юрагини бермаганларгина санъатнинг абадийлик дастурхонига ўз асарларини қўя оладилар.

МЕН: Сиз шоир ўз замонаси билан, ўз халқининг фикр ва мушоҳада қуввати билан ҳисоблашмасин, кўнгил кўзини фақат санъатнинг олий қасрларига тиксин демоқчимисиз? Демак, уни ким ўқийди, тушунадими, ўқиганларга нафи етадими, йўқми, ўйламасин, ўз кўнглини тўйдирса, шод қилса бўлди. Ахир бу «санъат санъат учун» деган ғоянинг ўзи-ку. Шоирнинг ўз она халқи олдидаги бурчи-чи?

У: Гапни мавзудан четга, мен назарда тутмаган томонга буриб юбордингиз. Начора! Хўш, бу ғоянинг нимаси ёмон? «Санъат санъат учун» дегани «ғўзаллик ғўзаллик учун» тушунчасига яқин. Олайлик, ўз-ўзига маҳлиё бўлиб парвоз қилаётган қалдирғоч. У осмонда уча олишдан, шамоллар билан ўйнашаётганидан, ўз қанотларининг бир текис ҳаракатидан, еру само кўз ўнгида алмашилиб сузаётганидан завқланмоқда ва ғўзал парвоз этмоқда. Сиз ундан нима талаб қиласиз? Сизга ёқишини, сизга маъқул ҳаракатлар қилишини, сиз истагандай вижирлашини хоҳлайсизми? Тошойна қаршисида ўз ҳуснидан ўзи масрур ҳолда завқланиб ўтирган ғўзалдан-чи? Унинг она халқи олдида бурчи нима, ҳаммани ғўзал бўлишга ўргатишми? Бундай олганда «санъат санъат учун» деган тушунча янада мукамаллашиш, янада юксалиш ва такомил учун

ҳаракат-ку. Қалдирғочга қараб руҳингиз ором топсин, гўзалликка боқиб завқланинг, олий шеъриятдан маст бўлинг – шундайлигича, бор ҳолича – агар бу қўлингиздан келмаса ёки сизнинг таъбингиз бошқача бўлса, уларни ўз ҳолига қўйинг, таъбингизга мос нарсаларни кўринг, ўқинг, эшитинг ва роҳатланинг. Дунё чексиз.

МЕН: Анчадан буён муаммоларга бағишланган шеърларнинг санъатга зарари, ўқувчиларга фойдасизлиги ҳақидаги қарашларингизни исботлашга уриняпсиз. Лекин М.Юсуфнинг китоби, муаммоларга бағишланган шеърлари бизнинг ана шу баҳсимизга сабаб бўлмадими? Фикр қўзғатгани ҳам шеърнинг санъат сифатидаги фазилатидан дарак беради-ку.

У: Ҳозир бизнинг юрагимиз эмас, ақлимиз меҳнат қияпти.

МЕН: Барибир. Ҳозир халқ М.Юсуфнинг шеърларини севиб ўқийди. Халқнинг дилидаги, тилининг учидagi гапларни ўзига хос илҳом билан айтаётгани учун кундан-кунга кўпайиб бораётган мухлислари ундан миннатдор. Шоир учун уни кимдир тинглаётгани, тушунаётганини кўриб яшашнинг ўзи ҳам лаззат, ҳам мукофот. Сиз уни тан оласизми, танқид қиласизми, шахсий ишингиз, шоир учун бунинг аҳамияти йўқ. Муҳаммад Юсуф шеърларининг

келажакдаги тақдирини эса халқ ва вақт ҳал қилади.

У: Ниҳоят, эътироз билдириш мумкин бўлмаган ягона фикрни айтдингиз. Мен Муҳаммад Юсуфга СЎЗ тилайман.

1989

ҚАРСАК АСАРГА ЧАЛИНАДИМИ, АДИБГА?

МЕН: Чўлпоннинг «Ёрқиной» пьесасида адабиётнинг азалий мавзулари: эрк ва зулм, ноҳақлик ва адолат, севги ва нафрат, хиёнат ва садоқат ўзига хос ифодасини топган. Қаҳрамонларнинг ички туйғулари уларнинг ҳаракатлари, пьесадаги воқеалар билан бир даражада, балки ортиқроқ даражада берилганки, буни Чўлпондаги шоирликнинг хосияти дейиш мумкин. Бош қаҳрамон Пўлат отаси ва тоғаларининг қотили, хоннинг содиқ саркардаси Ўлмас ботирнинг хонадонидида хизматкор сифатида катта бўлади. У қотил сиридан воқиф бўлгач, қасос ўчида ёниб бу даргоҳдан кетади. Бечоралар тарафида туриб хон зулмига қарши исён кўтаради. Бу йўлдан уни Ўлмас ботирнинг қизи Ёрқиной билан ўрталаридаги соф муҳаббат ҳам тўхтата олмайди. Ёрқиной гўзал, мағрур, қиличбозликка ҳам уста қиз, унга хоннинг ўғли ҳам, Нишобсой

беги ҳам одам қўйган бўлса-да, Пўлатдан бошқасини юрагига киритмайди. Нишобсой беги уни сўзамол кал орқали ўғирлатиб ўзига ажал сотиб олади. Ёрқиной тадбир билан уни ўлдириб, отаси ва Пўлат ўртасидаги ҳаёт-мамот жангига барҳам беради. Пўлат қочиб кетган хон ўрнига хон кўтарилади. Ёрқиной унинг хонзода билан яккама-якка урушда ғалаба қилишига ҳам сабаб бўлади. Жўшқин, соф муҳаббат юртга осойишталик ва эминлик олиб келади. Муҳаббат ёвузлик устидан тантана қилади. Чўлпон ушбу пьесада адолатга ташна инсон ҳеч қачон курашдан тўхтамаслигини ва муҳаббатни енгадиган куч дунёда йўқ эканлигини тараннум этган.

У: О, нақадар сийқа таъриф у тавсифлар, нақадар осон изоҳлар. Наҳотки, сиз шу даражага тушиб қолгансиз?! Ярим асрдан кўпроқ вақт адабиёт ҳақида мактаб партасидаги ўқувчидан тортиб номдор олимгача шу тахлит мулоҳаза қилганликларингиз оқибати бу. Бу пьесадан олган таассуротингизми ёки пьеса ҳақидаги фикрингизми, таҳлилингизми ёки тақризингизми? Юрагингиздан ёки миянгиздан эмас, гўё шунчаки бармоқларингиздан сувни силкитгандай бениҳоя лоқайдлик ва осонлик билан гапириб ташладингиз.

Аввал «Ёрқиной»га қадар ўзбек драматургияси қарийб ўн беш йиллик масофани босиб ўтганлигини эсланг. Бу пьесанинг мавзуси ҳам, сюжети ҳам ўша пайтда шаблонга, эртакнамо услубга айланиб улгурганлигини эсланг. «Захарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари», «Бой ила хизматчи»га ўхшаганларни мисол келтиринг. Бу эртакни Чўлпондан кейин ҳам кўп судрашганини биласиз-ку. Эҳ-ҳе, қайси бирини санайсан киши? Ҳатто «Улуғ йўл», «Қутлуғ қон»...

МЕН: Ҳаммасини қориштириб ташламанг. Ҳар бир ёзувчининг ўз мақсади, ўз дунёси бор, услуби, маҳорати ҳар хил. Қолаверса, тузум талаб қилган, мажбурлаган сабаблар бор.

У: Хўш, Чўлпоннинг мақсади нима эди? Сиз айтгандай «адолат учун кураш ва муҳаббатни тараннум этиш»миди («тараннум» – наҳотки, меъдангизга тегмаган бу тумтароқ сўз?), «улуғ» инқилобга хом-хатала мадҳиямиди, давр ўзгаришлари, янги истибдод, миллат тақдири ҳақидаги масалалар қаршисида ўз-ўзига саволмиди ёки бу заминий муаммочалардан юксакда туриб одамзод қавмининг нурли ва нурсиз қалблари ҳақида, уларнинг эврилишлари ва улар ўз-ўзларига қуриб олган жаҳаннам ҳақида шоирона-файласуфона рамзий хулосалар чиқаришмиди? Нега сиз бедорликдан безор

танбал фикрингиз устига «тараннум» кўрпасини ёпиб қўясиз, уни қўзғатмайсиз?

МЕН: Сиз билан биз «шоир пьесасида шундай демоқчи эди» деган ўз хулосамизни бошқаларга тиқиштиришга ҳаққимиз йўқ. Ҳар кимнинг диди, савияси ҳар хил, шунинг учун шоирнинг мақсадини ҳар ким турлича кўради. Бадиий асарнинг кучи ҳам шунда, ранг-баранг талқинлар уйғотишида.

У: Сўнгги жумлангизни китобларда кўп ўқиганман. Майли, бировникини ўзлаштириб олиш ҳозирги замонда фазилатга айланиб қолган, бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Тўғри, гўзалликни ёхуд хунукликни ҳар ким ўзича кўради, лекин бу фикрламасликка асос бўлолмайди. Чўлпоннинг мақсадига келсак, бу ҳақда ўйлашдан олдин «у ўша пайтда ким эди?» деган саволга жавоб топишимиз керак. «Ёрқиной» ёзилган пайтда Чўлпон 21 – 22 ёшлардаги, шеърияту мақоланависликда эмас, драматургияда ҳам бир қадар ўз сўзини айта бошлаган, асосийси, «Шўролар ҳукумати ишчилар эгалиги саное нафисанинг энг суюкли, муҳтарам бобосидир» (Иштирокиюн. 1920. 7.XI. 26-бет) деган кайфиятдаги алданган йигитча эди. Унинг «Ёрқиной»ни инқилобга мадҳия тарзида ёзиши табиий эди. Хизматкор Пўлатнинг хон

кўтарилиши – «шўролар ҳукумати – ишчилар эгалиги» эмасми, унинг ўз-ўзига: «Хонзода... юртнинг ҳамма кўз ёши ўшаларнинг оёқ остига қуйиладур», – дейиши ёки Ёрқинойга: «Юртнинг ишини ҳам биргалашиб қилайлик», – дейиши пьесанинг мақсади эмасми?!

МЕН: Сиз бир ёқлама ва юзаки хулоса қилаётирсиз. У ерда инсонлар тақдири, севгиси, адолат учун кураш бор. Қолаверса, халқ оғзаки ижодида неча-неча асрлар муқаддам яратилган дostonлар, эртаклар бор. Уларда ҳам ўтинчи ёхуд дурадгорлар, деҳқон ёки чўпонлар зулмга қарши курашиб хон кўтарилганлар, ҳаммасининг замирида адолат тантанасини орзу қилиш ётади. Сизнинг мантифингизга асослансак, улар қайси тузумни тарғиб этганлар?

У: Улар – эртақ, сиз айтмоқчи, адолатли шоҳ ҳақидаги орзу. Мукаммал инсон, мукаммал жамият ҳақидаги инсон қабилаларга бўлингандан буён яшаб келаётган умид, қалам аҳли қоғоздагина яратадиган, сиёсат ва дин аҳли амалда кўрмоқчи бўлаётган хаёлий одамлар, хаёлий мамлакат у. «Ёрқиной» ёзилган пайтда жуда кўп Чўлпонлар бу орзунинг, ниҳоят, амалга ошганига ишонганлар. Биз муаллифи маълум, ёзилган вақти маълум, маълум мақсадга йўналтирилган аниқ асар ҳақида гаплашяпмиз. Сиз

пъесадаги инсонлар тақдири, воқеалар ҳақида гапирдингиз, таассуфки, уларнинг бари пъесада эртакнамо кечади.

МЕН: Кашфиёт қиляпман деб ўйламай қўя қолинг. Пъесанинг бошидаёқ эртак асосида ёзилганини Чўлпоннинг ўзи айтиб қўйган. Сизнингча, асардаги қаҳрамонлар, воқеалар жойи, вақти аниқ берилиши лозиммиди? Бадий асарнинг ўз қонуниятлари борлигини биласиз-ку.

У: Биринчидан, гап мақсад ва маҳорат ҳақида эди. Бу масалага қайтармиз. Иккинчидан, бадий асар ҳеч қандай қонуниятга, тартиботга бўйсунмайди. Бирор қонуниятга амал қилиб яратилган асар — ўлик асар. Мен шаклий эмас, бадий-тасвирий қонуниятни назарда тутяпман. Асосийси, асарда руҳ, ўқувчи руҳини безовта қила оладиган руҳ бўлмоғи керак. У изтиробдир, қувончдир, қатъи назар, ижодкорнинг борлиғини, юрагини ёриб, ситилиб қоғозга тушиши керак. Айтинг-чи, пъесада сизни ўйлашга, ўзлингиздан чиқариб юборишга ёки бир зум тин олиб тафаккур қилишга, хаёлингизни олиб қочишга қодир бўлган бирор саҳна, мулоқот ёки изҳор (монолог) борми? Ёинки, мана, пьесани ўқиб чиқдингиз, уни яна бир бор шунчаки, ўзингиз ўқиб чиқишни хоҳлайсизми, шундай ички эҳтиёж борми сизда?

МЕН: Ҳозир йўқ. Лекин маълум бир фурсат ўтиб ўқигим келиб қолар.

У: Ҳозир такрор ўқигингиз келмаяптими, сиз шу билан ҳамма гапни айтиб бўлдингиз. Энди шоирнинг мақсади нима эди деб мен санаган саволларнинг охиригисига тўхталайлик.

Агар асар инсон ҳақидаги, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги шоирона-фалсафий мулоҳазалар деб ўйлайдиган бўлсак, у ҳолда воқеалар, қаҳрамонларининг гаплари, сахна кўринишидан тортиб кийимларгача шу мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим эди. Иккинчи парда, биринчи мажлисда Момо ўзи ўқиб турган китобдаги воқеа ҳақида: «Ҳали у ёғини ўқиганим йўқ, ҳали зиндонда юрибмиз...» – дейди. Ёрқиной ҳам бу сўзни ўз ҳаётига нисбатан беради. Инсоннинг ҳаёти – зиндон. Бу янги фикр бўлмаса-да, асарни шу мулоҳазага қуриш мумкин эди. Аммо Чўлпон бундай қилмаган, чунки бошқа далил ҳам, ишора ҳам йўқ.

Энди фақат ўзимизни мажбурлаб тасаввур қилишимиз мумкин: Ёрқинойнинг атрофидаги ҳаёт – адоват, қасос, мунофиқлик, макр қуртлари ғужғон ўйнаган зиндон, бир четда муҳаббат ва мардликнинг нимжонгина гуллари очилиб турибди, холос. Ўлмас ботирнинг девор билан ўралган боғи ва ҳовлисини ҳам зиндон деб

олайлик, воқеалар ҳам зиндонда кечмоқда. Ёрқиной ва Пўлат ҳам, Хола ва хизматкорлар ҳам, ҳатто Ўлмас Ботирнинг ўзи ҳам шу зиндон ичида. Бундан ташқари, қаҳрамонларнинг ҳар бирининг ичида ўз зиндони мавжуд. Ёрқинойнинг қалбида севги ва эркисизлик зиндони, Пўлатнинг қалбида қасос, кураш зиндони, Ўлмас ботирда оталик ва саркардалик зиндони, Нишобсой бегида очкўзлик, хиёнат, қотиллик зиндони, Калнинг кўнглида қуллик, макр ва ўз жонининг ғамидан иборат зиндон, Момода ёлғизлик ва бечоралик зиндони. Хўш, бу зиндонларнинг калити қаерда: Пўлат ва Ёрқиной ўртасидаги муҳаббатми ёки хоннинг ағдарилишими? Йўқ, моҳиятан...

МЕН: Сиз асар баҳонасида фикрлаш қобилиятингизни бадантарбия қилдираётганга ўхшайсиз. Назаримда, сиз ҳозир пьеса ҳақида гапирмаяпсиз.

У: Ниҳоят. Пьесада чуқур нарсa йўқлигини ўзингиз тасдиқ этияпсиз. Дарҳақиқат, бу – менинг тасаввурим, «Ёрқиной» ҳеч бўлмаганда ана шундай юкни кўтарса эди» деган орзуим.

МЕН: Бу – сизнинг ишингиз. Аммо пьеса кўтарган мавзуси, воқеаларнинг драматиклиги, халқона тили билан Чўлпон ижодининг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади.

У: Ҳа, адабиётшунослар Чўлпон ижоди ҳақида гапирганда «алданган пайтларида шундай пьеса ҳам ёзган эди» деб санаб ўтиб кетишлари керак, холос. Бундан ортиқ эмас.

МЕН: Адашяпсиз, Чўлпон токи ўзбек шоири, адиби сифатида тан олинар экан, ўрганилар экан, «Ёрқиной» ҳам тарғиб-ташвиқ қилинади, сахналаштирилади, таҳлил қилинади, ундан кейинги авлодлар ҳам баҳраманд бўлади. Тўғри, бошқа асарларига нисбатан кучсизроқдир, айрим камчиликлари бордир, лекин сиз айтган-чалик эмас.

У: «Баъзи камчиликларига қарамасдан...» — эски қўшиқ-ку бу. Нега тан олгингиз келмайди, пьеса инқилобга мадҳия сифатидаги вазифасини ўша, яратилган вақтида бажариб бўлган, яъни ўлган, уни айни замонда тарғиб қиладиган, ўрганадиган ҳеч нарсаси йўқ — тирилтириш бекфойда. Адабиёт майдонига бундай асарларнинг келиб-кетиши — табиий ҳодиса. Ё сизни Чўлпон деган номнинг маҳобати босиб турибди, ё адабий жамоатчиликнинг сизни аҳмоққа чиқаришидан, ёмон кўриб қолишидан чўчияпсиз. Адабий жамоатчилик фикри, одатда, асар ҳақида эмас, унинг муаллифи ҳақидаги фикр бўлади. Бу бечора фикр ҳам сифатни ифодаламайди, феъл тарзида майдонга келиб-кетади. Феъл эса, ўзбек

тили грамматикаси қоидаларига асосан, турли замонларда тусланади.

МЕН: Мен-ку ҳеч нарсa билан ҳисоблашаётганим йўқ, ўз фикримни айтяпман, аммо сиз адабий жамоатчилик фикрини билмас экансиз. У денгизга ўхшайди – устида бир оқим бор, остида бир оқим бор, одатда, уларнинг йўналиши тескари бўлади. Сиз назарда тутганингиз – устки оқим. Остки – ҳақиқий оқим матбуотда, мажлисларда, китобларда кўринмайди. У сизу бизникига ўхшаб юзма-юз, яккама-якка суҳбатларда, тор адабий доираларда шитоб билан оқади.

У: Сиз гўё табиий бир адабий жараён ҳақида гапираётгандай хотиржам изоҳ беряпсиз. Ахир бу мунофиқлик, оммавий мунофиқлик эмасми?! Бу остки – тоза оқимингизнинг кимга кераги бор, устки оқим-чи, у ким учун, кимни алдаш учун? Наҳотки, бадий асарга баҳо бериш, дейлик, Чўлпоннинг «Ёрқиной» пьесаси ўртамиёна, вақти ўтган асар эканлигини айтиш яккама-якка суҳбатларнинггина мавзуга айланиши лозим бўлса, бунинг учун устки-пастки оқимлар вужудга келтириш шарт бўлса?! Ё мияларингизнинг табиий фикрлаш жараёни бузилган, ё ўз-ўзига мунофиқлик касалига мубтало бўлгансизлар.

МЕН: Шунчаки мен бор гапни айтдим, аммо сизнинг қандайдир касаллик ҳақидаги кинояли тахминларингизнинг менга дахли йўқ.

У: Ишончим комилки, сиз айтган оқимларда қулоқ очиб сузаётганларнинг ҳар бири шу сўзларни такрорлаган бўларди. Ўз-ўзига мунофиқлик қилаётган кишига бошқалар олдида бу ҳунарни кўрсатиш нима деган гап? Қолаверса, одамзод, айниқса, ижодкор зоти ўзини шундай яхши кўрадики, фикрлаётган сизнинг пастки оқимингизда ҳам, юқори оқимингизда ҳам ўзини ҳақ деб билди, ҳақ деб билмаса-да, ҳақ деб тан олишларини истайди. Уларга гард ҳам юқмаслиги керак. Бунинг устига, бир-бирини ҳам тан олмайди, бу тан олмаслик фақат ижодда бўлса қанийди. Йўқ, улар одамийликда ҳам, ҳалолликда ҳам, доноларча фикр юритиш, адабиёт ҳақида, халқ ҳақида қайғуришу хизмат қилишда ҳам бир-бирини тан олмайди, бу борада бошқалар ундан пастда. Барча қусуру ноқисликлар эса ўзгаларга тегишли. Яна энг даҳшатлиси шундаки, доим «мен тўғри гапиряпман, тўғри фикрлаяпман» деб ўйлайди. Сиз ҳам ҳозир: «Рост, ҳаммаси шунақа», – деб ўйлаяпсиз, фақат ўзингизни қўшмасдан. Пьеса ҳақидаги, пьесанинг умри ҳақидаги қалбингизнинг туб-тубидаги ҳақиқий мулоҳазалар тилингизга чиқмаётганлиги боиси ҳам шунда.

МЕН: Жаноблари ўзларини ҳам шу тоифага мансуб деб ҳисоблайдиларми ёки фақат сиздан бошқалар онадан шундай иллат билан туғилганми?

У: «Душманни ўз қуроли билан янч» деган синалган усулни қўлламоқчимисиз? Бу, албатта, «Адабиётга нима хизмат қилиб қўювдингки, бошқалар ҳақида гапирасан?», «Ўзинг-чи?» қабилидаги даҳанаки жанглاردан орттирган тажрибангиз натижаси бўлса керак. Қизишиб кетиб меҳмонлигимни унутдингиз, шекилли. Баҳсимиз «Ёрқиной»нинг умридан ҳам чўзиладиганга ўхшайди.

МЕН: Бу масалада ҳукм ўқишга шошилмай қўя қолинг. Мана, яқинда уни Ҳамза театри сахнага қўйди. Ана шунинг ўзи ҳам Чўлпон қанча яшаса, унинг пьесаси ҳам шунча яшашидан дарак беради.

У: Спектаклни мен ҳам кўрдим. Аммо у менинг пьеса ҳақидаги фикрларимни заррача ўзгартиргани йўқ.

МЕН: Зал тўла одамлар, ҳар пардадан сўнг янграган гулдурос қарсақлар сизга ҳеч нарсани англабмайдими?

У: О, агар заллар, саройлар тўла одамларнинг олқишлари, гулдурос қарсақлари санъатнинг, адабиётнинг баҳосини, даражасини, қад-

рини белгилаганда эди. Қарсақлар гулдуросидан ҳуркиб осмону фалакка кўтарилган барча санъат асарлари ўша юксакликда қола билганда эди!.. Эътибор берган бўлсангиз, театрдаги қарсақлар Чўлпон деган номга ва артистларнинг маҳорати шарафига бўлди. Асло пьеса учун ёки режиссёрнинг маҳорати учун эмас.

МЕН: Нега сиз ҳар бир нимарсадан айб топишга – тирноқ остидан кир қидириб бўлса-да инкор этишга ҳаракат қиласиз, наздингизда, сиз ўқиган, кўрган, билган ҳамма нарса «бўлмайди». Бу ҳам касаллик эмасми? Ахир Носир Отабоевнинг режиссёрлик маҳорати томошабинлардан тортиб санъат аҳлининг ҳам эътирофига сазовор бўлган.

У: Ҳали айтганимдай, сизлар учун асарнинг ўзи эмас, уни ким ёзганлиги, ким саҳналаштиргани муҳим. Театрда режиссёр – бош ижодкор. Пьеса – режиссёрининг томошабинга ўз сўзини айтиши учун бир восита, холос. Спектаклда мен режиссёрнинг истеъдодини, тафаккур ва хаёлот дунёсини, қолаверса асарга, ҳаётга муносабатини кўрмоғим керак эмасми?! Акс ҳолда, асарни ўқиш кифоя, спектакль қўймоғу уни кўрмоққа на ҳожат? Режиссёр нафақат пьеса ёки ўз обрў-эътибори, балки театрнинг номи, артистларнинг истеъдоди, обрў-эътибори, уму-

ман, спектакль яралишига сарф бўлган меҳнату машаққатлар учун ҳам масъулият сезиши лозим эди. Афсуски, режиссёр ролларни тақсимлашдан бошқа иш қилмаган.

МЕН: Наҳотки, спектаклнинг сизнинг кўнглингизга ўтиришгулик ҳеч бир фазилати, ёруғ жиҳатлари бўлмаса?! Наҳотки, кўзингиз фақат қоронғуликни, нуқсонларинигина кўрса?!

У: Сиз билибми, билмайми мендан ўз қолипигизга тушишни талаб қияпсиз. «...Ёритган, ...яратган, ...таъсирчан, ...ажойиб, фалон, яна фалон. Шу фазилатларни эътироф этган ёки рад этмаган ҳолда баъзи.., айрим.., яна сайқал-талаб фалон, яна фалон жиҳатларини ҳам таъкидлаш жоиз. Лекин, ушбу жузъий камчиликларга қарамай, бу асарнинг саҳналаштирилиши ўзбек театр санъатидаги яна бир фалон, фалон, яна фалон!» – шундай дейишим керакмиди?! Ҳа, гўзалликни, истеъдодни ёки ҳеч бўлмаганда сарфланган меҳнатни мен ҳам кўраман, ҳис қиламан. Артистларнинг ижро маҳоратига ҳеч бир эътирозим йўқ. Лекин бу маҳорат ҳайф кетган. Декорация эса бутунлай бошқа олам. Рассом пьесани ўзича, ўз дунёсидан келиб чиқиб талқин қилган. Назаримда, у Чўлпоннинг тақдири, у яшаган давр, умуман, ўзбек халқининг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги юрагидаги оғриқларни

тасвирлаган. Нишобсой беги хонасининг, Пўлат қароргоҳи – ғорнинг юқори қисмидаги қоронғу рангларга эътибор бердингизми, бу ўтмишнинг, Чўлпон даврининг бизга ноаён пучмоқлари эмасми, бу «Ёрқиной»да айтилмаган, халқнинг кўнглидан тилига чиқаролмаган ҳасратлари ҳалқаси эмасми?! Рассом пьесадаги воқеаларнинг ҳаммасини мана шу қоронғу, дардли ҳалқа ичида кечишга мажбур қилган. Пьесада Пўлат қароргоҳи ғор эмас, ғор ҳам рассом топган рамз – имконсизлик рамзи. Қоп-қоронғу дунёга, ўтмишга нисбатан ғорнинг оғзи нақадар кичик – шу қадар кичик, ожиз умид ҳам бор. Ғорнинг деворларида вақт қотиб қолган. Вақт билан бирга халқнинг, балки, Чўлпоннинг, балки, мусаввирнинг дарду аламлари ҳам, шу юртнинг, деразаси қонли қасрлару минорларнинг, жангу жадалларнинг йўқотилган хотира сингари узук-юлуқ суратлари ҳам ғор деворларига гўё абадий парчинлангандек. Ғорнинг ичини дарду ҳасрат уйган юракка, хиёнат у алдовлар, жабру зулмлар вайрон қилган кўнгил уйига қиёслаш, балки, Чўлпоннинг қалби деб тасаввур қилиш мумкинки, воқеаларнинг ҳам шунинг ичида кечуви ҳайратланарли топилмадир. Рассом топган шакл, ғоясини санъат даражасига кўтарган ва «Ёрқиной»га қайта умр бахш этиш учун сўнг-

ги имкониятни яратган – спектаклнинг вужуди тайёр. Фақат унга режиссёр жон ато этиши лозим эди, у эса рассомни тушунмаган. Шунинг учун англанмаган вужуд томоша охиригача жонсиз қолаверди.

МЕН: Пьесанинг умри ҳақидаги фикрларингизга бир кун келиб уялиб қолмасайдингиз деб қўрқаман.

У: Қўрқманг. Ўзингиз айтгандай, мен адабиёт ва санъатнинг қозиси эмасман. Ҳазрати олийлари – Вақт деган ҳакам бор...

1996

ҒОЙИБДАН ДЎСТ МАКТУБИ

«Патлари лоқайдлик ёмғиридан нам, шумшук муҳаббатингизни қўрқув ва мутелик ботқоғида сўзбозлик ва ҳасад пашшаларига тала-тиб, мудраб ётган халқ узра парвоз қилдирмоқчи бўласиз. Гўё тириклигингиздан нишона бермоқчисиз. Ҳолбуки, жимжитлик. Атрофингизга, одамларнинг юзларига, дўст-душманларингизнинг кўзларига қаранг, нақадар бўшлиқ. Ҳатто сиз бир-бирингизга на дўстсиз, на душман. Тирикларгина бундай шарафга лойиқдир. Вақт карвони судраб бораётган тақдирнинг чириган араваларига ўзингизни ташлаб олгансиз, кўзларингиз хайру садақа хуржунларида. Ва шиллиққуртники каби кечаётган ана шу ҳаётингиз, ўрмалашингиз эвазига илинж сувлари оқаётган оғзингизни очиб мақтов ва далда кутиб атрофга жовдирайсиз. Табиийки, атрофдагиларнинг ҳам сўник нигоҳларида ана шу сўзлар хавотир сиёҳлари-ла битилган. Бу хавотир сиёҳлари

эса дунёдаги энг ирkit буқаламун янглиғ товланади. Ҳар товланишида сизнинг рўзғор халтасига айланиб кетган қалбингиздаги энг сўнги буюмлар акс этади: «Рўзномадаги шеъримни ўқиганми, йўқми? У ҳозир ёзаяптимики?».

Йўқ, жавоб йўқ, бошингиздан аросат булутлари кетмайди, аммо биласизки, у ҳам шу ҳолда, шу булут остида. Ва шу манфур хулосадан кўнглингиз, зағчанинг ошқозони қадар кичрайиб, бужмайиб қолган кўнглингиз тўлади, тўяди. Дунёдаги энг тубан ана шу тўйиш ҳиссидан чарчагансиз, нафақат тўйишдан, атрофингиздагилардан, яхшилик ва ёмонликдан, келажак ва ўтмишдан, адабиёт ва сиёсатдан, турмуш ва дунёдан, ўзингиз ва ҳаётдан чарчагансиз. Зеро, чарчаган одамни ҳар кўйга солса бўлади.

Сизлар ўзингизда ва замонингизда йўқ нарсалар ҳақида тинмай гапирасизлар. Ва ўтмишингиз, бугунингиз ва келажакингизни тақдир ҳукмига ташлаб қўйгансизлар. Сизлар талончилик ва қотиллик билан шуғулланасизлар – боёнингиздан тортиб гадойингизгача. Ўзингизни ҳам талайсиз ва ўлдирасиз – худкушларсиз. Яхшиямки, сизларга Худо қанот ато этмаган. Сизлар хотирадан маҳрум қилинган, энди у ҳақда гапирадиган, аммо эгалик қилиш учун ҳаракат қилмайдиган оломонсиз.

Сиз баъзан бир-бирингизнинг қувватдан жудо, шилимшиқ қўлларингизни такаббуруна сиқишдан ва сафсата варақларини ағдаришдан чарчаган бармоқларингиз-ла қалам тутасиз. Ва қоғозга тушадиган сўзингиз йўқлигидан ўргимчак тўрлари янглиғ томирларингизда изтироб ва алам қуртлари югура бошлайди. О, шунда сиз ўлжасини олдирган йиртқич мисол фикрингизнинг хира кўзлари-ла чор атрофга олазарак боқиб гуноҳкорни излайсиз. Алғовдалғов ва ижод аҳли қадрига етмайдиган замон, каму кўсти бутмайдиган ва сизни кунора бозор расталари аро эмеклатадиган рўзғор, ҳар қандай ҳою ҳавасни туғилмасиданоқ ўлимга маҳкум этадиган маош – ҳамма-ҳаммаси беимкон қасос ва ғазаб тугунига айланиб, тафаккурингизнинг изсиз торликларида баҳайбат қабр шаклини олади ва уни умидсизлик хазонлари қоплайди. Қоғоз ҳамон оппоқ. Узундан-узоқ оппоқ сукунатдан сўнг кўксингиздан «Ё Худо» деган ҳайқириқ – йўқ, сиз ҳайқира олмайсиз, ҳайқириқни гўдаклигингиздаёқ унутиб юборгансиз – нолиш отилиб чиқади. Дарвоқе, Худо. Ўзингиз топинишингизни ҳам, топинмаслигингизни ҳам яхши билмайдиган, барча нарсаларнинг яратувчиси, эгаси ва ҳукмдори номини даъфатан эслаганингиз туфайли кўксингизда-

ги, бўғзингиздаги, кўзингиздаги алам тошларининг ичи бўшаб қолгандай, худбинлик балчиғила безанган ношудлигингиз ва ожизлигингизни оқловчи важ-корсон топилгандай ювош тортасиз ва фурсат дарёси айлантираётган тақдирингиз чархпалагидаги дарз кетган косалардан ҳовучингизга, кўнглингизга, шууру фикрингизга ва охир-оқибат қоғозингизга ҳеч нарса тушмаётганлигини Яратганнинг ишига ҳавола қилиб юпанасиз, шу лоқайд ва дангаса фикрингиз фарзанди – юпанчингизнинг тамшанган лабларига нимадир томизмоқ учун ортингизга қарайсиз.

Ортада эса битта-иккита, балки, ўнта-йигирмата биров ўқигани ҳам, ўқимагани ҳам номаълум китоб – балки, китобчалар, рўзномаларнинг яланғоч танини ёпиш учун ишлатилган олақуроқлар ичидаги, балки, бурчидаги сизга тегишли сарғайган лахтак, ойномалардаги сизнинг хаёлчан ва доно кўзларингизни ҳамда нотанти дунёга, сизни тушунмаётган халқингизга ва етолмаган ёрингизга айтган сўзларингизни бозорга солган саҳифалар. Мана, улғаяётган юпанчингиз учун энг тансиқ таомлар: фалон маъракадаги маъруза, фалон ёзувчи, шоир, фалон фан ҳамширалари ва дўхтирларининг «улкан ютуқлар, шунга қарамай, айрим жузъий кам-

чиликлар» ҳақидаги илимилиқ мақолаларининг қарийб ҳар саҳифасида такрорланувчи «бугунги адабиётдаги забардаст ва умидли ижодкорлар»нинг рўйхатларида сизнинг ҳам номингиз. Ва ютоққан юпанчингиз ҳалқумига тикаётган катталиги вужудингиз қадар мулоҳазалар: бу рўйхат сизнинг номингиз билан бошланибди – лаҳза олдин томирингизда югурган изтироб ва алам қуртларини ямлаган табассум лабларингиз атрофида илон изи ясаб ўрмалайди, мана бу рўйхатнинг ўртасида эсга олинибсиз, биринчи, иккинчи кимларнинг номи – табассумингиз кўнгил ботқоғидаги ҳасад қамишлари орасига ўзини уради, ушбу рўйхатда эса исмингиз саноқнинг сўнгида – рўйхат аввалидаги исму шарифларни такаббур нигоҳингиз ожиз, қанотсиз ҳашаротлар янглиғ супуриб ташлайди ва мақола муаллифини излайди – мулойим табассум, мулойим кўзлар, мулойим сўз ва мулойим қўллари ила машҳур «...шунос» ёхуд китобхўр дўстингиз ёки жўжахўроз олим қалқиб чиқади – аҳмоқ, адабиётни тушунармиди, навбатдаги рўйхатда умуман йўқсиз – ушбу ҳақорат – албатта сиз бунга ҳақорат деб қабул қиласиз – аллақачон ўлиб кетган ориятингиз қабрини безовта қилади ва ҳаёлингизнинг рангпар қўлчалари мушт бўлиб тугилади – неларга қодирлигимни

ҳали буларга кўрсатаман. Беихтиёр ўз шеърингизни ўқий бошлайсиз – сўнг бошқаларникига кўз ташлайсиз – бу ҳол курашадиганлар олишув олдидан ўзи ва рақибининг мушакларини фикран чоғиштиргани каби табиийдир – аммо бир замонлардаги азобли ва ширин туйғуларнинг мевалари бўлмиш ушбу сатрларнинг ҳаммаси нега бу қадар кўримсиз, нурсиз, ибтидоий ва кераксиз? Кераксиз – ниҳоят, сиз ҳақиқатни англайсиз ва ҳозиргина эълон қилган аҳдингиз, изтироб бағишлаган қувват билан бирга нафақат эртангизга, балки ўтмишингизга бўлган ишонч ҳам сизни тарк этади ва ўрнини даҳшатли қўрқув эгаллайди – кераксизлик. Аммо бу ҳали тириклик белгиси бўлмаса ҳам, сиз нафас оляпсиз, атрофингизда ёзганлари сизникидан фарқ қилмайдиганлар гуррас-гуррас адабиёт майдонига кириб, гуррас-гуррас чиқиб кетишмоқда. Жон аччиғида сиз ҳам гўё тириклигингиздан нишона бермоқчисиз. Патлари лоқайдлик ёмғиридан нам, шумшук муҳаббатингизни қўрқув ва мутелик ботқоғида юрагини сўзбозлик ва ҳасад пашшаларига талатиб ётган халқ узра парвоз қилдирмоқчи бўласиз».

АДАБИЁТ + ШАФҚАТСИЗЛИК = ?

...МЕН: Нега сиз фикрларингизни фақат қора ёки оқ рангда изҳор қиласиз, қаттиқ, диалог сўзларни қўллайсиз? Дунёда ҳеч нарса, ҳатто инсон, унинг тафаккури ҳам мукамал эмас. Шундай экан, у яратган асарлар ҳам – ҳоҳ сураат, ҳоҳ адабиёт, ҳоҳ иншоот, ҳоҳ компьютер бўлсин – такомилга муҳтождир. Тўғри, биз уларга мукамаллик ўлчови билан қараймиз, тасаввуримиздаги олий даражани талаб қиламиз, қониқмаймиз. Аммо бу бизнинг бир-биримизга шафқатсиз бўлишимизни талаб қилмайди-ку! Мулоҳазаларни ётиғи билан, асарни ҳам, муаллифни ҳам, ўзингизни ҳам авайлаб, севиб айтса бўлади-ку. Шафқатсизлик қилган ишни меҳр-муҳаббат ҳам қила олади.

У: Сизларни тушунолмай қолдим. Ҳовлингиздаги дарахтнинг тарвақайлаган шохларини шафқатсизлик билан кесиб ташлайсизлар, эккан гулларингиз зич униб чиқса, меҳру мурувват ҳа-

қида ўйлаб ўтирмасдан нимжонларини илдизи билан юлиб ташлайсизлар, биров чўнтагингизга тушса, ётиғи билан гапириш эсингизга келмай, уни жазолайсизлар, севганингиз хиёнат қилса, уни авайлашни ўйламай воз кечасизлар ёки қасд олмоқ пайида бўласизлар. Нега ўзингизни ўша дарахт ёки гул ўрнига қўйиб кўрмайсиз, нега ўша ўғрининг дунёқарашидан, ёрингизнинг ҳою ҳавасидан келиб чиқмайсиз ёки номукамаллик дея ўзингизга тасалли бермайсиз? Чунки бу ҳодисотларнинг ҳаммаси Сизга тегишли: тарвақайлаган шохлар Сиз оладиган ҳосилни камайтиради, ортиқча гуллар Сизнинг бошқа гулларингизни ўсгани қўймайди, ўғри Сизнинг ҳамёнингизни олади, бевафо ёр эса Сизнинг муҳаббатингизни, орзуларингизни, ориятингизни оёқости қилади. Ва буларнинг ҳаммасини Сиз ўзингизга нисбатан тажовуз деб қабул қиласиз, шафқат қилмайсиз. Адабиёт ва санъатда ўртамиёна, истеъдодсизлик билан яратилган асарларни бурнингизга тикиштираётганлар халқнинг савиясини ўтмаслаштиришга хизмат қилмаяптими, минглаб, милёнлаб одамларнинг вақтини ўғирламаяптими, уларни алдамаяптими, адабиётга, санъатга, эндигина туғилаётган истеъдодларга хиёнат қилмаяптими?! Буларнинг ҳеч бири Шахсан Сизники эмас – ҳамманики

– умумий тушунчалар, шундай эмасми? Сизнинг уларга файласуфона, осмону фалакда туриб, фикрларингизни номукаммаллик тарозисида ўлчаб, авайлаб, ётиғи билан изҳор қилишингизнинг асосий сабаби шу эмасми? Устига-устак, улар Сизни ёмон кўриб қолишларидан, эртага сўз бермасликларидан, чоп этмасликларидан қўрқасиз ва секин-аста ўшаларнинг бирига айланиб қоласиз. Сиз ҳозир мулоҳаза қиляпсиз, ҳеч бўлмаганда уларнинг инсон сифатида қадру қимматини сақлашни мендан талаб этияпсиз. Улар эса мулоҳаза қилмайдилар, бошқа гулларга қасдма-қасд униб чиқмагани каби, ҳамёнга қўл чўзган ўғри чўнтагингиздаги пулни қандай топилганини мулоҳаза қилмагани каби...

МЕН: Сиз ҳаётнинг, адабиётнинг табиий оқимига қарши чиқмоқчи бўляпсиз. Ҳозиргина ўзингиз адабиётга вақтинчалик асарлар келиб-кетуви мумкинлиги ҳақида гапирдингиз. Худди шунингдек, турли савиядаги, турли даражадаги асарлар яратилаверади – адабиёт шуниси билан гўзал. Сен яхши ёзолмайсан деб ёки фалон асарни мақтаманглар, савияни пасайтиради деб ҳаммага айтиб чиқиб ҳам бўлмайди-ку. Бунинг фойдаси ҳам йўқ.

У: Бор. Бозорда бир тўда одам жезни олтин деб сотаётган бўлса ва билган одам буни айт-

май жим тураверса, алданаётганларнинг гуноҳига қолади. Агар: «Эй халойиқ, ҳушёр бўлинг, бу олтин эмас, жез», – десангиз, нима бўлади?

МЕН: Албатта, ўша жез сотувчилар Сизни уриб парча-парча қилиб ташлашади.

У: Ҳа, Сизлар худди шундан қўрқасизлар. Улар Сизни парчалаб ташлашса-да, энди жезни олтин деб сотишолмайди. Тамом, алдов бозори тугайди, сиз ғалаба қиласиз. Афсуски, бу ғалабанинг Сизга кераги йўқ. Халқнинг бадиий савияси, адабиёт манфаати деб ўзингизни қурбон қилиш, яъни ўша сохтакорларнинг таъна-маломатига қолиш, ғийбатларга нишон бўлишнинг нима кераги бор-а? Аслида, Сиз ўзингизни эмас, қўрқувингизни қурбон қиласиз. Шафқат кутмай, озгина шафқатсизлик қилинса бас, гўё синиқчи каби.

МЕН: Йўқ, адашяпсиз. Адабиёт ва санъат муҳаббат ва эзгуликдан, гўзаллик ва нурдан дунёга келади, асло нафрат ва ёвузликдан, жаҳолат ва зулматдан эмас. Агар шундай бўлганда эди, унинг яратувчиларига нисбатан шафқатсизлик қилиш мумкин эди. Ижодкор зотининг ўзи кўнгли ярим, меҳру мурувват ва бир оғиз ширин сўз гадоси, бола сингари ишонувчан ва ҳимояга муҳтож.

У: О, шундай доғулилари борки...

МЕН: Йўқ, йўқ, Сиз айтаётганлар ҳам зоҳиран доғули кўринса-да, ботинига назар ташласангиз – вайрона. Уларга шафқатсизлик қилишнинг ҳожати йўқ. Умуман, ижодкор аҳлидан кўра ёлғизроқ мавжудот дунёда йўқ. На дўст, на ота-она, на фарзанд, на шону шуҳрат – ҳеч бири уни бу ёлғизликдан қутқара олмайди, Унинг бу дунёдан, атрофдагилардан ёлғизгина илтижоси бор – уни тинч қўйишса бас, ёлғизлигига бостириб киришмаса бўлгани.

У: Демак, ҳеч кимнинг кўнгил тинчини бузишнинг ҳожати йўқ? Адабиёт, санъатнинг такомили, маънавият мукаммаллашуви учун курашмаслик керак?..

МЕН: Менга қаранг, нега энди албатта тинимсиз курашиш, қурбонлик келтириш лозим деб ўйлайсиз? Ўз-ўзингизча, ўз дунёингизча, ўз хаёлларингизга ғарқ бўлиб ҳам яшаш мумкин-ку! Ўзингизга ёққан нарсани ўқинг, завқланинг, ёқмаганига қўл силтанг, балки, ундан ҳам кимдир ўзича завқланар. Ҳаммани атиргул ҳидлашга мажбур қилолмайсиз-ку, балки, кимнингдир гул ҳидлаш ўрнига ошқовоқ егиси келар. Ахир жангу жадалсиз, кимгадир ниманидир исботламасдан, ниманидир рад этмасдан ҳам яшаш мумкин-ку. Умр эса ўлчовли, уни ўзимизга ўхшаш одамлар яратган асарларни бўла-

ди-бўлмайди, тўғри-нотўғри, баланд-паст деб ўтиришга сарфлашнинг нима кераги бор?!

У: Хўш, Сизнингча, умрни нимага сарфламоқ керак, ёққанини ўқиб, ёқмаганини ўқимаслик-ками? Худбинликнинг ҳам чеки бўлади. Агар одамзод пайдо бўлганидан бери Сизнинг ақидаларингизга амал қилганида борми, аллақачон бир-бирини еб битирган бўларди. Аввал кучлилар кучсизларни ёки айёрлар соддаларни, сўнгра бир-бирларини. Инсонлар шундай гумроҳ яратилганки, унинг кимлигини ҳар замон ўзига эслатиб турмасангиз, ўзига жуда ортиқча баҳо бериб юборади. Айниқса, истеъдодсиз, сурбетлар сувга тушган балиқдай яйраб қолишади. Ахир энг истеъдодли шоирнинг ҳам китоби чиқяпти, уники ҳам. Баъзан ҳеч ким, ҳеч нарса демаса, турли ёзувчи-шоирлар кўпайиб, вақти билан сараги саракка, пучаги пучакка чиқади, адабиёт ривожланиб кетади дейишади. Марҳамат, беш-олти йил олдин ошкоралик эълон қилинди. Нима бўлди? Ошкоралик адабиётнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини йўққа чиқарди. Адабиётга нисбатан бўлган эҳтиром, қизиқиш, муқаддас туйғулар ўлди. Озод сўз тақиқи, таъқиби, бир томондан, адабиётнинг ривожига куч берарди, янги-янги шоирлар, ёзувчиларни ана шу тақиқланган

сирли сўз юзага чиқарар, жамлар, ўқувчиларни эса интиптирарди. Сўз эркинлиги берилгандан сўнг адабиёт гуркираб кетмади-ку. Тақиқсиз адабиётнинг озод майдонида қолаётганлар кўпми? Қани янги оқим ва тўлқинлар? Мен ҳақиқий истеъдодлар ҳақида гапиряпман. Бемаза қовуннинг уруғи эса кўп. Сўз тақиқи билан бирга ҳақиқий санъат мезонлари ҳам бекор қилинмаганди-ку!

МЕН: Бу давр ўтади. Ҳақиқий адабиёт энди бўлади. Энди шоир-ёзувчилар ғояларга, қарашларга эмас, инсонга, ўз-ўзига нигоҳини қаратадиган вақтлар келмоқда. Тоталитар тузум ҳадиксирайдиган, ўзи маҳбус, ўзи назоратчи шоир-ёзувчиларни яратди. 70 йил ичида бузилган қонни бир кунда янгилаб бўлмайди. Энди бошқа авлод келади.

У: Хўш, 70 йиллик ғоявий чорчўплар ўрнига энди нима келяпти? Бозор иқтисодими? Шоир-ёзувчи энди адабиётда ишбилармон бўлмоғи лозим. Биринчи навбатда ўқувчиларга руҳ ва завқ беришни эмас, иқтисод ва китоб чиқариш, уни сотишни ўйлаш лозим, санъат эмас, санаш биринчи ўринга чиқади. Сизга ўхшаган ўзига маъқулини ўқийдиганлар учун «маъқул» китоб чиқмай қолади.

МЕН: Бу ёзилмайди дегани эмас-ку.

У: Ким ёзади? Сиз айтган «бошқа авлод»ми? Бу авлодни оғзидан ишбилармонлик, ҳисоб-китоб ўтларини пуркаб келаётган шафқатсиз замона аждаҳо янглиғ ютиб юборади. Одамлар қалб билан эмас, қорин билан яшай бошляпти. Сезяпсизми? Кимлардир ёзди ҳам дейлик, чоп этиладими у? «Бошқа авлод» қанақа китобларни ўқиб «бошқа авлод» бўлади? Адабиёт деганда у нимани тасаввур қиладиган бўлади? Умуман, ўқирмикан, ўқишга вақти бўлармикан, эҳтиёж сезармикан?..

МЕН: Аввал қорин тўқ бўлиши керак. Бу ғам йўқолгандан кейин дунё ҳақида, қалб ҳақида ўйлайди одам. Қориннинг дод-войи, шовқини тингач, туйғулар овозига қулоқ тутилади. Ҳозир биринчи масала ҳал бўлмоқда. Дунё адабиёти хазинасига ўлмас асарлар бераётган халқларнинг деярли ҳаммаси сиз айтган шафқатсиз ҳисоб-китоб тузумида яшамоқда. У ерда ёзишяпти, чоп ҳам этишяпти, ўқишяпти ҳам. Янги-янги авлодларни «ишбилармон» аждаҳо ютиб юбораётгани йўқ. Қолаверса Навоий, Бобур, Пушкин, Л.Толстойлар ҳам авваламбор қорни тўқ бўлгани учун ўз даражасига эришдилар. Ёки бугунги кунда Нобель мукофоти олаётганларнинг қайси бири қорин ташвиши билан юрибди?!

У: Фикрлаётганда ҳам киши кўрпага қараб оёқ узатиши керак. Сиз таланган, алданган, дунё адабиёти нари турсин, ўз тарихи ва санъатидан ҳам узиб қўйилган ўз халқингизга қаранг. Бир ҳамла билан бу халқ кишилиқ маънавий тараққиётининг ибтидоий даврига улоқтириб ташланди. У ҳозир қайси дарахтнинг меваси ширин, бу мевани тош билан уриб туширсамми ёки чиқиб узиб тушсамми, қайси ўсимлик илдизини кавлаб есам ўлиб қолмайман деб ўйлаб турибди. Кўзи эса эгнида – шитоб билан кетаётган вақт кийдириб қўйган либоснинг ялтироқ безакларида – техника, технология, электроника, бизнес. Бу маҳлиёлик унинг маънавиятнинг ибтидоий даврида абадий қолиб кетишига сабаб бўлмасайди. Ҳақиқий санъат санъатнинг фаҳмига етадиган жамиятдагина тараққий этади, кадр топади. Ҳатто санъаткорнинг, Сиз айтгандай, қорнини ҳам тўйдиради.

МЕН: Сизнингча, юксак адабиёт яратиш учун, халқда юксак дид ва савияни шакллантириш учун адабиётни жанг майдонига айлантиришимиз, сен ёмон, сен яхши деб қирпичоқ бўлишимиз, бир-биримизни камситишимиз, таҳқирлашимиз, масхара қилишимиз керакми? Булар адабиёт даражасини юксалтиришга хизмат қилмаса керак?!

У: Сиз ҳам ана шу гапларингиз билан маънавиятнинг ибтидоий даражасида турганлигингизни исботлаяпсиз. Фикрлар, қарашлар, туйғулар жангини ижодкорлар ўртасидаги жанг деб қабул қиляпсиз. Ана шу қарашдан воз кечмас экансиз, бирорта янгича асар дунёга келмайди.

МЕН: Бунга ақлимиз етади. Халқнинг диди ҳам, маънавият дунёси ҳам сиз айтган даражада эмас. Пастга тушиб кетишга йўл қўймайдиган пойдеворлари, қуриб қолишдан асрайдиган бақувват илдизлари бор – Кошғарий, Беруний, Ибн Сино...

У: Лутфий, Навоий, Бобур... рўйхатни давом эттираверинг. Яхшиямки, дунё кеча бошланмаган, тарихингизда шундай алломалар ўтган экан. Шоирингиздан тортиб олимингизгача ўз билимсизлигини, маънавий қашшоқлигини шу рўйхат билан яшироқчи бўлади. Ўтмишингиз, бугун ва келажагингиз ҳам шу рўйхатми, наҳотки, шу номларнигина санаш билан абадулбад яшамоқчисизлар?! Сиз ўзингиз ва эртангиз учун жавоб беринг. Ўша номларга даъвогарлик қилаётган халқингиздан неча киши уларни ўқиган ва қай даражада билади? Адашмасам, маънавий дунёмиз ўшаларнинг асарлари, кашфиётлари билан суғорилган демоқчисиз, са-

виянгиз даражасини ўша чўққилар билан бўй-
лаб кўрсатмоқчисиз. Одамзод ўзида йўқ нарса
ҳақида кўпроқ гапирди: ўғри тўғрилиқ ҳақида,
виждонсиз виждон ҳақида, камбағал пул ҳақи-
да, севмаган одам муҳаббат ҳақида, нодон до-
нолик ҳақида, жоҳил эзгулик ҳақида...

МЕН: Сиз шунчалар оқилу доно экансиз, биз,
гумроҳ, нодон, мақтанчоқ бандалар, нима қи-
лайлик, йўл кўрсатинг.

У: Киноя – гарчи рақибни мулзам қилиб че-
кинишга ёки ғазаблантириб ақлини шошириб
қўйишга мўлжалланган бўлса-да – енгилиш
белгиси. Нима қилмоқ керак? Бу савол Одам
Ато жаннатдан қувилгандан буён яшаб келяп-
ти. Модомики, дардингиз сўз, адабиёт экан, да-
воси ҳам ўзида – сўз, фақат рост сўз...

1993

ЗИНАДАГИ СУҲБАТ

Адабиётнинг ривожланишига, унга янги тўлқинлар кириб келишига роман ва ҳикоялар ёзмасдан, том-том илмий китоблар чиқармасдан ҳам ўз улушини қўша оладиган кишилар ҳам бор. 70-, 80-, 90-йилларда ТошДУнинг журналистика ва филология факультетларида таҳсил олган талабалар чет эл адабиёти ўқитувчиси, филология фанлари доктори, марҳум Талъат Солиҳовни умрбод ёддан чиқармасалар керак. Домла талабаларни Ғарб ва Шарқ адабиётининг сеҳрли дунёсига олиб кирар экан уларни соф санъат нуқтаи назаридан фикрлашга, мушоҳада қилишга ўргатарди. «Талъат ака кўп тилларни билади, Ғарб адабиётини фақат оригиналда ўқийди», – деб эшитганмиз. Аммо домла тил билишини намоиш қилмасди. Лекин шўро тузуми дастурларга киритмаган муаллифлар, асарлар, турли адабий оқимлар ҳақида у кишидан тўлиқ маълумот олганмиз. Ўша талабалар орасидан

етишиб чиққан кўплаб ёзувчи ва шоирлар ўзбек адабиётига янгича йўналишлар, услуб ва тасвир воситаларини олиб кирдилар, энг асосийси, сиёсий адабиётдан ҳақиқий адабиёт сари катта бурилиш ясадилар. Бу муваффақиятларда уларга янги дунё дарчасини очиб берган Талъат аканинг хизматларини ҳам кўраман.

Талъат ака ниҳоятда камтар, оддий ва самимий киши эдилар. Доимий ўсиқ сочлар, гардиши қалин кўзойнак, хаёл, дард ва меҳр қоришиқ нигоҳ, жиддий ва хотиржам қиёфа. Биз бу суратни чет эл адабиётининг тирик қомуси сурати сифатида қабул қилган, кўникиб қолган эдик. Талъат аканинг ҳеч қачон ортиқча фурсати бўлмас, вақтни жуда қадрлар эдилар. Шунинг учун танаффуслардан, Талъат аканинг ишга келиши ва кетишидаги ҳамроҳликлардан талабалар унумли фойдаланишар: тинимсиз саволлар беришар, ўқиган китоблари, эшитган ёзувчилари ҳақида фикрини сўрашар, ўз мулоҳаза ва хулосаларини тасдиқлатиб олишга ошиқишарди.

Бир куни мен Талъат аканинг дарсдан чиқшини кутиб турдим. Домла коридорга чиққач, бир-иккита саволим борлигини айтдим. «Тўртинчи қаватда лекциям бор (биз биринчи қаватда эдик), чиққунча суҳбатлашиб кетамиз, қол-

са, янаги сафар», – дедилар. Домла зиналарда тўхтаб-тўхтаб жавоб берар, тинимсиз келиб саломлашувчилардан суҳбат узилиб қолар, сўнг яна мавзуга қайтардилар. Мана ўша тугалланмай қолган суҳбат:

– Таржимага муносабатингиз?

– Мен таржимага бироз негативроқ қарайман. Бир ёзувчи ёки шоирни иккинчи тилдаги эквивалент сифатида ҳеч қачон яратиб бўлмайди. Лекин, шунга қарамай, таржима керак. Таржимада ёзувчининг услубини, сўз санъатини бериб бўлмайди, ёзувчининг руҳини ҳам, қаҳрамоннинг руҳини ҳам бериб бўлмайди, фақат бир нарсa – фикрни бериш мумкин.

– Маълумки, Ғарб тилларидан ўзбек тилига ағдариш йўқ ҳисоби. Шу ишни кенг кўламда амалга ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак деб ҳисоблайсиз?

– Бу иш учун Москвадаги Адабиёт институтида курс ташкил қилинди. Аммо бу етмайди. Ҳозир таржима қилаётганларнинг тил билганида талант йўқ, талантлилари тил билмайди. Шеър таржима қилиш учун албатта шоир бўлиш шарт, шеър ёзадиган шоир эмас, табиатан шоир, прозани таржима қилувчида ҳам адиблик хусусиятлари бўлиши керак. Шундай одамларни йиғиш, тил ўргатиш керак. Бу иш билан Ёзув-

чилар уюшмаси шуғуллана олмаслиги мумкин, чунки ташкилий ишлар кўп. Бирор редакция ёки нашриёт ўз зиммасига олса бўлади. Уюшма ёки тўғараклар сифатида демоқчиман. Фақат бир киши эмас, кўпчилик шуғулланиши лозим. Энг аввал ўзбек тилидан рус тилига ағдариш ишини ҳал қилиш керак. Ҳозир ўзбек адабиёти рус тили орқалигина жаҳон аренасига чиқа олади. Энг яхши китобларимиз, дунёда шуҳрат қозонаётган кўпгина асарлардан ҳам зўр асарларимиз таржима йўқлиги учун ўзимизда қолиб кетмоқда.

– Тагламадан ўгириш керакли ишми? Нима учун?

– Ўзбек тилидан рус тилига ағдарилган деярли ҳамма асарлар тагламадан қилинган. Имкони бўлса, ҳеч қачон тагламадан таржима қилмаслик керак, фақат аслидан. Масалан, Бертельс ўз ишларида бирор марта таржимага мурожаат қилмаган, фақат оригиналдан фойдаланган. Таглама масаласига қайтсак, бу – жумлалар эмас, сўзлар таржимаси. Таглама қилаётган одам кўпроқ жисмоний меҳнат қилади. Ҳозир шундан бошқа имкон йўқ экан, таржимонга ҳам, таглама қилувчига ҳам бир хил жавобгарлик юклаш керак. Бир хил ҳақ тўлаш керак. Шундагина таржимага жиддий ёндашади. Бугунги ўз-

бек адабиётининг, ҳатто Ғафур Ғуломнинг ҳам русча таржимаси йўқ деса бўлади.

Ғ.Ғуломнинг:

*Зур карвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш, –*

сатрларининг ўзи тўрт қатор билан, шу банд эса саккиз қаторда ағдарилган. Ўзбек адабиётидан русчага яхши таржима қилинган ягона асар Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асари. Сабаби, таржимон Константин Симонов таржимадан сўнг А.Қаҳҳор билан бирга ўтириб қайта ишлаган. А.Ориповнинг ҳам бирорта шеъри русчага дуруст ағдарилмаган. Файнбергнинг таржималари яхши дейишяпти. Йўқ, ўша таржималарда ҳам аслидан юз, эллик барабар йўқотиш бор.

– Бугунги ўзбек театрининг лангар ташлаб қолганига сабаб қилиб драматурглар артистларнинг маҳоратини, артистлар драматургларнинг яхши пьеса ёзмаётганлигини кўрсатишди. Сизнинг фикрингиз...

– Айб драматургияда. Чунки театрнинг асоси драма-ку. Театр драматургиядан олдин пайдо бўлган дейдиганлар хато қилади. Ҳозир М.Бобоев, Ш.Бошбеков, А.Иброҳимовлар драма

ёзишяпти. Маълум мазмуни бўлса ҳам, савияси жуда ибтидоий. Бизда ҳам катта драматургия пайдо бўлаётган эди, 30-йилларда. У драматурглар пойдевор, асос қуришди. Шундан кейин иш тўхтаб қолди. Пойдевор пойдеворлигича қолиб кетди. Томошабин бугунги театрга кирамай қўйди. Унинг бефойдалигини англаб етди. Томошабиннинг талаби ўсган, қандай бўлишини билмаса ҳам, театр бошқача бўлиши керак деган фикрга келди. Драматурглар эса буни ҳалиям англагани йўқ...

– Шу кунларда ўзбек тилига таржима қилиниши кечиктириб бўлмайдиган иш деб Ғарб адабиётидан қайси асарларни кўрсатар эдингиз?

– Биринчи ўринда Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Юз йил ёлғизликда» романини таржима қилиш керак. Кейин Фолкнердан битта китоб ва Томас Маннинг «Доктор Фаустус»ини таржима қилиш лозим. Ўзбек китобхони учун булар жуда зарур.

– Н.Ҳикматнинг «Бир севги афсонаси» пьесасининг ўзбекча таржимасига қандай баҳо берасиз?

– Ғофур Ғулом «Бир севги афсонаси»ни яхши ўгирган. Туркчасига яқинлашиб келган. Учрайдиган хатоларнинг сабаби эса русчадан таржима қилинганида.

– Н.Ҳикмат шу пьесасида сўфизм тариқатини қайта ишлаган деган фикрга қандай қарайсиз?

– Сўфизм бор, қайси маънода, пьесадаги дарвиш образи мисол. Ўша пайтда сўфизм халқнинг онгига, қонига сингиб қолган эди. Н.Ҳикмат шуни кўрсатган, ўз қарашларини қарши қўйган.

– Н.Ҳикматнинг «Унутилган одам», «Бош чаноғи» пьесаларида яккаланган одам проблема-сига ёндашиш ҳақида гапириб берсангиз.

– Яккаланган одам жаҳоннинг бир қанча ёзувчилари қаторида Нозим Ҳикматда ҳам бор. Ўша «Бир севги афсонаси»да ҳам, «Инсон манзаралари»да ҳам яккаланиш. Сиз айтган пьесаларда ҳам, ҳатто ҳар бир шеърида бор. Пичоқ қадалган ўн беш жароҳат ҳақидаги шеър ҳам яккаланиш.

– Бертольд Брехт ва Нозим Ҳикмат драматургиясининг қандай ўхшаш томонлари бор?

– Уларнинг ўхшаши, бир томондан, «Таврот»дан ижодий фойдаланишда бўлса, асосийси эпик театр яратиш борасидаги ўхшашлик эди. Брехт томошабин қаршисидаги саҳнани, манзарани кенгайтирмоқчи бўлди, эпик театр яратмоқчи бўлди. Назарий жиҳатдан ишлаб чиқди, қисман амалга ҳам оширди. Б.Брехт, Н.Ҳикмат, улар бирга ишлашган, бир мақсад учун, бир-

бирларидан хабардор бўлишган. Н.Ҳикмат драматургиясида эпик театр яратишга уриниш бор. Умуман, Нозим Ҳикмат – мураккаб ёзувчи, буюк шоир. Уни ҳатто туркларнинг ўзи ҳам тўла тушуниб етишгани йўқ. Унинг томонлари қанча ўрганиб борилаверса, шунча ўрганилмаган қирраси топилаверади...

– Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида воқеа бўлган асар...

– Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Гала-тепага қайтиш» романи. Кейинги қиссаси «Истеъфо». Иккаласи ўзбек адабиётида янгилик...

1984

КЎРСАТ ЖАМОЛИНГ МАСТОНАЛАРГА

(Машраб муҳаббат лирикаси ҳақида
айрим қайдлар)

Мақсуд Шайхзода ёзган эди: «Шарқдаги ўнлаб мамлакатларнинг шеърят тарихи тадқиқ этилса, текширувчи бу халқларнинг шеърӣ ижодида ғазал деган турнинг асосий ўрин ўйнаганига қойил қолади».

Дарҳақиқат. Машраб девонининг ҳам учдан икки қисмини ғазаллар ташкил этиши бежиз эмас. Энди мана шу ғазалларнинг ғоявий йўналишига тўхталиб ўтамиз.

Доктор Эҳсонӣёр Шотир ғазалларни уч қисмга бўлади. Унинг тақсимоти шундай: 1) Ошиқона ғазаллар. 2) Орифона ғазаллар. 3) Қаландарона ғазаллар.

Ошиқона ғазалларга ошиқ ва маъшук, орифона ғазалларга ваҳдат ва вужуд (Тангри ва инсон), қаландарона ғазалларга май ва дарвеш муносабатлари асос қилиб олинади. Уларнинг

барчасини умумий мавзу – ишқ бирлаштириб туради.

Машраб ғазаллари кўздан кечирилса, ҳар учала турга ҳам кўплаб мисоллар топилади. Асосий қисмини ошиқона ғазаллар ташкил этади. Шулардан энг гўзали ва эшитган кишининг юрагига муҳрланиб қоладигани «Ўртар» радифли ғазалидир:

*Агар ошиқлиғим айтсам,
 куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам,
 тақи ул хонумон ўртар.
Кишиға ишқ ўтидин заррае етса,
 бўлур гирён,
Бўлиб бесабру бетоқат,
 юрак-бағри чунон ўртар.*

Ёки мана бу байтларини олайлик:

*Сени Лайли раънодек
 ажойиб дилрабо дерлар,
Мени Мажнуни шайдодек
 кўйингда бир гадо дерлар.
Кеча-кундуз эшигингда
 фиғону нолалар қилсам
Ки, ҳарчандки наво қилсам,
 ҳанузам бенаво дерлар.*

Кўряпмизки, бу турнинг ўзига хос хусусияти маъшуқанинг жабру жафосидан шикоят қилиш билан бирга унинг ҳусну жамолини мадҳ этиш экан. Бундан ташқари, ўз даврида ҳам илоҳий, ҳам дунёвий севгини куйлагани ҳам шоирнинг алоҳида хизматидир.

Қаландарона ғазалларида эса Машраб ўзининг дунёвий ўй-фикрларини ҳам сингдириб юборишга ҳаракат қилади. Масалан, очикдан-очиқ қаландарликка даъват қилувчи ғазалларидан олайлик:

*Муродингга етай десанг,
қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг,
қаландар бўл, қаландар бўл.
Оғиздан куфр сочай десанг,
шароби даҳр ичай десанг,
Ёмонлардан қочай десанг,
қаландар бўл, қаландар бўл.*

«XV асрдаги қаландарона ғазалларнинг асосий куйлари, дарвешлик (риндлик) ва мастликни мақташ, зоҳид ва сўфилар устидан кулиш, майхона, бода ва соқийни улуғлаш, дунёни бир жом шаробга сотиш, тавбани бузмоқ, тўнни (жомани) майхонада гаровга қолдирмоқ, масжидни

*Пардаи нори дўзахе
тоза шуд аз шарорам,
Ламъаи Тури ҳайратам,
воизи минбар омадам.*

Таржимаси: Салтанатнинг ёриман, минбар воизи бўлиб келдим. Даврнинг Ҳизр ва Масеҳи (Исоси)ман, Марям ва Асфар бўлиб келдим. Дўзах оловининг ёлқинлари ҳам менинг ўтимдан янгиланди. Тур тоғида ярқираган шуъламан. Минбар воизи бўлиб келдим.

Қаҳрамоннинг орзуи шу билан кифояланмай, Тангри билан бирлашувгача ўсиб боради. Орифона ғазалларнинг хусусияти ҳам, шоирнинг мақсади ҳам шу.

Биз ҳали Машраб ғазалларининг энг буюк кучи бўлган бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритганимиз йўқ. Шарқ классик поэзиясининг пири ҳисобланган Қайс Розий шундай ёзган эди: «Ғазал ёқимли, маъқул, ширин, бир вазнда, очиқ-ойдин ва нафис сўзлар билан олижаноб фикрларни куйлаши лозим».

Бу талабга ўзбек поэзиясининг ўнлаб раҳнамолари қаторида Машраб ғазаллари ҳам тўлатўкис жавоб беради. Машраб ғазали деганда ҳар бир кишининг хаёлида унлилари чўзиб-чўзиб, кифтини келтириб ўқиладиган шеър эмас,

ҳофиз фақирона танбурни чертиб куйлаётган «Ўртар», «Мастоналарга», «Ҳаргиз», «Девона бўлдим» каби ўнлаб қўшиқлар намоён бўлади. Айниқса, «Ўртар» ғазалининг мусиқаси шунчалик томирларга сингиб кетганки, ҳатто номини эшитибок кишида бир ёқимли туйғу жунбишга келади.

«...Лирик поэзияни фақат мусиқа билан солиштириш мумкин. Ҳатто шундай лирик асарлар борки, уларда поэзияни мусиқадан айириб турувчи чегара йўқолиб кетади». Немис мутафаккир шоири Жан Пол Рихтернинг юқоридаги сўзлари ҳам Машраб асарларига нисбат бериб айтилгандай. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг хоҳлаган бир ғазал, мухаммас ёки мустазодини олиб ўқий бошласангиз, биринчи сатрлариданоқ унинг куйи эшитилиб туради.

*Кўрсат жамолинг мастоналарға,
Ишқингда куйган парвоналарға.
Мендин дуодир, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларға.*

*Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сен бечораларға.
Машраб сени деб кечди жаҳондин,
Бошини қўюб остоналарға.*

Ёки:

*Кўрдим юзунгни – девона бўлдум,
Ақлу ҳушумдин бегона бўлдум.
Тортиб жафони ўлсам кўйингда,
Қайтмасман ҳаргиз – мардона бўлдум, –*

каби арузнинг энг содда вазнларида ёзилган ғазалларидан тортиб бошқа ўнлаб вазнларда битилган ғазалларигача ҳаммаси гўзал куйдан, қўшиқдан, оҳангдан иборат. Бундай ўйноқи оҳангни, бундай такрорланмас завқни фақатгина Машраб уйғота олади, Машраб ярата олади.

Мумтоз шеъриятимиз жаҳонда ёр васфини куйлаш, ёр жамолини тасвирлаши билан ҳам машҳур. Шунингдек, Машраб ҳам дилдорининг хуснини таърифлаб тугатолмайди. У маҳорат билан гўзал ташбеҳлар, манзаралар яратади. Маҳбубининг қош-кўзлари, юзи Машраб қаламида ўнлаб қиёсларини топади. Машраб санамининг суратини чиза бошлайди:

Юз

*Ҳуру пари уёладур, шамсу қамар хижил эрур,
Ким они кўрса бандадур, ҳусни зиёсини кўрунг.*

(Дунёдаги илоҳий гўзаллар, бир қултум сув билан ютса бўлади деб таърифланган ҳуру па-

рилар уни кўриб ўзининг хунуклигидан уялади,
унинг қаршисида қуёш ҳам, ой ҳам хижил бўлиб
қолади.)

Соч

*Сунбул ўлсун, зарра ё заъфарон, ё удким,
Барчани абтар қилур ул сунбули анбаршикан.*

(Сунбул (муаттар ҳидли гўзал ўсимлик) бўл-
са ҳам, зарра ё заъфарон (хушбўй ўсимликлар),
ё уд (ёқилса муаттар ҳид тарқатадиган ёғоч)
бўлса ҳам, буларда бор хислатларга қарамай,
сунбулдай ёйилган сочидан таралган анбар
ҳаммасини маст қилади.)

Зулф

*Савдои сири зулфинг учун неча маҳалдур,
Жон кишварин буздиму зеру забар эттим.*

(Сени зулфингни таърифлашга шундай
ожизманки, бошимга тушган бу савдодан доим
жоним қасрини (кишварини) бузиб, остин-ус-
тин қиламан, зеру забар қиламан.)

Кўз

*Хуршид юзунг шуъласиға жон чидаёлмас,
Кофар кўзунгни зулмиға имон чидаёлмас.*

(Ёруғ юзингнинг шуъласига жон чидай олмас, сенинг юзинг шундай кофирки, қарашдан имон чидай олмайди, кофирни кўриб мусулмоннинг имони куйгандай, одамда имон қолмайди, ўз динидан ҳам кечиб юборади. Кофар қора сўзига ҳам ишорадир.)

Киприк

*Хаданги новаки мужгонларинг
ҳар дам тегиб ўтти,
Қизил қонимға булғониб,
шаҳиди Карбало бўлдум.*

(Камондаги ўқ-ёйдай киприкларинг шундай ўткир, шундай узунки, қараганингда юрагимга тегиб, қип-қизил қонга бўялдим, Карбало даштида жангда ўлдирилган Ҳасан-Ҳусанлардай шаҳид бўлдим.)

Қош

*Кимни кўрса, оқизодур қонини дарё қилиб,
Қайси жаллод бўлғуси қошинг каби шамширзан?*

(Қошинг кўрган кишисининг қонини оқизади. Чунки у шамширга ўхшайди (Шарқда шамшир-

лар қайрилган, эгилган бўлган), қайси жаллод қошинг каби шамширзан бўла олади?)

Хат

*Жамолинг баркамол ўлди,
бўлур бир-бир хатинг пайдо,
Баҳор ўлса, ўсарлар
сабзалар оҳиста-оҳиста.*

(Баҳор келган пайтда майсалар ўсиб қандай гўзаллик пайдо бўлса, сенинг хатинг (лаб устидаги туклар) ҳам шундай кучга эгаки, юзингнинг гўзаллиги ўшандандир.)

Лаб

*Ғунчани лаълингга ташбих айласа, эрмас адаб,
Ҳадди эмас садқага лаълу Бадахшону Яман.*

(Лабларингга ғунчани қиёслаш одобдан эмас, ҳатто энг гўзал ва қимматбаҳо ҳисобланган Бадахшон ва Яманнинг лаъл тошлари ҳам ўхшатишга арзимаydi.)

Хол

*Ул холки кунжи лаби жонона тушубдур,
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушубдур,
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушубдур,*

*Ул чоҳи занаҳдонига бир дона тушубдур,
Чун Юсуфи Ёъқубки зиндона тушубдур...*

(У хол жононамнинг лабини кунжига (четига) мос тушибди, устига-устак, жон оладиган кўзлари мастонасифат (кишини сархуш қилади) бўлиб тушган. Қора холи гўзал ва билиниб тушганки, худди қоп-қора ҳинд бола Сулаймон пайғамбарнинг гўзал, топ-тоза юртида, оппоқ парилар орасида қандай ажралиб турса, шундай кўринаётир, унинг холи лаби остидаги чуқурчага шундай жойлашганки, Ёъқубнинг гўзалликда тенгсиз ўғли Юсуфнинг чоҳга тушганининг худди ўзи, холингнинг гўзаллиги бундан ҳам зиёда.)

Тиш

*Оташи лаъли ичидан оби ҳайвон хуш етар,
Ҳуққаи ёқут ичинда тишларинг дурри Адан.*

(Ўтли лабингдан ҳаёт суви келиб туради. Тишларинг шу сув остидаги дурнинг ўзи ёким лабларинг ёқут қутичаю тишларинг шу қутичада асраладиган Адан жавоҳирларининг ўзидир...)

Қомат

*Бир қадингдек сарв ҳеч бўстон ичинда ўлмади,
Гул қачон ўхшар юзингга,
гар юзинг барги суман?*

(Сенинг қаддинг шундай тик ва нозикки, бундай дарахт ҳеч қайси бўстон ичида ҳали ўсмаган. Юзингга гул қандай ўхшасин, ахир, юзинг суман (гўзал ва хушбўй оқ гул) баргининг ўзи-ку).

Энди ёр сизнинг қаршингизда турибди. Сиз уни кўряпсиз. Тўғри, унинг қош-кўзлари Лутфийнинг, Навоийнинг, Бобурнинг ва Огаҳийнинг маҳбубиникига ўхшайди. Уларда ҳам қош – қилич, кўз – жаллод, киприк – тир ва қомат – сарв. Булар – классик лирикамизнинг анъанавий образлари.

Машрабнинг ёр тавсифига қилинган байтларини ўқиганда кишининг кўз ўнгида ўхшатишлар натижасида гўзал, такрорланмас манзаралар пайдо бўлади. Шулардан бирини кўриб ўтайлик:

*Кокулунг анбар дурур, жон ичида жонон қиз,
Кўзларинг ахтар дурур, юзи моҳи тобон қиз.*

(Сенинг кокилинг хушбўйдир, кўзларинг юлдузга монанд, юзинг ойнинг ўзидир, Кўз юлдузу юз ой бўлгач, сочлар, албатта, ўз-ўзидан тунга айланиб қолиши табиийдир.)

Манзаранинг давоми:

*Кўксима ханжаринг тегиб,
моҳима аршинг куйдуруб,*

*Қонима жисму жон бўяб
гулшани лолазор ўзум.*

(Кўксимга ханжаринг тегиб, қонларга жис-
мим бўялди. Қип-қизил лолазорга ўхшаб қол-
дим, яъни ой-юлдузлар остидаги лолазор.)

Сўнгра:

*Ҳеч ҳазил эрмас, киши доғини
пинҳон айласанг,
Лом-алиф лола сифат чоки қабо
қилдим бу кун.*

(Қонимга бўялиб ўзим лолага ўхшаб қолдим,
кўнгилдаги доғни пинҳон қилгани билан, (лола)
яшира олмайди. Шунинг учун алифдай тик қо-
матимдаги (лолалар ўзи тик ўсади) қабони чок
қилдим, лола барглари ёйилиб, ичидаги қора
доғлари кўринганидай, менинг ишқ доғларим
ҳам ошкор бўлди.)

Давоми:

*Оташе зи рухсораш бар даҳани Машраб зад,
Ғунча шуд ниғаҳдори фасли ин хазон дорад.*

(Юзингнинг оловидан (юзинг ой эди) бир
ёлқини Машрабнинг оғзига тегди, Машраб ло-

лазорда ғунча эди. Ҳалиги шуъладан ғунча лоллага айланди, бу Машрабнинг оғзи очилиб қолганига қиёс, лола очилгач, тезда тўкилади, куз келиши аниқ. Куз энди тонг бўляпти. Тонг отгач, ёр ҳам кўринмай қолади, ахир ой-юлдузлар кундузи кўринмайди-ку, демак, тонгда ёрдан жудо бўлади.)

Бундай оригинал манзаралар Машраб девонида юзлаб топилади.

Ниҳоят, Машраб лирикаси халқоналиги билан алоҳида характерланади. Форс-тожикча сўзлардан имкон даражасида фориғ бўлган шеърларнинг халқ орасида ёйилиш сабабини ҳам унинг айнан шу хусусиятидан излаш керак. Барча жанрдаги шеърларидан халқ қўшиқларининг руҳи сезилиб туради:

*Гулгун май ичиб лола узорим келаду,
Ҳарён сузулиб кўзи хуморим келаду.
Тишлаб лабини, ўқларини манга отибон,
Чоғлаб юрагимни дилфигорим келаду.*

Ёки:

*Ошиқ бўлуб юзунгни кўрмай кетсам, нетарман?
Боязиддек ўзумни кунда юз минг сотарман,
Мункар-накир келганда лаҳад ичра ётарман,*

Ҳарна қилсанг қил, зоҳид,
жоми майдин тотарман,
Барбод бердим май учун,
қўлда тоқат қолмади...

Машраб лирикасида афоризмлар даражасига кўтарилган байтлар, ўринли ишлатилган халқ ҳикматлари ўз фалсафийлиги ва таъсир кучи билан ажралиб туради. Хусусан, унинг қуйидаги ғазалида:

Мен нечун юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз?
Умр эмасдур ошиқнинг, бир лаҳза бўлса ёрсиз.
Меҳнату роҳатга ҳў қилган кишилардин сўранг,
Ҳеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз...
Мунча ўртанган кўнгул охир етар мақсудига,
Ҳеч булбул бўлмагай олам аро гулзорсиз.

Ёки:

Саҳра юзи кўкармас то ёз бўлмағунча,
Булбул тараннум этмас то ғунча кулмағунча.
Кўз абридин сув тўкғил, имонинг ҳам очулсин,
Боғу чаман кўкармас ёмғир ёғмағунча.
Эй Машраби қаландар, яхшиға банда бўлғил,
Ҳалвойитар тузалмас то шакар ўлмағунча.

Буларга изоҳ бериб ўтириш ортиқча бўлса керак. Машрабнинг тил хусусиятларига таъри-

фимизни бу соҳада А.Ҳайитметов берган баҳони келтириш билан чеклаймиз: «Машраб лирикасининг тили ўзбек адабий тили тараққиётида, ўзбек адабий тилининг жонли халқ тилига яқинлашувида янги бир этап дейилса, хато бўлмас».

Машрабнинг бадиий маҳорати ҳақида сўз кетгани боисидан пича «шеърят бухгалтерияси» (ибора Б.Содиқовники) билан шуғулланишимиз мақсадга мувофиқ бўлар.

Машрабнинг лирикаси фақат ғазаллар билан чекланмаганлиги аён. Машраб қандай маҳорат ва санъат билан ғазаллар яратган бўлса, худди шундай маҳорат билан муламмаълар, ўйноқи мураббаълар, ғўзал мухаммаслар ва мустазодлар яратди. Машраб девонидан арузнинг турли вазнларида сахле мумтане (осону мумкин эмас) усули билан яратилган 190 ғазал, 30 мухаммас, 18 мураббаъ, 3 муламмаъ, биттадан мусаддас ва мусаббаъ жой олган. Бу – жуда катта хазина.

Машраб шеър санъатида ишлатиладиган ўнлаб усуллардан фойдаланди. Шу усуллар воситасида ёрга ёлворди, унинг жамолини куйлади, маҳбубидан ва замондан зорланди, бадкорлардан нафратланди. Машраб шеърларининг бадиий хусусиятини белгиловчи бу санъатларнинг баъзиларини кўриб ўтамиз:

Тажоҳули ориф (билиб, билмасликка олиш):

*Дил олурға ул пари Мажнун шайдо қилди ё?
Ақли ҳушимни олиб беҳуду расво қилди ё?
Келса ул нозукбадан юз ишва бирла жон тилаб,
Жон олурға дилбарим қош бирла имо қилди ё?*

Тазод (фикрни қарама-қарши сўз ишлатиш йўли билан бериш):

*Дўстлар ҳолиға йиғлар, душманим кўрса, кулар,
Дард кўб, ҳамдард йўқ, душман кўб, толеъ забун.
Юз жафо бошимға орттурди, вафони кўрмадим,
Охири бори маломат қоматимни қилди «нун».*

Тажнис (шакли бир хил сўзларни икки маънода ишлатиш):

*Ҳар кўнгул мурғи учун
зулфинг паришон айлаган,
Сур тўкуб ақлим қушин
қилғон паришон санмусан?*

Ташхис (жонлантириш):

*Ҳажр шоми куйганимға куйдию ўртанди барқ
Ҳам мени дарду дилимға чархи гардон йиғлади.*

Муболаға (сифатни ошириб ё камайтириб бориш):

Айдим: «Санамо, қўй кафи пойинг кўзум узра!»

Аччиғланиб айтур:

«Бўлмасму фигор ул варақи лолаи хумро
Санчилса муғилон?».

Иғроқ (мантиқан тўғри, лекин кузатиш им-
консиз бўлган муболаға):

Ғам тоғин алам тешаси бирлан қозадурман,
Ўлгунча хаёлингни топиб кўҳикан эттим.

Ғулув ёки ғулу (муболағанинг иғроқ чегара-
сидан чиқиши):

Жаннат ичида гул юзинг бўлмаса, оҳ тортаман,
Тўби куюб, фано бўлиб, чашмаи кавсаринг куяр.

Саволу жавоб:

Айди: «Не тиларсан?». Мен дедим:

«Шамъи жамолинг!».

Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Ташбеҳ (ўхшатиш):

Мижам жаруб этиб кўз косаси-ла

сув сепай дерман,

Биҳишти ади ёнглиғ соз этмак ихтиёрим бор.

Ёпиқ ташбеҳ (ўхшатиш қўшимчаларсиз келтирилади):

*Ёвуқ эрур андешаи хуршиди жамолинг,
Жон гулшаниға лолаву сарву суманимдур.*

Шартли ташбеҳ (ўхшатиловчи «гар», «агар» қўшимчалари ёрдамида ўхшатилади):

*Боғи ишрат ичра сан йўқ,
бир тиконсиз кўзга гул,
Гар хаёлинг ўлмаса, кўнглим эрур
байтул-ҳазан.*

Тенг ташбеҳ (ўхшатишлар ёнма-ён, қўшимчасиз келади):

*Икки рухсоринг қизил гулдурми ё барги суман,
Донаи райҳон – қаро холу хатинг саҳни чаман,
Сийм тан, гул пираҳан,
ширин сухан, нозик бадан,
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,
Хурмусан, филмонмусан,
жаннатмусан, ризвонмусан?*

Ташбеҳи тафзил (қиёсидан қоникмай, иккинчи сатрда ўшанга қайтиб ўхшатиловчининг сифатдан устунлигини таъкидлаш):

Юзунгни офтобини кўруб
хайрон бўлуб қолдим,
Фалакка қўл узотиб
шамси анварни олиб бўлмас.

Сажъ (ички қофия – оҳангдорликни ошириш учун қўлланилади):

Уйқуға юз имо қилиб, ваъдани доимо қилиб,
Сўнграсиға жафо қилиб,
куйдирувчи имонмусан?

Мумтоз шеъриятимизда ўттиздан ортиқ шеър санъатлари бор. Буларнинг аксариятига Машраб девонидан мисоллар топиш мумкин. Юқорида қилинган кичкинагина уриниш бунга мисол бўла олади.

Энди Машраб муҳаббат лирикасининг энг гўзал мисралари ва латиф байтларини банд қилган маҳбуб билан Машраб ўртасидаги мулоқотларга мурожаат қиламиз.

Девоннинг варақларини ағдариб, ғазалдан ғазалга ўтиб борган сайин ошиқнинг ёрга муносабатида билинар-билинемас из қолдириб ўтган сюжет чизиғи (шартли сюжет чизиғи) кўзга ташланади. Хўш, бу шартли дегани нимаси? Чизиқнинг бошланиши қаерда?

Одатда, бир бутун тўпламда, аксарият ғазалларда сюжет бўлмаслиги сабабли ҳамда девоннинг охиридан бошига, ўртасидан охирига тортилган мазмун, ғоявий боғлиқликни, сюжетни ўзимиз тасаввур қилганлигимиз учун шартли деб оламиз. Чизиқнинг бошланиши ошиқ, яъни Машраб ёрини кўришида, кўрган ондаги ҳолатида. Машрабни рўсиёлиғи, беҳуду расволиғи ҳам сарви хиромонининг зулфи паришоню чашми сиёсига кўзи тушишидан бошланади:

*Зебо санамим йўл уза кўргач, тура қолдим,
Наззаросидин маҳв бўлубон ўлтура қолдим.*

Ёки:

*Ногоҳ кўрунуб, жилва қилиб ўтти паризод,
Бағримни қилиб қон,
Фурқат ила ғам даштида дил айлади ношод
Ул ваъдаси ёлғон.*

Ногоҳ кўринган паризоднинг кўйида шоир девона бўлиб қолди. Аршнинг шаҳбози эса ошиғига дин билан дунёга алишадиган бир жилва ҳам қилди, ваъдаи ёлғон ҳам берди-да, кетди.

Машраб энди унинг кўйида хор-зор:

*Кел, эй дилбар, баён айлай
сенга бир-бир жудолиғни*

Ки, шояд, раҳм этиб солсанг
ўзунгга ошнолиғни.

Ёки:

Кошки, юзунгни кўрмасам,
бўлмағай эрдим интизор,
Раҳм эта кўр бу ҳолима,
ошиқи беқарор ўзум.

Ғам дарёсига чўмган шоир ўзига дардкаш из-
лайди:

Дод айлаб ёрнинг куйида юрган бормукин?
Тун, саҳарларда қўпиб,
рози дил айтғон бормукин?

Ёки:

Май ичиб Машраб азалдин,
маст кетти оқибат,
Жонни бермасдин бурун
жононни кўргон бормукин?

Ночор қолган ошиқнинг ўзига ўзи далда бе-
ришдан бошқа чораси қолмайди:

Ёр юзини кўрай десанг,
васли била бўлай десанг,
Ризо керак қазосиға, сабр керак балосиға.

Ситамгарини соғинган Машраб унинг ҳусну
жамолига мадҳиялар ўқиб излайди:

Шўҳ чашми ҳуснат аз бало нишон дорад,
Абрӯи ту дар мужгон – тир дар камон дорад.

Ёки:

Эй ёр, сени лаъли лабинг қанди асалдур,
 Ҳар бир боқишинг тийри бало, жонга халалдур,
 Рум халқини Занг этти асиру не масалдур,
 Савдои сари зулфинг учун неча маҳалдур,
 Жон кишварини буздимۇ зеру забар эттим.

Ниҳоят, санами унинг ҳолига раҳм қилди:

Тун-оқшом дилбари раъно
бошима бир йўли келди,
Мани кўрди, ўзум телба,
юзумга боқтию кулди.

Ёки:

Вафодорим дедим, охир дамида бевафо бўлди,
Билолмайман, не айб кўрдики,
ул мендан жудо бўлди.

Дилбари бир зум келди-ю, уни яна тарк қилди, ҳажр оловига ташлаб кетди:

Эй мусулмонлар, нетай,
мен ёрдин айрилмишам,
Фитна чашму шўхи хуш
рафтордин айрилмишам...

Ёр куйида икки дунёдан кечган Машрабга,
руи зибоси ташлаб кетгач, яшаш не даркор?!
Фанодан тамом кечиб, боқийликни ихтиёр қил-
ди:

Бориб айтинг ўшал зебо санамга:
«Ёринг ўлди», – деб,
«Сени ҳажрингда куйган ошиқи
дийдоринг ўлди», – деб,
«Тешилган тийри ғамдин сийнаси
афгоринг ўлди», – деб,
«Ғарибу хастаю ҳажру фироқу
зоринг ўлди», – деб,
Агарчи вақти ишрат келмади,
вақти қазо келсун.

Тортиб келаётган сюжет чизиғимиз узил-
дими? Йўқ! Бу чизиқнинг, гоҳ баланд, гоҳ паст
бўлса-да, ўз йўли бор. Шартли сюжет чизиғини
девондаги ҳамма шеърлардан олиб ўтиш мум-
кин.

Ниҳоят, Машраб маҳбубининг жабру жафо-
сидан ғарибу нотавон, гадо аҳлига султон бў-

либ, дин билан масжидни сотди ва бошини Мансури Халлождек дорга тутди.

Шартли сюжет чизиғи ҳавода муаллақ қолди...

Шарқда «Шоири абу маъоний» – «маънолар отаси» номини олган Мирзо Абдулқодир Бедил ўзининг бир фахриясида лирика, хусусан, Шарқ лирикаси ҳақида шундай деган:

*Дар пардаи сози мо наво бисъёр аст,
Айбу ҳунару рангу сафо бисъёр аст.
Хоҳи кафк гиру, хоҳи гавҳар бардор,
Мо дарёму мавжи мо бисъёр аст.*

Таржимаси:

*Бизнинг соз пардада наволар кўндир,
Айбу ҳунару рангу сафолар кўндир.
Истасанг кўпик ол, истасанг гавҳар,
Дарёмиз, бизда мавжу ҳаволар кўндир.*

Машраб ҳақида ҳам, унинг лирикаси, ғоялари ва бадий маҳорати ҳақида ҳам муайян бир мақолада якуний фикр айтиш – имкони бўлмаган нарсаси. Бу хайрли ишни шу ҳақда ёзилаётган ва ёзиладиган илмий ишлардан умид қиламиз.

1980

ЮРАКНИ ЎПАДИ МОМОГУЛДИРАК

Бирор уруғ-аймоғимдир

Дўстим, кўп кутдим, келмадинг, келар бўлсанг, фурсатини билмадинг. Неча кундир кўнгил хирмонида фикр совураман, ҳайдар-о, ҳайдар деб назм шамолини чақираман. Ёнимдан бир ўтгувчи йўқ, хирмонга барака дегувчи йўқ. Кўнгил хирмонимда ҳайрат ғарамини уйдим, сочилмасин дедим, тўкилмасин дедим, устига дардим супрасини ёпиб қўйдим. Мактуб – кўнгил карвони дедим, қалам тиғини унинг сарбони қилдим, хуржунлари кўзини сўз донига тўлдирдим, довод – туясини сафарга кўндирдим, ҳаё-ҳайт деб сенинг фикрлар салтанатинга йўлладим, тафаккур карвонсаройини оч, ақл тарозуси билан ўлча, билим омборига тўк, устидан хотира эшигини ёпиб, мангулик саркардасига дарбонликни топшир.

Сўзим билсанг шундайин, олтин кўмган ердайин, ёвга армон шердайин, унут бўлмас йил-

дайин, қорадан оқни, тўқдан очни, йиғидан кул-
гуни, урушдан омонликни, милтиқдан кетмонни
афзал билган, овози бўғилганда бармоғи билан
куйлаган, қўлига кишан тушганда юраги билан
сўйлаган одам ҳақида.

Оламнинг қора тунида ёруғлик тўфони қўп-
ганида, суягига пичоқ етганлар қулликнинг
занжирига калит солганида, сиртмоқ бўлган
арқонлар болага алвонж бўлиш орзусига туш-
ганида дунёга келган одам ҳақида.

Эй дўстим, у ёғини сўрасанг, уруғи ўзимизга
чатишган, тили билан тилимиз қайишган, бели
белимиздай майишган, кўнгли кўнглимиздан
сув ичган, сози дардли созимиздай, кўзи ёшли
кўзимиздай, тузи еган тузимиздай қардошимиз
ҳақида.

Болани чужуқ дейди, одамни адам дейди,
қуёшни кунаш дейди, ойни ай дейди, кулмоқ-
ни гулмак дейди, юракни юрек дейди, меҳнат-
ни чалишмак, дўстликни кардашлик, онани ана
дейди. Ҳай дўстим, ўйланиб қолдинг, бирор
уруғ-аймоғимдир, бирор оғзи маймоғимдир,
куйса бирга куймоғимдир деб ўйлаб қолдинг-
ми?

Ўйла, дўстим, ўйласанг ўйингга, сўзласанг
сўзингга, куйласанг куйингга арзийдиган ин-
сон.

Эй дўстим, мактабимиз эсингдами, деразада ойнаси йўқ синфимиз эсингдами, оғзида бир тиши йўқ адабиёт муаллими эсингдами, туркийдан деб шеър айтгани эсингдами, муаллифини ҳокимлар қувлагани эсингдами, ўн етти йил қамоққа ташлагани эсингдами, партадошинг Анорхол йиғлагани эсингдами, Туркияга хат ёзиб сўкканимиз эсингдами?

902 да туғилганин биласан, оти Нозим, отаси Ҳикматлигин биласан, Солоники шаҳрини ҳам биласан. Нозим гўдаклигида, бешигининг бошида, оҳанги ухлатар деб, маъниси ҳам етар деб Жалолиддин Румийнинг, комилликда сўфийнинг маснавийларини бобоси ўқиб берар экан. Нозим гўдаклик зинасидан болалик зинасига кўтарилганда ҳаёт бозорининг турли расталарига кўз ташлабди, бобоси билан дарвешларнинг зикрида иштирок этибди, қадим меъморчилигидан баҳра олибди, бир замон сураткашлик ҳам ихтиёр этибди, бир замон сўфийлар ашъорига ошно бўлибди...

Аввал Истанбулдаги мактабда ҳарф танибди, сўнгра Галатасаройдаги лицейда Товфиқ Фикратни танибди, ундан кейин Ҳейбелидаги ҳарбий денгиз мактабида ўқиб хорижликларнинг тазйиқини кўрибди, денгиз зобитларининг олий мактабида талабаларнинг исёнига бош

қўшибди; ҳайдалибди. Тўққиз юз ўн саккизда-
ги Антанта билан битимдан сўнг Туркия қўғир-
чоққа айланибди, бошида ақли, кўксида ғурури
бўлганлар, юрагида ватанига севги бўлганлар
бир бўлибди, хорижликларга қарши пинҳона
миллий кураш бошланибди. Дўстим, бу ёғини
эшит, шуларнинг ичида Нозим Ҳикмат ҳам бор
экан.

Туркияда миллий озодлик қўзғолони тўлқин
урибди, бу тўлқин Ойдин, Клики шаҳарларидан
фаранг қўшинларини ювиб ташлабди, э, сўра-
ма, бир алғов-далғов замон бошланибди.

Йиллар ўтибди, Нозим Ҳикмат қалами қо-
ғозга тетапоя бошлабди, унинг назм оламида
тонг отибди, ёзган бир-икки шеъри ҳукмдор-
ларнинг тишига тегибди, Анқарага борган экан,
қувишибди, Болуга келибди, ундан Анатолияга
келибди, дўстлари билан маслаҳатни бир ерга
қўйибди, 921 да бир кемага гизланибди, Бату-
мига юзланибди, ана-мана дегунча Масковга
келибди.

Қолганидан ўзингния хабаринг бор, дўс-
тим. Айтаверсам, гапи кўп, санайберсам, хис-
лати, қилган ишини ёзай десам, улай-булай ки-
тобга сиғмайди.

...Дўстим, кўриб турибман, тилингни ўқлов-
дай қилиб танглайингга кўтардинг, пастга ту-

ширсанг, тагидан нордон гап сачрашини ҳам биламан, қуруқ қошиқ оғиз йиртадим-ей, бир нима дейсан-да. Нозим Ҳикмат 950 да қамоқдан чиққач, Масковда яшаганин биласан. Ана, Масков ҳажв театрининг бош режиссёри В.Плечук 962 да ёзган экан: «Н.Ҳикмат Москванинг рўйхатида, лекин уни Москвадан топиш қийин: бугун у Варшавада, эртага Венада, индин уни Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессияси кутади, ундан кейин Шарқда – Осиё халқларининг илғор намояндалари конгрессида; сўнгра Гаванага учиши керак, балиқчилар меҳмонга чақиришган. Нозим ҳақ ва озодлик учун курашаётган одамлар бўлган ҳамма жойга боради».

Сатри бор – шуъладай

Дўстим, сен билан кунни тунга, тунни тонгга улаб истеъдод ҳақида, шеър ҳақида кўп тортишганмиз. Бир-иккитасини хотирингга келтирай. Эсингдами, айтувдинг: Истеъдод киши онгида табиат, вазият, меҳнат ва муҳит биргалликда қурган суҳбатдир. Нозим Ҳикмат – гўзал суҳбат.

Бир хил шеър бор, балиқ кабидир: ҳайрат уммонида бир умр шиддат билан сузиб юради. Нозим Ҳикмат ана шундай.

Бир хил шеър бор, қўл каби: дағал, қадоқли, ис-
сиқ, кўришсанг, қўлинг уялади, бошингни силаса,
йиғлагинг келади. Нозим Ҳикмат ана шундай.

Бир хил шеър бор, булут кабидир: бўлар-бўл-
масга йиғлайди, шамол ҳайдаган тарафга кетаве-
ради. Нозим Ҳикмат ундай эмас.

Бир хил шеър бор, лочин кабидир: хаёл осмо-
нида қанотларини ёзиб мағрур парвоз қилади.
Нозим Ҳикмат ана шундай.

Бир хил шеър бор, маймун кабидир: найранг-
боз, беқўним, дарахтдан дарахтга сакрайди, кўз-
ларида таъма ўйнайди. Нозим Ҳикмат ундай эмас.

Бир хил шеър бор, гулобга ўхшайди: сархуш
қилади, ичган сайин руҳинг ташналиги яна ор-
тади. Нозим Ҳикмат ана шундай.

Бир хил шеър бор, қон кабидир; кесилган
бошнинг ўрни кабидир: юрагингга олов беради,
қасосга чақиради. Нозим Ҳикмат ана шундай.

Дўстим, унинг шеъри ҳақида гапир дерсан,
шеърининг ўзидан орттириб бир нарса деб бў-
ладими, гулни ҳидламаган одамга «иси уйта-
ди-буйтади» деган билан, ҳидлагандай бўла-
дими? Сатри бор, қасосдай: ўч олади; сатри бор,
мўъжиза: ҳайратга солади; сатри бор, онадай:
таскин беради; сатри бор, фарёддай: йиғлай-
ди; сатри бор, машъалдай: йўл кўрсатади. Эшит,
дўстим:

КАРАМ КАБИ

Ҳаво қўрғошиндай оғир!!!
Бақир,
Бақир,
Мен ҳам бақираяпман!
Келинг, қўшин, қўшин, қўшин
Бўлиб келинг
Қўрғошин эритмоққа.
Мен
Сизни
Чақираяпман!
Биттаси айтадики:
– Мунчалар бақирасан?
Ўз овозинг ўтидан куйиб кул бўласан!..
«Дааард
Қўп,
Ҳамдард
Йўқ».
Юрак
-ларнинг
Қулоқ
-лари
Мунчалик кар,
Мунчалик кардир ахир?
Ҳавода қўрғошин оғирлиги бор...
Мен унга жавобимда

Шундай деб айтаманки:

– Карам

Каби

Ёна,

Ёна,

Ёна...

Кул бўлсам бўла қолай!

Мен ёнмасам,

Сен ёнмасанг,

Биз ёнмасак,

Қандай

қилиб

Қоронғиликлар

Ёруғликка чиқар?

Ҳаво эса тупроқ каби гунг, вазмин,

Ҳаво қўрғошин каби оғир!

Бақир,

Бақир,

Мен ҳам бақираяпман,

Келинг, қўшин, қўшин

бўлиб,

Қўрғошин

эрит

-гани,

мен

сизни

чақираяпман.

Пабло Неруда эсингга тушмадими, Агустино Неттони хотирламадингми, Виктор Харанинг овози эшитилмадими, Владимир Маяковскийни, Ғафур Ғулумни эсламадингми, Юлиус Фучикнинг, Витеслав Незвалнинг, Муин Бсисунинг нафасини сезмадингми?..

Кимлар борлигини сўрама

Дўстим, энди очгин кўзингни, ютгин айтар сўзингни, маҳкамроқ тут ўзингни, бир чўққиға чиқамиз, айланмасин бошинг, бир уммонга шўнғиймиз, қайтиб қолмасин нафасинг, бир омонат дунёга кирамиз, ҳаёт билан ўлим ўртасида чегара йўқ, бир ажойибхонага кирамиз, инсонлик билан ҳайвонлик фарқи бир ҳовуч гилосга қолган, бир қиморхонага кирамиз, пул ўрнига одамларнинг умри тикилган, бир гулхонага кирамиз, маймунлар пайҳонгарчилик билан овора.

Биласан, Нозим Ҳикмат Бурсада – турмада, соқчи қараб турса-да, мушуклар қуршовида, бирор овоз чиқмасам-кирмасам бўлган жойда, қуёшдан панада бошлагани 939 санада бир китоб ёзди, «Инсон манзаралари» деб ном қўйди. Ўзи айтди: «Шеър йўлини амал қилдим, ҳосилим сиғмади, насрнинг, драманинг, кинонинг ҳунаридан қўшдим».

«Бу китобда сиз дунёга машҳур ёхуд қўш-
ниларида бошқа ҳеч ким танимайдиган киши-
ларнинг таржимаи ҳолларини ўқийсиз».

Бу китобни ўқидим, юрак дарбозасига қон
сачради, оғриди, кўнгил даштимни тақдирлар
карвонлари чангитиб ўтдилар, чарчадим, сўзу
фалсафасининг шароби тахир экан, ичдим, кў-
зимдан ёш чиқди, ерга эмас, одамларнинг юра-
гига узоқ вақт кўмилган экан, қиёмига етган
экан, ичдим, олов жонимга ёхуд жоним оловга
тушди, билмадим. Дўстим-а, дўстим, ўзингга
аён, китоблар бор, нечасини ўқисанг, шунча умр
кўргандай бўласан, тақдирлар бор, эшитсанг,
китоб ўқиб ўтирганингдан уялиб кетасан.

Бу китоб бир сатри билан одамнинг алғов-
далғов ичиниям, ялтираган ташиниям, юриб
келган йўлиниям, туриб қолган чўлиниям кўр-
сатиб беради:

*Ҳалил ўқир экан китобини,
«Кишаним, – деб ўйлади бирдан, –
сендан омоч ясаймиз кишанимнинг темири».*

ёки

*«Вагонда Басрининг қаршисида нозиккина
букри киши ўтирар... Фақат дўрдоқ лаблар-
га ўроғлиқ оғиз бир даҳшатли сўкиш сақлар*

ичида бесас. Шундай сўкишким, товушга айланмаган, айлана олмас».

Ана санъат, ана ҳақиқат, ана ҳаёт, дўстим.

Бу китобнинг ичида кимлар борлигини сўрама. Ўзинг билган қул Сафар ҳам бор, анор «ўғ-риси» Туробжонам бор, сигирини ўғирлатган Қобил бобо ҳам бор, сартарошга бошининг кали учун пул бермаган Қори Ишкамбаям бор, ошқовоқни «яхши кўрган» Солиҳ махдум ҳам бор, ўлик жон харидори Чичиков ҳам бор, ҳаёти билан шинелининг баҳоси бир бўлган Акакий Акакевич ҳам бор, одам зотига оралаган илон – Яго ҳам бор, жиянининг қонига лаб қўйган Мирзакаримбой ҳам бор, кўнглининг айвони қоронғи Саллабодроқ амаки ҳам бор, танадаги сўнадай Баширжон ҳам бор, э, дўстим, буларнинг ўзи бўлмаса, акаси бор, укаси бор, ўзи бор, кўзи бор, ундайлардан беш юзи бор.

Бу китобнинг қамровидай қамров, сўровидай сўров борми дедим, ўйловидай ўйлов борми дедим, бор экан, дўстим-а, дўстим, молингни сот, жонингни сот, ўшаларни ол экан, ўқи экан. «Рамаяна»ни ўқидим, кўнгил боғимдаги майсалар энтикди, «Манас»ни ўқидим, юрагим деворида овози акс садо берди, ичимда бизнинг Алпомишга дов келолармикан дедим, Гўрўғлини эсладим, дилим хуррам бўлди, Дантенинг «Ило-

хий комедия»сини ўқидим, тафаккур кўҳига
хаёл тулпорларим чиққунича чарчади, ҳайрат
боғига кириб қолдим, Гётенинг «Фауст»ини
ўқидим, теранлик уммонининг тўлқинлари-
да юздим, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик»ини
ўқидим, Болконский билан булутга қараб ётдим
жанг майдонида, Безуховнинг ёнида турсам
ҳам, бўрига тегинмадим ов майдонида, ҳозир
наsr дарахтлари гуллаган юртларнинг одам-
ларини ўқидим – Маркесни, Кортасарни, Кар-
пентьерни, Борхесни, Жойсни... маза қилдим,
ҳавасим келди, ўзимизда йўқлигидан орим кел-
ди. Санаганимнинг бариси, ёши билан қариси
кўнгил фазилати, қаламининг хислати бир мис-
қол-бир мисқолдан Нозим Ҳикматда жам экан,
Нозим Ҳикмат ҳам бир мисқол-бир мисқолдан
уларда бор экан. Ҳаммаси бир умумий хислат-
га эга экан – аввало ИНСОННИ севар экан, ке-
йин МИЛЛАТИНИ севар экан, ундан кейин эса
ЁЗУВЧИЛИГИНИ тан олар экан.

Баҳайбат ўргимчак эсингдами

Ҳей дўстим, Нозим Ҳикматни сўрадинг, қилган
ишини санайверсам, бармоқ тугул, саноқ етмас,
эшитган билан қулоқ тўймас, лекин ҳеч биро-
ви беиз кетмас. Нозим Ҳикматнинг гўзал-гўзал

шеъри бор, ажиб-ажиб романи бор, тўртов-бешов хушоҳанг достони бор, жажжи-жажжи эртаги бор, ё ўн тўққиз, ё йигирма пьесаси бор.

Дўстим, сен билан театр ҳақида, драма ҳақида хўп гаплашганмиз. Ўзингга аён, пьеса дега-ни томирда кўпирган қондай, тўлғаниб турган жондай, тубсиз уммондай, тандирдан узилган нондай бўлади. Пьеса бир ҳалол афсунгардир: йиғлайди, кулади, чақиради, ундайди – кўнгил қўрғонининг дарвозасини очади, юракни ташқарига олиб чиқади, қанот беради, учиради. Биласан, Нозим Ҳикмат бир дам ором билмади, бирор жойга бўйнини эгмади, қалам билан қоғозини ҳеч ҳолига қўймади, майдонини ноумидга бермади, иллатлар билан тиним билмай олишди, эзгуликнинг лойини қорди, инсонийлик қасрига ижод ғиштларини терди. «Бекат», «Иван Иванович бормиди, йўқмиди», «Сабоҳат», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Унутилган одам», «Бир ишқ афсонаси», «Ажал шамшири», «Юсуф ва Зулайҳо» пьесаларини шу мақсад йўлида ёзди.

«Бош чаноғи»

932 да Истанбулда бир китоб чиқди, оти – «Бош чаноғи», муаллифи – Нозим Ҳикмат.

Пьесасининг мағзида ётган нарса нима дерсан, э, сўрама, дўстим: пулнинг жамиятни бузиши, одамни одамдан узиши, номус борми, ор борми, илм борми, фан борми, юрак борми, қон борми, барининг устига пулнинг чиқиши, товони билан тепиши ҳақида. 960 да Радий Фиш ёзди: «Бош чаноғи» пьесаси – «доллар демократияси» тарафдорларига қарши турк адабиётида берилган биринчи зарба».

Ҳей дўстим, бунга қара, воқеа кечган шаҳар ҳам Долларян. Юз берган савдо бундай: Далбанезо деган доктор қизи билан яшайди шул шаҳарда, тиф давоси устида ишлайди ҳам тунда, ҳам саҳарда. Тажрибасини қизида ўтказган, қора чақасини ҳафтадан ҳафтага етказган. Бад ниятдан, фирибдан, олди-бердидан, сиёсий иқтисоддан беҳабар. Қўшниси бор, Педро – исёнга мойил; қўшниси бор, Дуг Жин – шоир. Далбанезо машҳур бўлди, шифохона корчало-нининг пайтавасидаги қурт болалади, докторнинг олдига келди, пул ваъда қилди, келажак ваъда қилди, авради, олти ой молларимни давола, бари кейин деди, доктор кўнмади. Бу орада нашриёт хўжайини келиб шоирни авради, пул ваъда қилди, келажак ваъда қилди, бешарм суратлар остига шеър ёзиб бер деди, шоир тайсаллади, кўнди. Корчалон докторга яна келди,

авради, Дарбанезо пулсиз, иложсиз, қизининг ўлиб қолишидан қўрқиб рози бўлди. Корчалон докторга уй берди, ўй бермади, илми барҳам есин деди, шифохонамдан ажрамай деди, пул берди, эрк бермади, эркинсан деди, қадам-ба-қадам назорат қилди, ишқилиб, даво дорисини яшашга, қизини яшашга қўймади. Бу орада шоир ҳам: «Олди-сотдини тушунмаган шоир шоир эмас», – дейдиган даражага етди. Туркия адабиёт оламида Нозим Ҳикматнинг аввал дўсти, кейин душмани бўлган бир одам бор эди – Пеями Сафо дегувчи эди, бу шоир ўшанинг нусхаси эди. Хулласи калом, докторнинг қизи ўлди, ўзи телба бўлди, кўчада қолди, оч қолди, дўсти қолмади, ўлди. Ўликхонада ҳам қоровул докторнинг бош чаноғини табобат маддоҳларига пуллади.

Ана, дўстим, энди ўзинг хулосани чиқариб олавер, оқибатни кўравер. Ҳайвонлик палосини ёзиб, устига чиққан пул нима қилар эди, кўнглига келган номаъқулчилигини қилади, имонсизлик туғади, ёвузлик туғади, оқибатда уруш-ням туғади. Ёзувчи шундан аламда, ҳасратда, азобда, нафратда.

«Марҳумнинг уйи»

Шу пьесанинг садосидай садо, савдосидай савдо, чиққан ипнинг давомидай давом яна бир пьесада бор. «Марҳумнинг уйи». Дўстим ҳангамасини эшит: Сайфулла афанди ўлади, ўлимидан олдин банкдан пулларини олган бўлади, икки хотини пул излаган – бир-биридан шубҳада, қизининг ошиғи ҳам пулдан бенасиб қолмай деган шубҳада, э, сўрама, барисиям бир-биридан шубҳада. Иккинчи хотин Фархунда, эрининг устига ўзини ташлаб йиғлайди, зимдангина ўлик қўлида қолган узукни бурайди. Бутун ҳовли алпанг-талпанг, кўзлар пул деб аланг-жаланг, топмоқ учун бурчак борми, сандиқ борми қарайдилар, ишонмасдан ҳовлиниям ковлайдилар, алам билан бир-бирларин талайдилар. Фархунданинг кўзи қонга тўлади, одамликдан тонади, шамдонини қўлга олади, ўгай ўғли Шоди ортидан боради, мол аччиғи – жон аччиғи, боплаб-боплаб икки-учта солади, Шодиям таппа ўлади.

Эй дўстим, билсанг, марҳумнинг уйи дегани – таназзул дунёси дегани, ўлиқка европача кийим кийдиргани бемаъни реформалар дегани, қизининг ошиғи билан французча гапиргани кўр-

кўрона маданият дегани, ўгай онанинг ўғлини ўлдиргани – уруш дегани, пулнинг топилмагани, хизматкор қизнинг кетгани – бундай дунёнинг охири бор дегани. Қаҳрамонларининг гапи бор – келажакдан хабар беради – «Шоди: Мен бугун ҳис қилдим, дунё чиримоқда. Бутун умид америкаликларда. Лекин Америкада ҳам ҳамма нарса бирданига қулаши мумкин». Қаҳрамонларининг гапи бор – саволингга жавоб беради – Ўлим нима? – «Жамол: Ҳаммамиз ўламиз. Аммо асосийси: қанақа ҳаётдан сўнг ўламиз, қандай ўламиз. Мана, гап нимада». Қаҳрамонларининг гапи бор, ҳикмат дейсан, мақол дейсан: «Севги – оловли кўйлак», «Хўроз ўлди – кўзи эса дон излайди», «Қайғу чекавериш кулфат чорлайди», «Ёлғиз яшаган ёлғиз ўлади».

«Унутилган одам»

Инсоннинг хаёл боғида худбинлик нишини адл кўтариб кезинган шуҳрат чаёни бор, тишларидан бойлик оғуси томиб турган нафс илони бор, пасткашлик ва ажал тўрини тўқиғувчи бадахлоқлик ўргимчаги бор, ваҳшийлик тухмини туғгучи онгсизлик калхати бор, улар ҳар дам юрак гулларини заҳарламак, виждон япроқларини сарғайтмак пайида бўладилар, софлик

дарёсига тўғон қурмак, раҳму шафқат булоқларини ёпмак орзусида бўладилар ва кўп ҳолда шунга эришадилар ҳам. Инсон қадрининг, муҳаббатнинг, одамийликнинг, халқнинг, миллатнинг заволи ҳам ана шундан. Инсон қавми бошига тушган кулфатларнинг, кўргуликларнинг, бахтсизликларнинг, урушнинг ота-онаси ҳам ана шулар. Дўстим, бу ёғини эшит.

Ўша чаён, илон, ўргимчагу калхатлар бир улуғ инсонни ғариб қилгани, бир тоза юракни юлиб, даррандалар олдиға ташлаганидан, баланд кошонани йиқиб харобазор қилганидан огоҳ бўлай десанг, «Унутилган одам»ни ўқи.

Жарроҳ бор экан, профессор экан. Номи ярим дунёга доврўқ солган, илмидан одам борки лол қолган, ҳамкасблари ҳар сўзига маҳтал қолган, газета борми, журнал борми, шунинг расми билан тўлган, ўзига бир шогирд олган, хотини ўлиб, бошқасини олган экан. Хотин экан ҳиллали, қора хаёл каллали, ёлғонларкан эрини сизлаб-сизлаб, шогирд билан кўзлашаркан гизлаб-гизлаб, сўзлашаркан сизлаб-бизлаб. Бун кўрган жарроҳ кўнгли озорли экан, хаёлида қўним йўқ – бозорли экан, ғам чекаркан, хўрсинаркан зорли-зорли, қалби билан шуҳратини кўрар экан айри-айри. Қизи бир кун отасига ёрилибди, севганимдан ҳомилам бор, олиб таш-

ласанг нетади, биров қилса, сенинг обрўйинг кетади, илму ишинг охирига етади дебди. Отаси кўнибди, болани олар вақти қизи ўлибди, жарроҳ полисга хабар берибди, суд беш йил маҳбуслик берибди, беш йил ўтибди, у ҳамманинг ёдидан кўтарилибди, жарроҳ қайтибди, ҳеч ким танимабди, уйига келибди, шогирд билан хотини қўша пишган мевадай, масиққан тевадай бўп яшаётган экан. Жарроҳ «унутилганлар қаҳвахонаси»ни гўшанишин қилибди, бир замонлар кўзини даволаган боланинг онаси танибди, холос. Унутилган жарроҳ уйқудан маҳрум, йиғлай деса, кўзи ёшдан маҳрум, пулу шон-шухрат дунёси унутган, фақат дарду алам уни унутмаган... Қабр каби торлик, бир ютум меҳрга зорлик...

Дўстим, Кафканинг «Эврилиш»и эсингдами, Григор Замза эсингдами, пул, разолат туққан қабоҳат эсингдами, одамзод унутган, калта оёқчалари билан шифтга осилиб турган, қорнида косаси бор Григорнинг кўзлари билан эшикка қараб турган баҳайбат ўргимчак эсингдами?

«Ажал шамшири»

Кўзлар ёрилади – Отилар нигоҳ – оп-ойдин қонлар, Осмон йиртилади – Шовуллаб тў-

килар тип-тиниқ кунлар, Фурсат қуйилади
пиёлаларга, Боғларда соврилар пишган ша-
моллар, Булоқларда чўмилар ҳар тун – Да-
рахтда ин қурган юлдузлар, Тоғлар гул каби
очилар – Масофалар чиқади учиб, Мусичалар
эртак айтади – Бекинмачоқ ўйнар майсалар,
Дунё тўлар ойнинг ҳидига – Чақалоқлар эмар
тонгларни Ва сўрашар бир-бирларидан Савол
бўлиб хуррам болалар – Уруш нимадир? Умр
нимадир? Ўлим нимадир? Қалдирғоч қанотин
ёяр туш каби, Хушбўй ҳаволарда ёяди ўйнаб,
Булутларнинг табассумида Бир ривоят қо-
лар осилиб – «Ажал шамшири».

Меъмор билан хотини дастурхонда нону об,
муҳаббатдан шавқиеб, бир умрда икки боб бў-
либ ўтирганда меъморга ёшликдаги дўстидан,
ўтмишнинг кам-кўстидан хат келади. Хатда
алам бўйли ривоят, ситам рангли ҳикоят: Бир
шаҳарда одамлар бор экан, олтини бўлса ҳам,
олтинга зор, бирининг кўзи бирига дор, яхши-
ликдан кўнгли безор, юраклари бир мозор, кў-
милган номус билан ор, ҳаётлари бир чайқов
бозор. А.Б. деган бир бола бор экан, мусичадай
беозор. Иши ҳеч юришмаган, биров билан маса-
ла суришмаган, ғурурим деб майдон қуришма-
ган, омад билан ўтириб кулишмаган. Боксёрга
эрмак, аптекачининг ўғли тупламагига кўлмак,

иши хўрликка нишон бўлмак, орзуси оқ қўйга минмак экан. Бензинчининг қизи уни севган, у эса судьянинг қизини кўнглига меҳмон қилган экан. Аптекачининг ўғли ҳам судьянинг қизини олиш пайида, юрган жойи қора ишнинг лойида экан. А.Б. ҳамён кўрибди, ундан олдин биров олибди, боксёр билан аптекачининг ўғли бирига қасд қилибди, ўртада А.Б. ўқ ебди, ярадор бўлибди. Судьянинг қизи отасига айтибди, ўқиш топибди, А.Б. шу ўқишга – учувчиликка жўнабди. Таътилга келибди. Аптекачининг ўғли судьянинг қизини оларман бўлиб ётган экан, А.Б. энди ўзгарган экан, сўзидан қайтмас, бировнинг гапини емас, ҳаққини бермас бўлган экан, қўймапти. Судья бўлса уни хоҳламабди, аптекачининг ўғли фойдали экан, севги билан инсоф фойданинг орқасида қолган дунё экан. Эртаси А.Б.ни жосусликда айблашибди, йўқ ердан сурат борми, рўйхат борми, харита борми, пеш қилишибди, қиздан умидингни узсанг, поксан дейишибди; кетибди бечора. Қизнинг ўзи олдига борибди, бола кўриш мумкин эмас бўлса ҳам, бир замон ўтиб ҳомила бўлибди, қорнини ёришибди, болани олишибди, ўлик экан. А.Б. азоб тортибди, айб менда дебди қиз, бола сендан эмас дебди, ўлибди. Воҳ, воҳ, дўстим, А.Б.нинг виждони ит бўлиб юрагини тишлабди,

шубҳаси мушук бўлиб талабди, ўзини қўярга жой топмабди, боксёрдан, аптекачининг ўғлидан сўрабди, бола қайси бирингдан дебди, улар тонишибди. А.Б. ўз гўштини ўзи емоққа тушибди, одам зотидан ихлоси қайтибди, инсонликдан ҳайвонликка қайтибди, ваҳший бир офатга айланибди. Шафқатни ғазабдан паст қилибди, ҳаммадан ўч олмоққа қасд қилибди, атом бомбаси бор самолётга ўтирибди, меъморга хат битибди, роса саккизда сизлар турган шаҳарга ташлайман дебди, меъмор билан хотини оловга тушгандай, михга яланг оёқ чиққандай бўлиб хатни саккизгача ўқиб бўлишибди, самолётнинг овози эшитилибди, келибди, меъморнинг хотини чинқирибди... эшик очилибди, А.Б. кирибди, ташлолмадим дебди, йиғлаб юборибди...

Дўстим-а, дўстим, пешонангдаги тўп ажин ёзилиб кетдими, кўзингга уруш туғувчи ялмоғиз кўриниб кетдими, хаёлингдан Бертольд Брехтнинг «Кураж она ва болалари» юриб ўтдими, «Хиросима болалари» кўзингдан чопиб ўтдими, бу замон «якка тақдири ҳаммада, ҳамманинг тақдири яккада» замонлиги ҳақидаги фикр юрак дарвозангни яна чертдими?..

Юракни ўпади момогулдурак – Чақмоқ чақилади, гуллар сочилар – Хаёлнинг умидвор замбуруқлари, Қалдирғоч ҳидига тўлар бе-

шиклар – Қиқирлайди йиллар энтикиб, Ҳовузларда тип-тиник ҳаёт Балиқларни боқади қушдай, Ойдин нурлар майин сизилар Юракларнинг қабоқларидан, Чайқалади аробаларда Яйловларда улғайган қўшиқ – Жавоб бўлар ҳув саволларга, Оқ кабутар қанотин ёзиб, Ҳазиллашар варраклар билан Ва куларкан юмшоқ тумшуғи Хушбўй ҳаволарга экар дунёни: Ҳаммаси эртак эди, Ҳаммаси эртак эди, Ҳаммаси эртак эди...

1983

МУНДАРИЖА

ВАҚТ МАНЗИЛИ	7
МИНГ ТЎҚҚИЗ ЮЗ ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ	27
ТУРҒУНЛИК БОЛАЛАРИ.....	37
Дарс.....	39
Дарсдан сўнг	41
Уй	45
Уйдан ташқари	49
«Коммунист».....	56
Яна дарс.....	64
ПАГАНИНИНИНГ СЎНГГИ КОНЦЕРТИ.....	69
Ғойибдан дўст билан суҳбатлар.....	81
«ИСМИМ «ОҲ»ДИР МЕНИНГ».....	85
«ҚАЙДАДИР МЕНИ ҲАМ ТУШУНГАН ДИЛ БОР»	113
ҚАРСАК АСАРГА ЧАЛИНАДИМИ, АДИБГА?	131
ҒОЙИБДАН ДЎСТ МАКТУБИ	147
АДАБИЁТ + ШАФҚАТСИЗЛИК = ?	153
ЗИНАДАГИ СУҲБАТ	164
КЎРСАТ ЖАМОЛИНГ МАСТОНАЛАРГА	172
ЮРАКНИ ЎПАДИ МОМОГУЛДИРАК.....	197



АЗИЗ САИД

1961 йил 25 сентябрда туғилган.
ТошДУнинг журналистика
факултетини тутатган (1984).
«Чилтор» (1988), «Дили қани
Бедилнинг» (1996), «Ғойибдан дўст
билан суҳбатлар» (2001)
китоблари чоп этилган. Шеърлари
рус, инглиз, француз, болгар,
венгер, ҳинд, турк, озарбайжон
тилларига таржима қилинган.
Уолт Уитменнинг «Майса
япроқлари», Нозим Ҳикматнинг
«Юсуф ва Зулайҳо», Бертолд
Брехтнинг «Театр ва реализм»,
Пауло Коэлонинг «Алкимёгар»
асарларини, Муин Бсису, Мигел
де Астируас каби ўндан ортиқ
адибларнинг ижодидан
намуналарни ўзбек тилига
ўғирган.



ISBN 978-9943-6966-5-5



9 789943 696655